

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ” йўналиши

**“МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ФАНЛАРИНИГ ТАРАҚҚИЁТ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАРИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент -2018

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20__ йил “__” “_____”даги __-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: Д.Р. Бабаева педагогика фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

И.М.Губкин номли РДУ, п.ф.н., доктори, Э.Р. Юзликаева

**Сеул педагогика университети (Жанубий Корея),
профессор. Lee Yu Mi**

***Ўқув-услугий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2017 йил 28 декабрдаги
5/4.13- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	22
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	106
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	120
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ.....	124
VII. ГЛОССАРИЙ.....	125
VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	133

І. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан борар экан, ўз фуқароларининг, айниқса, янги жамият барпо этишга бел боғлаган, ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Баркамол шахс тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган. Табиийки ҳозирги таълим ислоҳотлари шароитида ҳам баркамол авлод тарбияси ҳақида гапирар эканлар: «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввламбор фарзандларимизнинг униб, ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришга боғлиқдир.»¹ – деб алоҳида таъкидлаганлар.

Ҳозирги пайтда юз бераётган глобаллашув жараёни ва жамиятни ислох этиш шароитида янгича фикрловчи шахсларни тарбиялаш таълим тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар киритишни талаб этади. Дунё давлатлари орасида Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб умумбашарий тавсифга эга мазкур муаммони ҳал этишга доир концептуал-назарий асослар яратилди ва тизимли равишда амалиётга татбиқ этиб борилмоқда. Мазкур эзгу мақсадни ҳаётда ўз исботини топишда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Узлуксиз таълим чуқур, ҳар тарафлама асосли таълим-тарбия бериш, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, усул, восита, услуб ва йўналишларининг мукамал уйғунлигидан иборатдир. Узлуксиз таълим сифатини турли компоненталар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, муайян усуллар ва услубларнинг таълим жараёнига оқилона татбиқ этилиши таъминлайди. Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи таълим тизимида илғор ғояларни татбиқ этиш ва шу асосда унинг мазмунини такомиллаштириш ижтимоий зарурият саналади. Ушбу жараён таълим тизимини бошқариш, уни демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланишини таъминлаш ҳисобига кечади. Таълим муассасалари фаолияти ва таълим сифатини бошқаришда ижобий натижаларни қўлга киритиш малакали мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги амалий ҳаракатларнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 4-9-б.

технологияларидан фойдаланиш, муассасаларни замонавий билимларга эга тарбиячилар билан тўлдириш ҳамда уларда касбий малака, фаолиятга нисбатан ижодий ёндашув ҳиссини қарор топтириш, узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қайд этилганидек, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш бўйича малакали тарбиячи ва педагог кадрлар бугунги кунда узлуксиз инновацион изланишда бўлшни, фикрлаши, шунингдек, МТМ ларда ҳам инноватик ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур. Педагог кадрларнинг узлуксиз таълим олишини ташкил этиш муаммолари бир қатор халқаро ташкилотларда, жумладан, Жаҳон таълимини режалаштириш институти (Париж), ЮНЕСКОнинг таълим бўйича институти (Гамбург), Олий таълимнинг Европа Маркази (Бухарест), Европа Муаллимлар таълими Ассотсиатсияси (АТЕЕ) ва бошиқа қатор илмий муассасаларда тадқиқ этилмоқда.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорида; мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим – тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик, жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида этибор қаратилди². Бу қарор мактабгача таълим тизимини янада такомиллашувига хизмат қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мактабгача таълими фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” **модулининг мақсади:** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Мактабгача таълими фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” **модулининг вазифалари:**

“Мактабгача таълим” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

² **Туркистон рўзномаси 2017 йил 1-феврал 3-бет

-замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

-педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

-маҳсул фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Мактабгача таълим” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Мактабгача таълими фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

– олий таълим тизимида таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишларини;

– педагогик концепцияларнинг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳиятини;

– мактабгача таълим фанларини ўқитиш мазмунини интеграциялашни;

– бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмаларини;

– мактабгача таълим жараёнини лойиҳалаштиришни;

– акмеологик ёндашув асосида талабаларда креатив қобилиятни шакллантиришни;

– педагогик квалиметриянинг мақсади, вазифалари, турлари ва тамойилларини;

– ўқитувчининг квалиметрик модели ва диагностикасини;

– педагогик квалиметрия мезонлари, методлари ва уларнинг таълим натижаларини баҳолашдаги аҳамиятини;

– квалиметрик назорат технологияси ҳақида **билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи:

– бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш;

– мактабгача таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва ўқув материалларини тизимлаштириш;

– интерфаол таълим воситасида талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш;

– янгича ёндашувлар асосида талабаларда касбий ва креатив қобилиятни шакллантириш;

– мактабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион шакллари, метод ва воситаларидан фойдаланиш;

– квалиметрик жараёни ташкил этиш ва ўтказиш;

– таълим-тарбия жараёнида кутилаётган натижаларни башорат қилиш, идентив ўқув мақсадларини шакллантириш;

квалиметрик назорат технологиясидан фойдаланиш **кўникмаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

– ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрларини яратиш;

– интерфаол таълим воситасида талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш;

– компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш;

– амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– мактабгача таълим фанларидан курс иши (лойиҳаси)ни тайёрлаш;

– битирув малакавий ишлари бажарилишининг ташкилий ва илмий-методик таъминотини такомиллаштириш;

– талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш технологиялари амалга ошириш каби **малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

– педагогик концепцияларнинг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳиятини амалий фаолиятда қўллаш;

– бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш;

– Мактабгача таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва педагогик фаолиятда қўллаш;

– замонавий ўқитувчисининг ўқув-меъёрий хужжатларини ишлаб чиқиш;

– назарий, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

– интерфаол таълим воситасида талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш;

– квалиметрик жараёни ташкил этиш ва ўтказиш;

– талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда

педагогик фаолиятда қўллай олиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мактабгача таълими фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курси маъруза машғулотлари шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентатсион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Мактабгача таълими фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” модули мазмуни ўқув режадаги **“Мактабгача таълим фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар”** ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда Мактабгача таълим фанларини ўқитиш мазмунини интеграциялаш. Мактабгача таълим фанларини ўқитишнинг инновацион шакллари, метод ва воситаларини ўрганишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар, ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор тажрибалар ҳамда, замонавий ёндашувларни ўрганиш. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар билан танишиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

“Мактабгача таълими фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари”

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	кўчма машғулот	
1.	Олий таълим тизимида мактабгача таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишлари	2	2	2	-	-	

2.	Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари	6	6	2	2	-	
3.	Бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари.	8	6	2	4	-	2
4.	Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш.	6	6	2	4	-	
5.	Компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш технологиялари.	8	6	2	4	-	2
6.	Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳияти	6	6	2	4	-	
7.	Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари	6	6	2	4	-	
8.	Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларини жорий этиш.	2	2	2	2	-	
Жами		44	40	16	24	-	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Олий таълим тизимида мактабгача таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишлари. (2 соат)

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инноватсион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш. Педагогик жараённинг ижодкори бўлишига, мослашувчан фикрлашга эга бўлиши, инновациялардан мохирона фойдалана олиши. Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳияти.

2-Мавзу: Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда таълимий жараённинг барча иштирокчилари билан конструктив-ҳамкорлик муносабатларини рўёбга чиқаришга йўналтириш.

3-Мавзу: Бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари.

Мактабгача таълим муассасасининг ишига инновацияларнинг жорий этилиши – мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислох этишнинг энг муҳим шартлари. Педагогик фикр юритиш психологик-педагогик назарияни эгаллаш, ўз ғояларини ягона концепция қилиб жамлаш, инновациялар зарурлиги ёки муқаррарлигини асослаш, янгиликни жорий қилишга кўмаклашувчи омилларни ажратиб кўрсатиш.

4-Мавзу: Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш.

Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни ташкил этилишига, мазмунига, услубиётига, технологиясига янгиликлар киритиш.

Ҳозирги вақтда болалар боғчасига болалар билан илғор инноватсион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагог кадрларни тайёрлаш. мактабгача таълим муассасасида инноватсион технологиялардан фойдаланишнинг зарурий шартлари педагогнинг салоҳияти ва ҳаракатлари, унинг янгиликни сезиши, очиқлиги ва фасилитатсияси бўлади.

5-Мавзу: Компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш технологиялари.

Педагогик инновациялар деганда педагогик фаолиятга янгиликлар киритиш, самарадорлигини ошириш мақсадида таълимнинг мазмуни ва технологиясини ўзгартиришларни тушуниш лозим.

6-Мавзу: Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳияти

Инновациялар жараёни янгилик мазмуни ва ташкил этилишининг шаклланишидан ва ривожланишидан иборатлиги.

7-Мавзу: Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари

Педагог ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, ўқитиш шакллари, метод ва вазиятларни излаш. Замонавий педагогик технологияга суяниб, ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш.

8-Мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларини жорий этиш.

Мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикаси. Медиа таълимнинг асосий мазмуни Тарбия жараёнини ташкил этишга доир замонавий ёндашувлар. Мактабгача таълим фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини сифатида. “Мактабгача таълим Концепцияси”

2-Мавзу: Бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари.

Педагог кадрларнинг педагогик, психологик тайёргарлигини кучайтириш. Мактабгача таълим муассасаларида психологик ва ижтимоий хизматнинг бирга олиб борилиши.

3-Мавзу: Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш.

Талабаларнинг мустақил ва ижодий фаоллигини таъминлашга хизмат қиладиган таълим усул, шакл ва технологияларини танлаш;

4-Мавзу: Компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш технологиялари.

Замонавий техника ва технологияларни жорий қилиниши натижасида, жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш.

5-Мавзу: Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳияти

Педагогик жамоани янгиликлар киритишга тайёрлаш: стратегия билан таништириш, янгиликлар киритишни режалаштириш, мақсадни, кутилаётган самарадорлик ва асосий талаблар билан таништириш.

6-Мавзу: Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари

Мактабгача таълим муассасасида инноватцион технологиялардан фойдаланишнинг зарурий шартлари педагогнинг салоҳияти ва ҳаракатлари, унинг янгиликни сезиши, очиқлиги ва фасилитатсияси бўлади.

7-Мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларини жорий этиш.

Мултимедиа технологиясидан фойдаланиш методлари. Мултимедиа технологияларини татбиқ этиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

➤ маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

➤ давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

➤ баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Танишув” тренинги

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг бир бири билан яқиндан таништириш, назорат қилиш, текширишга йўналтирилган. Мазкур тренинг орқали таълим олувчиларнинг муносабати, жамоада ишлаши, махорати, ақл-идроқи, билими бўйича ташхис қилинади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Танишув” тренинги дарснинг бошида янги гуруҳ ташкил этилганда ўтказиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, қўшимча топшириқлар ёки саволларни киритиш мумкин.

Намуна:

1. Сиз ким ва нима учун бу ерга тўпландингиз?
2. Сизнинг мақсадингиз!
3. Ким билан ҳамкорлик қиласиз?
4. Кимга ғамхўрлик қиласиз?
5. Сизнинг кучсиз томонларингиз!
6. Сизнинг кучли томонларингиз!
7. Педагогик технология ҳақидаги тушунчангиз?
8. Инновацияга тариф беринг?
9. Фан ҳақидаги фикрингиз!

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат

S – (strength)

• кучли томонлари

W – (weakness)

• заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

• имкониятлари

T – (threat)

• тўсиқлар

қилади.

Намуна: Олий таълим тизимида мактабгача таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишлари SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инновацион технологиялардан фойдаланишнинг кучли томонлари	янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш.
W	Педагогик жараённинг ижодкори бўлиши кучсиз томонлари	инновациялардан моҳирона фойдалана олиши.
O	Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи (ички)	мазмуни
T	Тўсиқлар (ташқи)	моҳияти.

“Хулосалаш” Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инновацион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш.

(Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна: Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари

Мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим шартлари					
психологик-педагогик назарияни эгаллаш		ўз ғояларини ягона концепция қилиб жамлаш		янгиликни жорий қилиш	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса: Мактабгача таълим муассасасининг ишига инновацияларнинг жорий этилиши – мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартларини амалга ошириш

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига

куйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтиришда хатолик келиб чиқди.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий

кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга кўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

1. Ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш нима дейилади?

- А. креативлик
- В. кўникма
- С. рефлексия



Қиёсий таҳлил

- Педагогиканинг замонавий тенденциялардан фойдаланиш кўрсаткичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- INSERT қисқармасини изоҳланг...



Амалий кўникма

- Мамлакат иқтимодийетини ва таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи ўқув режа намунасини ишлаб чиқинг?

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- катнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф

этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна. Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш

Фикр: Таълим сифатини бошқаришга инновацион ёндашув.

Топширик: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Блиц-ўйин методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

Иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

Операцион (воқеий) ўйинлар. Бундай ўйинларда аниқ ўзига хос воқеа-ҳодисанинг бажарилиши машқ қилинади. Операцион ўйинлар иш жараёнига хос моделлаштирилади.

Роль ижро этиш ўйинлари. Унда конкрет шахснинг хулқи, хатти-харакати, ўз вазифалари ва мажбуриятларини бажарилиш тактикаси машққилинади.

Тадбиркорлик театри.

Бунда қандайдир вазият ва ундаги кишининг хулқи ўйналади. Бу ўйиннинг асосий вазифаси турли ҳолатларда мўлжални тўғри баҳолай олишни ўргатиш, ўзининг хулқига тўғри баҳо бериш, бошқа кишиларнинг имкониятларини баҳолай олиш, улар билан мулоқот ўрната олишга ўргатишдир.

Психодрама ва социодрама.

Бу ҳам ўзига хос «театр», лекин ижтимоий психологик мақсадни кўзлайди: Унинг асосий мақсади жамоада вазиятни ҳис қила олиш, бошқа кишининг ҳолатини ўзгартириш ва унга баҳо бериш, у билан самарали мулоқотга кириша олишни шакллантириш ҳисобланади

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Намуна: Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари.

Т-технологияси

Методнинг мақсади: Таълим мақсадлари нуктаи назаридан яхлитликни, тизимлиликни ва функционал тўлиқликни сақлаб қолган ҳолда стандартлаштириш объектларининг (таълим мазмуни бирликларининг ва бошқаларнинг) мураккаблигини энг кам даражага келтириш.

Технологияни амалга ошириш тартиби: Ушбу педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш вазифаларини афзалликлари ва камчиликларини ёритиш.

Намуна: Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳияти

Т-технологияси

Афзаллиги	Камчилиги

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:


- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари

Венн диаграммасини тўлдиринг



Хулоса: Замонавий техника ва технологияларни жорий қилиниши натижасида, жаҳон стандартларига мос келадиган мутахассисларни тайёрлаш

Кластер методи

Методнинг мақсади: Мультимедиа технологиясидан фойдаланишнинг асосини тингловчиларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади.

Методни амалга ошириш тартиби:

Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади.

Психологлар таъкидлайдиларки, ўйинга киришиб кетиш қобилияти киши ёшига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир ёшдаги шахс учун ўйин ўзига хос бўлади. Ўйинли фаолият муайян функцияларни бажаришга бағишланган бўлади.

Намуна: Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларини жорий этиш.

Кластер методи



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Мавзу: Олий таълим тизимида мактабгача таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишлари.

Режа:

1. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инноватсион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш.

2. Педагогик жараённинг ижодкори бўлиши.

Таянч тушунчалар: Инновация, ижодкор, моделлаштириш, технология, инсон, мулоқат, фаолият, муносабат, шахсият, фазилат, муассаса,индивидуал, ривожланиш, ижодкор.

1. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан илғор инноватсион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагогларни тайёрлаш.

Замонавий мактабгача таълим муассасаларида – бола ўз ривожланиши учун энг аҳамиятли соҳаларда ва жиҳатларда катталар ва тенгдошлар билан кенг ҳиссий-амалий ўзаро муомала тажрибасини оладиган жойдир, мактабгача таълим муассасаларида бола ўз эҳтиёжлари, қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ ҳолда индивидуал ривожланишига бўлган ҳуқуқини шу жараён учун ташкилий-педагогик шароитлар яратилган ҳолда амалга оширади; педагог ўзининг касбий ва шахсият фазилатларини ривожлантиради, раҳбар болалар ва педагоглар фаолиятининг муваффақиятли бўлишини таъминлайди; муассаса ота-оналарнинг ўз болалари учун кўзда тутган келажаги юзасидан фикрлари хусусиятларини инобатга олади ва уларни болалар билан, ҳамда таълимий жараённинг барча иштирокчилари билан конструктив-ҳамкорлик муносабатларини рўёбга чиқаришга йўналтиради.

Бугунги кунда таълим соҳасида турли хусусиятдаги, йўналишдаги ва аҳамиятдаги ниҳоятда кўп инновациялар мавжуд, катта ёки кичик қўламли давлат ислохотлари ўтказилади, таълимнинг ташкил этилишига, мазмунига, услубиётига, технологиясига янгиликлар киритилади.

Ҳозирги вақтда болалар боғчасига болалар билан илғор инноватсион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагог зарур бўлади. У педагогик жараённинг ижодкори бўлиши, мослашувчан фикрлашга эга бўлиши, инновациялардан моҳирона фойдаланиши лозим.

Ишнинг долзарблиги шундан иборатки, охирги пайтда мактабгача таълим муассасасида инноватсион технологияларнинг қўлланиши масаласи тобора кўпроқ кўтарилмоқда, чунки таълим муассасасининг ишига

инновацияларнинг жорий этилиши – мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартидир. Педагогик инновациялар деганда педагогик фаолиятга янгиликлар киритиш, самарадорлигини ошириш мақсадида таълимнинг мазмуни ва технологиясини ўзгартиришларни тушуниш лозим. Шундай қилиб, инновациялар жараёни янгилик мазмуни ва ташкил этилишининг шаклланишидан ва ривожланишидан иборат.

Янгиликлар ташувчиси – педагог –инновациялар жараёни тузилишининг элементи сифатида янгиликни идрок этиш, ўзлаштириш ва баҳолаш, мақсад қўйиш ва мақсадга эришиш бирлиги жиҳатидан тавсифланади. Мотиватсия (истайман), назарий (қила оламан), технологик (қиламан) ва натижа (оламан) интилиши ва тайёрлигининг жамулжамлиги мактабгача таълим педагоглариинг инновация укувлилиги тизимини ташкил қилади.

Ш
О П
Ф

Мактабгача таълим педагог ходимининг касбий ўқувлилиги тузилма-функционал модели.

Изоҳ: Ш - шахс, П – предмет (маданият), Ф – фаолият, О – объект (бола) – касбий укувлиликнинг шаклланиш майдонлари; концентрик айланалар (И-ИВ) – унинг шакланганлиги даражалари; ҳар бир блокдаги секторлар, векторлар билан педагогнинг маълум малакалари белгиланган.

Шахс тузилишида ва педагогнинг инноватсион фаолиятда қуйидаги муҳим элементларни ажратиш мумкин.

- мотивлар, фикрлаш йўналиши, интилишлар, улар педагогнинг янгиликка нисбатан очиқлигини ва уни қабул қилишини тавсифлайди;

- ижодий қобилият, масалан, креативлик ва индивидуаллик. Фаол ўз-ўзини англаш, педагогик маданият, ижодиёт базаси;

-технологик таркибий қисми, у анъанавий вазиятларни турли-туман ҳал этиш йўллариини таъминлайди;

- педагогнинг ўзи ҳақида ва инноватсион жараёндаги ўрни ҳақида адекват тасаввурга ёрдам берувчи рефлексия.

2. Педагогик жараённинг ижодкори бўлиши.

Педагогнинг янгиликка интилиши, инноватсион салоҳияти ва хулқи, янгиликни қабул қилиши каби фазилатлари ҳам жуда муҳим. Янгилик киритиш феномени янгиликларни жорий қилиш, юқори ақлий салоҳият, танқидий муносабат, муқобил йўллариини излашни ўзига мақсад қилиб қўйган педагогларда учрайди. В.А. Слостенин ва Л.С. Подимова жамоанинг

инноватсион салоҳиятини янгиликларни яратиш, қабул қилиш ва амалга ошириш, шунингдек эски, педагогик самарасиз жихатларни ўз вақтида йўқотиш қобилияти деб таърифлаган.

Инноватсион салоҳиятнинг қисми бўлган қабул қилиш янгиликни сезиш, унга тайёрлик, муаммо билан танишиш, уни ҳал этишнинг мавжуд йўллари таҳлил қилиш, йўлини танлаш, қарор қабул қилиш оқибатларини қабул қилиш билан белгиланади.

Инноватсион таълим жараёнида педагогик фаолиятнинг мазмуни анъанавий фаолиятдан анча фарқ қилади.

Биринчидан, фаолият мазмуни ва технологиясини ишлаб чиқиш фаолияти анча мураккаблашади, чунки унинг технологик асоси тез ривожланади. У педагогнинг махсус малакалари, иш усуллари ривожлантирилишини талаб этади.

Бундан ташқари, замонавий ахборот технологиялари фаолият сифатига ва унинг маҳсулига қўшимча талабларни қўймоқда.

Иккинчидан, замонавий педагогик жараённинг ўзига хослиги шуки, педагог марказий ўрин тутган анъанавий таълимдан фарқли равишда, бу ерда асосий диққат болага – унинг фаоллиги, танлови, креативлигига қаратилади.

Тарбиячининг муҳим функцияси болани ўз фаолиятида қўллаб-қувватлаш, унинг оламдаги муваффақиятли илгарилама ҳаракатига ёрдам бериш, юзага келувчи муаммолар ҳал этилишини осонлаштириш, турли-туман маълумотни ўзлаштиришга ёрдам бериш ҳисобланади.

К. Роджерс, А.Б. Орлов ва С.Я. Ромашина жаҳон таълимий ҳамжамиятида шу сабабли янги атама – фасилитатор – ўқишга ёрдам берувчи, осонлаштирувчи, кўмаклашувчи шахс пайдо бўлиб, ишлатилаётганлигини қайд этганлар.

Учинчидан, билиш материални тақдим этиш ва тажрибани бериш йўллари педагог ва болаларнинг интенсив мулоқотини кўзда тутаяди, педагогнинг барча болалар билан умумлашган алоқаси устувор бўлган, лекин тарбиячининг алоҳида болалар билан ўзаро муносабати анча кам бўлган анъанавий таълим турига нисбатан замонавий таълимда ушбу таълим субъектлари ўртасида анча фаолроқ ва қизиқарли ўзаро муносабатлар бўлишини талаб қилади.

Шундай қилиб, мактабгача таълим муассасасида инноватсион технологиялардан фойдаланишнинг зарурий шартлари педагогнинг салоҳияти ва ҳаракатлари, унинг янгиликни сезиши, очиқлиги ва фасилитатсияси бўлади.

Педагог ва боланинг таълим жараёнида тутган ўрнининг ўзгариши ўзаро муносабатлар, энг аввало педагоглар ўзаро муносабатлари – интегратсияси ва ўзаро мослашуви тизимини қайта қуриш, шунингдек

«педагог – бола –ота-онаси» учбурчагида ўзаро муносабатларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу, бир томондан, мактабгача таълим муассасасида инноватсион жараённинг зарурий шарти, бошқа томондан – унинг натижаси ва муваффақиятининг кўрсаткичи бўлади.

Бошланғич даражада инновациялар ёки айрим курснинг, ёки курслар блокининг (масалан, экологик ёки гуманитар) янги мазмунини яратишга; ёки таълим жараёнининг тузилмасини яратишнинг янги усулларини ишлаб чиқишга; ёки таълимнинг янги технологиялари, янги шакллари ва усулларини ишлаб чиқишга қаратилади.

Исталган даражадаги инновацияни назарий асосланган, мақсадга қаратилган ва амалиётга йўналтирилган янгилик деб қараш мумкин. Инновация ҳар қандай даражасида 4 босқич давомида ривожланади:

- назарий, яъни инновацияларни психологик-педагогик таҳлил асосида асослаб бериш; инноватсион жараён қандай ривожланиши, ҳамда унинг салбий ва ижобий оқибатлари қандай бўлишини прогноз қилиш;

- ташқилий-сиёсий;

- таҳлилий (олинган натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш);

- жорий этиш.

Босқичлардан ҳар бири ўз вазифалари ва мазмунига эга. Энг мураккаб босқич биринчи босқичдир, чунки педагогик фикр юритиш психологик-педагогик назарияни эгаллаш, ўз ғояларини ягона концепция қилиб жамлаш, инновациялар зарурлиги ёки муқаррарлигини асослаш, янгиликни жорий қилишга кўмаклашувчи омилларни ажратиб кўрсатишни кўзда тутати. Ушбу босқич режалаштирилган янгиликнинг ахборот таъминотини ҳам кўзда тутати. Биринчи босқичда пухта ишлаш инновацияларни педагогик жараёнга жорий қилиш босқичида муваффақиятга олиб келади.

Иккинчи босқич – янгиликни ўзлаштиришга кўмаклашувчи янги тузилмаларни яратишдир. Бу тузилмалар мобил, мустақил ва эркин бўлиши лозим.

Учинчи босқичда инноватсион жараён қайси даражада амалга оширилаётганини англаб етиш; умуман таълим муассасасининг аҳволини (ёки муайян фанни ўқитишнинг аҳволини) янгиликни жорий қилиш натижасида эришилиши кўзда тутилган прогноз ҳолатига солиштириш лозим. Агар мувофиқликка эришилмаса, нега? Деган саволга жавоб топиш лозим.

Жорий қилиш босқичида муваффақият иккита омилга боғлиқ: янгилик амалга ошаётган ўқув юртининг (ёки таълим муҳитининг) моддий-техник базаси, ва педагогик ходимлар ва раҳбарларнинг малакаси, уларнинг умуман янгиликларга муносабати, уларнинг ижодий фаоллиги. Ҳар қандай инновациялар ходимлардан юксак ҳиссий ва ақлий куч сарф этилишини талаб

килади, демакки, бу меҳнатга шунга мос ҳақ тўланиши лозим. Ушбу муаммолар туфайли (ўқитувчилар корпусининг касбий маҳорати; моддий-техник базаси ва меҳнатнинг ижтимоий баҳоланиши) таълимдаги инновациялар амалга ошгунча узоқ ва қийин йўл ўтади.

Агар анъанавий таълимнинг инноватсион таълимдан фарқлари тизимини таҳлил қилиб, инноватсион фаолиятни амалга оширишнинг педагогик усуллари аниқласак, ушбу таҳлил таълим технологияларини ўзгартириш лозимлиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

Таълим технологиясининг энг кўп тарқалган таърифи қуйидагича: таълим технологияси – бу ўқув дастурларида кўзда тутилган, ўқитиш шакллари, услублари ва воситаларининг тизимидан иборат бўлган таълим мазмунини амалга ошириш усули бўлиб, ушбу тизим қўйилган дидактик мақсадга энг самарали эришишни таъминлайди.

Шундай қилиб, таълим маданиятнинг бир қисми бўлиб, унинг тубигача амалга оширадиган ўзгаришлар инсонларнинг ҳаётий фаолияти усуллари ўзгартиради, демакки, таълимда инновациялар юзага келишига олиб келади. Инсон цивилизациясининг постиндустриал даврида, яъни кўп олимлар томонидан ахборот-инноватсион давр деб аталадиган даврда билим ва таълим туб асосий тушунчаларга айланади.

Назорат саволлари:

1. Педагогик технология тушунчасига таъриф беринг?
2. «Педагогик технологиялар» фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. «Педагогик технологиялар» фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини қандай ифодалайсиз?
4. Кенг маънода инновация деганда нима тушунилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» Қонун ва «Кадрлар таёрлаш миллий дастури». –Т., 1997.
2. Давлат таълим стандарти. Педагогика йўналиши / С.Аширбоев, Ф.Ҳайдаров. –Т.: ТДПУ.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
4. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ, 2010. 662с.
5. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.

2-Мавзу: Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари

Режа:

1. Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш.
2. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда таълим жараённинг барча иштирокчилари билан конструктив-ҳамкорлик муносабатларини рўёбга чиқаришга йўналтириш.

Таянч тушунчалар: Тарбияланувчи, жараён, конструктив, ҳамкорлик, шакллантириш, гуманитар, концептуал, мулоқат, тамойиллар.

1.Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш. Ҳозирги замон мактабларида педагогик жараённи ташкил қилиш таълим тарбийанинг усул, восита ва шакллари танлаш фақат билим, кўникма, малакаларга йўналтиришдан ташқари уларни билиш жараёни, хиссий кечсинмаларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Кейинги йилларда ўзбек олимлари томонидан таълим жараёнини такомиллаштириш борасида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Масалан: И.А.Аллаёровнинг илмий тадқиқотлари фаол таълимнинг концепсийасини йаратишга бағишланган бўлиб, унда ўрта махсус ва олий ўқув юртларида фаол таълимнинг тутган ўрни, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришда мустақил ишларнинг ахамийати ҳамда таълим жараёнига ишбилармонлар уйинини куллаш масалалари уз ифодасини топган. Мазкур тадқиқотнинг кимматли томони шундаки, унда таълим жараёнига ишбилармонлар уйини куллашга бўлган дидактик талаблар тарбийаловчи таълим, илмийлик, тушунарлилик, назарийанинг амалиёт билан боғликлиги принципларининг моҳияти, ишбилармонлар уйинига тайёргарлик утказиш босқичларини ишлаб чиққанлигидир. Ўқитувчи жараёнини ташкил этиш шаклларида бири дарс, ўзининг дидактик мақсади, вазифасига кура мураккаб педагогик объект саналади. Дарс узининг дидактик мақсади, мазмуни воситалари, методлари билан боғлиқ холда изчилликка, илмийликка, мантикий тузилишга эга булиш ва мазкур тузилиш таълим жараёнининг қонунийатларига мос булиши лозим. Дарс тузилишини аниқлаш аниқлаш учун ўқув материалларидаги таълим мазмуни унинг мазмундаги таркибий қисмлар, мазкур таркибий қисмларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш учули йа'ни таълим жараёнининг боришини ҳисобга олиш зарур. Бу қонунга кура табиатдаги ҳамма нарса ходиса ва жараёнларда ички зиддийатлар узаро алоқадорлик бир- бирини инкор этиш ҳолатида бўлган карама - қарши томонлар мавжуд. Карама - қаршилиқлар бирлиги ва кураши тараккиётга ичдан туртки беради, зиддийатларнинг ушиб ма'лум босқичда зиддийатларга барҳам беришга йанги, зиддийатларнинг пайдо булишига олиб келади. . Дидактикада карама-

каршилиқлар бирлиги ва кураши конуни таълим жараёнининг харакатлантирувчи кучи сифатида муҳим рол уйнайди. Ўқувчилар таълим жараёнида фактлар, ма'лумотлар, билим куникма ва малакаларни эгаллаб боришида, уларда кузатувчанлик ва хиссийликни, тафаккур ва равон нутқни, хотира ва ижодкорлик тасаввурларни чуқур савийада узлаштиришни таркиб топтиришда юзага келади. Умуман ноан'анавий усулларни дарс жараёнига тадбиқ этиш мураккаб жараён бўлиб бир катор туцикларга дуч келиши табиий. Биринчидан; ма'лумки узок йиллик мустабид тузум даврида бир қолипга тушиб, фақат ма'лум доирадаги буйруқлар асосида иш юритилар эди. Ана шу тизимдаги оддийгина бир дарс жараёнини оладиган булсак, дарс жараёнидаги асосий куч бошқарувчанлик ҳисобланади. Ўа'ни буйруқ берувчи шахс ўқитувчи, буйруқни бажарувчи а'лим олувчидир. Агар таълим олувчи ўқитувчининг буйруғини бажармаса, у таълим олувчи "дарсни ўзлаштирмаган, интизомсиз ўқувчи" бўлар эди. Ўахши ўқувчи ўқитувчини топширигини бажарган ўқувчи эди. Унинг ташаббускорлиги, ижодий фикри инобатга олинмас эди. Ана шундай буйруғбозлик муҳитида таълим олган ўқувчиларда катъиятсизлик, ўзига ишончсизлик, ўзининг фикрига эга бўлмаган шахс сифатидаги онг даражаси шаклланмаган. Натижада ўқувчиларда ўзганинг қарамлик ҳисси кучайган. Аммо, юкоридаги таъкидланган иллатлардан ханузгача кутилганимиз юк. Ноан'анавий таълим усуллари шахсни онгли фикрлашга ва мустақил фаолият юритишга ўргатади.

Иккинчидан, кадрлар масаласи ҳозирги кунда энг муҳим масала саналади. Шунинг учун ҳозирги кунда кадрлар масаласига талаб кучайиб бормокда. Барқамол авлод орзуси китобида "Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак". Ҳақиқатдан ҳозирги кунда ўқитувчилардан изланувчанлик, ўқувчилар билан ишлашда буйруқбозлик эмас, балки уларнинг дунёқарашини кенг тарзда шакллантира оладиган чуқур билим талаб қилинади. ўқувчиларда эркин изланиш қобилиятини уйғотишни талаб қилади. Бу эса ўқитувчидан маҳоратни ва ўзига хос методик тайёргарликни талаб этади. Масалан таълим методларига тўхталадиган бўлсак, бу ҳам ўзига хос жараён бўлиб, янгича ёндашув, янгича мазмун касб этади. Ҳозирги даврда бир хил қолипдаги таълим методлари талабга жавоб бермайпти. Бу ўринда ҳам таълим тажрибасига мурожаат қилишимиз мақсадга мувофиқ. Масалан ўтмишда мадрасаларда машғулотлар давомида муаммолар қўйиш ва уларни мунозаралар асосида ҳал этиш, тажриба-синов, кузатиш, шарҳлаб ўрганиш, мустақил мутолаа, билимларни узок эсда сақлаб қолиш учун ифодали, қироат билан ўқиш, ёд олиш, чистон-жумбоқларни ечиш, хуснихат мувашшахлар

ёзиш каби метод ва усуллар қўлланилган. Йирик мадрасаларда ўтадиган машғулотларга нуфузли олиму уламолар таклиф этилган. Улар маълум муаммоларни талабалар билан биргаликда илмий мунозаралар, савол-жавоблар, суҳбатлар асосида ҳал этганлар.

Демак, ана шундай таълим усулларида дарс жараёнида қўллаш ижобий натижаларни олиб келишига шак-шубҳа йўқ.

Педагогик фаолиятни жараёнида ноанъанавий таълим усулларида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Мустақиллик шароитида талаба ёшларга замон талабларига мос тарзда билим бериш ва таълимнинг ноанъанавий усулларида дарс жараёнида кенгроқ қўллашга эҳтиёж ортиб бормоқда. Чунки ноанъанавий таълим усуллари ҳозирги янги замонавий таълим усулларида тортиб педагогик технологияа усуллари, таълимнинг самарали метод ва воситаларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларга билим беришга кенг имкон беради. Ҳозирги кунда ўқитиш жараёнининг асосий вазифаси таълим мазмунини янгилашнинг узлуксиз тизимини рўйёбга чиқаришдан иборат. Бундаги асосий мақсад ҳар жихатдан ривожланган баркамол шахсни тарбийалашдир.

Фикрлайдиган инсонни, янгича иқтисодий шароитда, аниқроғи бозор иқтисоди шароитида ҳар қандай ўзгаришларга тайёр тура оладиган инсон қилиб тарбийалаш унга янги-янги технологик ахборотларни қабул қилишга тайёрлаш узлуксиз таълимнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш учун таълим мазмунини янгилашнинг ўзи кифоя қилмайди, балки илғор тажрибаларни ўрганиб, ноанъанавий таълим усуллари эгаллаш зарур бўлади. Ноанъанавий таълим усуллари ўзига кўп масалаларни қамраб олади: жумладан назарий ва амалий билимларни анъанавий воситалари кўрсатиб бўлмайдиган кўпгина жараёнларнинг динамик моделларини компьютер ёрдамида анимация қилиб мултѐмедия маҳсулотлари тайёрлаш ва улардан фойдаланиб компьютер дарсларини ўтказиш ва шу дастурга киритилган таълим мавзусига оид тест саволлари ёрдамида талабаларни ўзлаштириш даражаларини аниқлаш, дарс жараёнида талабаларни фаоллаштирувчи хорижий давлатлар. Америка, Англия, Франция, Япония, олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган ноанъанавий таълим шакллари яъни инновацион технологиядан фойдаланиш, шунингдек мавзуга оид Республика педагог олимларининг педагогик қарашлари ва илғор ғойаларидан фойдаланиш имконини беради. Компьютер дарси системасини яратиш ва ўқув жараёнига жорий қилиш ноанъанавий таълим усулларида ҳисобланади. Бу усулнинг долзарблиги, катта эътибор ва имкониятга эга эканлиги билан асосланади. Компьютерга ёзилган дарс дастурининг афзаллик томони шундан иборатки, мавзу юзасидаги мураккаб

жараёнларни ҳақиқатга яқин динамик модели билан яққол танишади. Бошқа ҳеч қандай ўқитиш усулида талаба бундай имкониятга эга бўлмайди.

Ўқув жараёнининг ахборотли ҳамда техник воситалар ёрдамида уюштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса ноанъанавий таълим шакллари асосий тамойиллари ва уларни моҳиятини билиш таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ноанъанавий таълимнинг яхлитлик тамойили ўзида икки жийҳатни акс эттиради.

-Биринчиси; -таълим - тарбия билан шахс камолотини муштараклиги, иккинчиси; -ноанъанавий таълим усуллари ушбу тизимга эга эканлигидан келиб чиқиб таълим беришни назарда тутди. Таълим соҳасида илмий изланишлар олиб бориш, таҳлил қилиш, таълим самарадорлигини таъминлашда ўқитишнинг ноанъанавий шакллари фойдаланиш ва илғор педагогик технологиялар асосида дарсларни ташкил этиш долзарб муаммолардан саналади.

2. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда таълим жараёнининг барча иштирокчилари билан конструктив-ҳамкорлик муносабатларини рўёбга чиқаришга йўналтириш.

Гуманитар таълим инсонда бошқа одамлар билан мулоқот қилиш маданиятини шакллантиради, унга ўз ҳаётининг мазмуни ва мақсадини белгилаб олишда, жамиятда ўз ўрнини топишда, ўз имкониятларини чамалашда ёрдам беради. Табиий-илмий таълим инсоннинг табиат билан ўзаро муносабати мазмуни, унинг табиий ривожланиш тамойиллари ва қонуниятларини очди, уни ўзлаштиришнинг мақбул усуллари топишда ёрдам беради. Технологик таълим жараёнида инсон нафақат касб фаолиятида, балки ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, маданий ҳаётда дуч келиш мумкин бўлган фан-техника ютуқларини, замонавий маданий ҳаёт тамойиллари, методлари ва технологияларини ўзлаштиради.

Таълимни моделлаштиришда таълим моделининг «замонавий» таркибий қисмини белгилаш каби жиддий муаммо ҳам мавжуд. Замонавий таълим ўз мазмунига кўра анча мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён. Айрим турдаги таълим муддатлари бир неча ҳафтадан ўнлаб йилларгача давом этиши мумкин. Таълим тизими (шунга мувофиқ равишда таълим сифати ҳам) ҳозирдаёқ ўз мақсадига кўра технологик ва ижтимоий ривожланишда амалиётдан ўзиб кетиши керак. Лекин бу ўсиш қай йўсинда бўлиши керак? Прогнозланган моделни анча узоқ истиқболга суриб қўяр эканмиз, унинг ишончлилик даражасини пасайтираемиз. Қисқа туркумларда маданий тажрибани мослашган ўқув моделига, ўқув иши методлари ва технологияларини ўрганишга ўтказишда қийинчиликлар туғилади. Таълим

сиёсатини мувофиқлаштириш учун ушбу жараёнда муайян туркумларни юзага келтирувчи таълим моделларини янгилаш меъёрлари зарур бўлади.

Шуни қайд қилиш керакки, таълим тизимининг омилли моделига мувофиқ унга қуйидаги тўрт йўналиш бўйича таъсир кўрсатиш мумкин:

1) тизимнинг ташқи манбаларига, яъни, унинг ташқарида фаолият кўрсатишини келтириб чиқарувчи ва белгиловчи сабабларига таъсир кўрсатиш;

2) таълим тизимининг ички манбаларига, яъни унинг ичдан фаолият кўрсатишини келтириб чиқарувчи ва белгиловчи сабабларига таъсир кўрсатиш;

3) таълим жараёни шарт-шароитига таъсир кўрсатиш;

4) таълим жараёни омилларига, яъни унинг айрим ўзгарувчан моделларига таъсир этувчи сабабларга таъсир кўрсатиш.

Ўтказилган тадқиқотлар умумлашган хулосани таърифлаш, таълим соҳасидаги бошқариш ушбу соҳани барқарорлаштириш ва ўзгартиришда муҳим ўрин тутиши ҳақида амалий таклиф киритиш имконини берди.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида кейинги пайтларда ўзаро муносабатларда вужудга келган тизимга оид камчиликларни бартараф этиш мақсадида давлат, жамият ва таълим ўртасидаги муносабатлар чегаралари белгилаб берилган.

Бизнингча, бугунги кунда таълим ва жамият таъсир кўрсатишнинг тизимли-самарали, тизимли-аҳамиятли, ташкилий-иқтисодий, ўқув-таълим, ижтимоий-сиёсий ва бошқа чора-тадбирларни излаб топилиши ҳамда уларнинг амалий ҳал этилишига муҳтож. Бу таъсирлар жамият ва таълим томонидан ўзаро тўлдириладиган бўлиши лозим, аммо улар бир-бирига ўхшаш бўлмаслиги, айниқса, ўзаро кураш олиб бормаслиги ҳамда мувофиқлаштириш мумкин бўлиши керак.

Бугунги кунда таълим соҳаси, бизнингча, Миллий модел асосида ушбу соҳани ижтимоий-иқтисодий вазият ва мамлакатни ривожлантириш истиқболлари билан мувофиқлаштириш; ўз кучига ҳамда муайян даражада мавжуд моддий-техника базасига таяниш; тегишли мутахассислар тайёрланишидан манфаатдор бўлган тузилмалардан қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш йўналишларида шаклланиб бормоқда.

И. Каримов томонидан асосланган илмий моделда юқорида таъкидланган таркибий қисмлар тизимли алоқада бўлгани ҳолда, бир-бирига боғлиқ ҳамда ўзаро муносабатда иш олиб боради ва биринчи навбатдаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Шундай қилиб, ўзаро муносабатда мавжуд бўлган бир-бири билан боғлиқ асосий тушунчалар кўриб чиқилди. Бунда таълим соҳаси ижтимоий

институт сифатида берилган. Жонли ижтимоий организм ҳисобланган таълим соҳаси йўналтирадиган бошқариш таъсирига муҳтож.

Таълим соҳасидаги бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагича ифодаланган:

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг ўзига хослиги;
- ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари ўртасидаги алоқалар;
- таълим соҳаси таъсир кўрсатишнинг тизимли объекти бўлиб қолганлиги учун бошқаришнинг тизимлилиги;
- бошқариш объекти гоҳ таълим жараёнига қадар торайиб бориши, гоҳ давлат ва жамият даражасида кенгайиб бориши;
- таълимда бошқариш объекти ташкил этишнинг икки: ўқув — предметли ва ижтимоий шакли билан, шунингдек, бошқариш ва ўзини ўзи бошқариш яхлит бир бутуннинг ичидаги умумий ва махсус жиҳатлар сингари бирлашиб кетиши;
- таълим ва жамият ўртасидаги таълим хизматларини бевосита бошқариш ва маркетинг билан узвий боғлиқ бўлган тизимли-самарали муносабатларга ўтилиши ва ҳоказолар.

Назорат саволлар:

1. Таълим соҳасидаги бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини айтиб беринг.
2. Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шаклларини санаб беринг.
3. Конструктив-ҳамкорлик нима ?
4. Таълим соҳасидаги бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қандай ифодаланган ?
5. Бугунги кунда таълим соҳаси, бизнингча.?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳозирги авлодни тарбиялаш тўғрисида», 1997 йил 6 октябр.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
3. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана. 2002. -336с.
- 4, Michail MsSarthy “English Vocabbllary in USE”. Gambridge University Press, 1999, Presented by British Council.

3-Мавзу: Бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари

Режа:

1. Мактабгача таълим муассасасининг ишига инновацияларнинг жорий этилиши – мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартлари.

2. Педагогик фикр юритиш психологик-педагогик назарияни эгаллаш, ўз ғояларини ягона концепция қилиб жамлаш.

3. Инновациялар зарурлиги ёки муқаррарлигини асослаш, янгиликни жорий қилишга кўмаклашувчи омилларни ажратиб кўрсатиш.

Таянч тушунчалар: Такومиллаштириш, бошқарув, билиш, стратегик, режа, муқаррар, тамойил, рағбат, метод, қонуниятлар, функциялар, режалаштириш, бошқариш, лойиҳалаштириш.

1. Мактабгача таълим муассасасининг ишига инновацияларнинг жорий этилиши – мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартлари. Таълим сифатини бошқаришга илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш хорижда ХХ асрнинг 20-йилларида, мамлакатимизда эса 50-йилларида бошланган эди. Бизда бу иш узок вақт мобайнида жаҳонда амалга оширилаётган ишлардан ажралган ҳолда олиб борилди. Агар чет элда таълим сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш усуллари излаш ишлари аввал бошданок ижтимоий бошқарувнинг умумий назарияси ютуқлари асосида амалга оширилган бўлса, мамлакатимизда асосан педагогика назарияси қоидаларига таянган эди. Аммо 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу узилиш жадаллик билан бартараф этила бошлади.

Ижтимоий бошқариш фанини ривожлантириш Ўзбекистонда ва хорижда таълимни бошқариш муаммолари ечимини назарий жиҳатдан идрок этишга ва излашга жиддий таъсир кўрсатди. Ижтимоий ташкилотларни бошқаришнинг умумий ғоялари таълим соҳасида бошқариш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Таълимни бошқариш қонуниятлари бошқарув жараёнида турли элементлар ва ҳодисаларнинг объектив равишда мавжуд бўлган, такрорланувчи ўзаро алоқаларини акс эттиради. Улар умумий ва хусусийга бўлинади. Умумий қонуниятлар бошқарувнинг барча тизимларига хос бўлса, хусусийлари айрим таълим ташкилотлари ва муассасаларининг амал қилиши билан боғлиқ.

Қуйидагиларни бошқарувнинг умумий қонуниятлари сирасига

киритиш мумкин: устувор самарадорлик ва онгли режали бошқариш; бошқарадиган ва бошқариладиган тизимларнинг, бошқариш субъекти ва объектининг ўзаро муносабати, бошқарувда меҳнат тақсимоти ва кооператсияси жараёнларини кучайтириш. Ушбу қонуниятларни кўриб чиқамиз.

Таълимни онгли бошқаришнинг устувор самарадорлиги қонунийдир, чунки унда кечаётган жараёнларни режали бошқариш тизими амалда ушбу жараёнларни беихтиёр тартибга соладиган бошқариш тизимларидан самаралироқдир. Ҳозирги таълимда бошқаришнинг барча даражаларида дастурий-мақсадли ёндашув, тизимли ёндашув ва таҳлил кенг қўлланилаётганлиги бунинг далилидир.

Бошқарадиган ва бошқариладиган тизимлар, бошқариш субъекти ва объектининг ўзаро муносабати қонуният эканлиги бошқарув соҳасининг бошқарув объекти талабларига мувофиқлигини билдиради. Чунончи, иқтисодиётни ривожлантиришда 90-йилларнинг ўрталаридан кўзга ташланган силжишлар мамлакатимизда бутун бошқарув аппаратини муайян ўзгартиришни талаб қилди, бу ҳол 1997 йилдан бошланган таълим ва кадрлар тайёрлашдаги ислохотлар мажмуида ўз ифодасини топди. Натижада таълим ва уни бошқариш тизими ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар, фан-техника тараққиёти талабларига мос тушган ҳолда барқарор ривожланиш тамойилини касб этди.

Бошқарувда меҳнат тақсимоти ва кооператсиялаш жараёнларининг кучайишини ҳам таълимни бошқаришнинг умумий қонуниятларига киритиш мумкин. Қонуният, биринчидан, бошқарувда меҳнатнинг бундан кейин ҳам горизонтал ва вертикал тақсимотини акс эттиради, бу ҳол бошқарувнинг ривожланганлиги, бошқариладиган тизимлар кўлами кенгайганлиги, янги функциялар ва фаолият турлари пайдо бўлганлиги билан боқлиқдир. Иккинчидан, меҳнат тақсимоти унинг мувофиқлаштирилишини, яъни бошқарув меҳнатини кооператсиялашда ўз ифодасини топадиган бошқарув субъектлари иши мувофиқлаштирилишини тақозо қилади.

Агар умумий қонуниятлар умуман бошқарувга хос бўлса, хусусий қонуниятлар бошқарувнинг айрим томонлари ва тизимлари учун хосдир.

Қуйидагиларни хусусий қонуниятлар сирасига киритиш мумкин: бошқарув функцияларининг ўзгариши, бошқарув босқичлари сонининг мақбуллаштирилиши, бошқарув функцияларининг жамланиши ва назоратнинг кенг тарқалиш қонунияти кабилар.

Таълимни бошқариш функцияларининг ўзгариш қонуниятлари бошқарувнинг турли иерархик даражаларида бир функциянинг юксалиши, бошқасининг пасайишини билдиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси

Халқ таълими вазирлиги даражасида асосан таълим мазмунини қамраб олган стратегик вазифалар (ўқув режалари, дастурлари, давлат таълим стандартлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқалар) ҳал қилинса, таълим муассасаси даражасида кўпроқ умумий ўрта таълим мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ тактик масалалар ҳал этилади.

Бошқарув босқичлари сонини мақбуллаштириш қонуниятлари бошқарувнинг ортиқча бўғинларини бартараф этишни тақозо қилади, бу ҳол унинг мослашувчанлиги ва тезкорлигини кучайтиради.

Таълимни бошқариш функцияларини жамлаш шундан иборатки, ҳар бир бошқарув босқичи функцияларни кўпроқ жамлашга, яъни бошқарув ходимлари сонини кўпайтиришга интилади. Барча мамлакатларда бюрократик аппарат сони ошиб бораётгани ҳақида маълумотлар бу қонуниятни яққол намоён этади.

Назоратнинг ёйилганлик қонунияти қўл остидаги ходимлар сони билан бошқарув ходими томонидан уларнинг фаолиятига самарали раҳбарлик қилиш ва ишларини назорат қилиш имкониятлари ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради.

Таълимни бошқаришнинг (ҳам умумий, ҳам хусусий) қонуниятлари объектив хусусиятга эга бўлиб, кишилар фаолиятини бошқариш жараёнида амалга оширилади. Таълимни бошқариш тамойилларини шакллантиришда бошқарув қонуниятлари тўлиқ ҳисобга олиниши керак.

Таълимни бошқариш тамойиллари - бу бошқарув тизими, тузилмаси, бошқарувни ташкил этишнинг асосий талабларини белгилаб берувчи қоидалар демакдир. Бошқарув тамойиллари ҳам, қонуниятлар каби, умумий ва хусусийга бўлинади.

Таълимни бошқаришнинг умумий тамойиллари универсал табиатга эга бўлиб, бошқарувнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатади.

Қуйидагиларни таълимни бошқаришнинг умумий тамойиллари сирасига киритиш мумкин: аниқ мақсадга йўналтирилганлик, режалилик, билимдонлик, интизомлилик, рағбатлантириш, иерархиклик (поғоналилик).

Аниқ мақсадга йўналтирилганлик тамойили дастурий-мақсадли бошқарувнинг моҳияти билан белгиланган бўлиб, ҳар бир таълимни бошқариш органи ва унинг ҳар бир бўлинмаси олдига мақсадлар аниқ қўйилишини кўзда туттади. Бунда мақсад ҳақиқатан ҳам эришиш мумкин бўлган ва иложи борича аниқ-равшан белгиланган бўлиши керакки, бу иш ақлга мувофиқ бўлишини таъминлайди, ходимлар саъй-ҳаракатини унинг ижросига сафарбар этади.

Аниқ мақсадга йўналтирилганлик тамойили қўйилган мақсадларгина эмас, балки ана шу мақсадларнинг зарур ресурслар билан нисбати даражасини аниқлашни ҳам назарда туттади. Бунда мақсадларни уларга эришиш учун зарур

бўлган асосий ресурслар билан боғлашни таъминлашгина эмас, балки диққат-эътиборни мақсадларга эришишга халақит бераётган энг заиф бўғинга каратиш ҳам керак бўлади.

2. Педагогик фикр юритиш психологик-педагогик назарияни эгаллаш, ўз ғояларини ягона концепция қилиб жамлаш. Таълимни режали бошқариш тамойили ҳам дастурий-мақсадли бошқариш билан боғлиқ бўлиб, ҳаракат дастурини тузиш ва уни амалга оширишни кўзда тутди. Режалилик иш шароитини нормаллаштириш ва уни ижрочилар ўртасида тақсимлашда ижрочилар хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларга йўл-йўриқ беришда, шунингдек ҳар бир ишнинг ва умуман дастурнинг бажарилишини ҳисобга олиш ва назорат қилишни ташкил этишда намоён бўлади. Ушбу тамойилнинг амалда бажарилиши бутун бошқарув тизими режа асосида ташкил этилишига олиб келади.

Билимдонлик тамойили менежернинг бошқарув объектини билишини, ҳеч бўлмаганда, қарорлар қабул қилишда мутахассисларнинг фойдали маслаҳатларини қабул қилишга қодирлигини англатади. Билимдонлик тамойили меҳнатнинг функциялар бўйича горизонтал тақсимланиши билан боғлиқ.

Бошқарувнинг ҳар қандай тизимида ҳар қандай даражада мавжуд бўлиши керак бўлган интизом бошқарувнинг ажралмас тамойили ҳисобланади. Интизом раҳбар кўрсатмаларининг, лавозим вазифаларининг, йўриқномаларнинг, буйруқларнинг ва бошқа директив ҳужжатларнинг шубҳасиз бажарилишини кўзда тутди. Интизом даражаси кўп жиҳатдан бошқарув маданиятини белгилайди.

Таълимга татбиқан бу тамойилнинг роли жуда катта, чунки тармоқнинг хусусияти ижро интизومي даражасигагина эмас, балки молиявий интизомга ҳамда вазирдан тортиб ўқитувчигача бўлган барча ходимларнинг ички интизомига оширилган талаблар қўйилишини тақозо этади. Шу билан бирга, интизом ходимларнинг ташаббусини бўғиб қўймаслиги ва ишга ижодий муносабатда бўлиш учун имконият қолдириши керак.

Рағбатлантириш тамойили, энг аввало, моддий ва маънавий рағбатлардан фойдаланиш асосида меҳнат фаолиятини мотиватсиялашни кўзда тутди. Моддий рағбатлантириш ходимларнинг меҳнат натижаларидан шахсий иқтисодий манфаатдорлигига, маънавий рағбатлантириш эса асосан ходимларга психологик таъсир кўрсатишга таянади. Ходимларнинг турли маънавий эҳтиёжлари, яъни мансублик, тааллуқлилик ва муваффақиятга бўлган эҳтиёжлари ундовчи сабаблар бўлиши мумкин.

Бинобарин, рағбатлантириш тамойили мазмунини, кўпинча амалиётда бўлганидек, фақат иш ҳақиға боғлаб қўйиш нотўғри. Рағбатлантириш,

шунингдек, маънавий рағбат ва сабаблардан фойдаланишни, ходимларга адолатли муносабатда бўлишни ҳам кўзда тутади.

Иерархиклик (кўп поғоналик) тамойили бошқарув меҳнатининг вертикал тақсимланишини, яъни, бошқарув даражаларининг бўлинишини ҳамда бошқарув қуйи даражаларининг юқори даражаларга бўйсунлигини кўзда тутади. Бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини шакллантиришда, бошқарув аппаратини тузишда, кадрларни жой-жойига қўйишда ушбу принцип ҳисобга олинади.

Бошқарувнинг барча тамойиллари бир-бири билан узвий боғланган ва бири иккинчисини тақозо қилади. Масалан, режасиз, билимдон бўлмасдан, интизомсиз ва иерархикликсиз ташкилотнинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятини таъминлаб бўлмаганидек, бошқарувнинг бошқа (аниқ мақсадга йўналтирилганлик, режалилик, билимдонлик, рағбатлантириш, интизом) тамойилларини инкор этган ҳолда бошқарув тизимининг аниқ фаолият юритишига эришиб бўлмайди.

Бошқарувнинг умумий тамойиллари билан бирга юқорида таъкидлаб ўтилганидек, маҳаллий хусусиятга эга бўлган ва фақат айрим бошқарув жараёнларини ҳамда бошқарув жиҳатларини тартибга соладиган хусусий тамойиллари мавжуд. Масалан, таълим муассасаларини бошқаришга татбиқан, одатда, бошқарув жараёнларининг узлуксизлиги ажратиб кўрсатилади.

Бошқарув қонуниятлари ва тамойиллари бошқариш функциялари билан узвий боғлиқдир.

Таълимни бошқариш функциялари - бу улар бошқарадиган кичик тизим бошқарув объектига таъсир кўрсатишида ёрдам берадиган фаолият турларидир. Бошқарув функциялари умумий ва хусусий (махсус) функцияларга бўлинади. Умумий функциялар бошқарувнинг барча ижтимоий тизимларига хос функциялардир. Хусусий функциялар муайян хусусиятга эга.

Менежментга татбиқан стратегик режалаштириш, ташкил этиш, мотиватсиялаш, назорат каби умумий функциялар ажратиб кўрсатилади.

Стратегик режалаштириш ташкилотнинг ўз мақсадларига мақбул даражада эришиш учун қўлланиладиган ҳаракатлар йиғиндисидир.

Стратегик режалаштиришнинг моҳияти ташкилотнинг мақсадларига эришишга қаратилган ўзига хос стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат. Менежментга татбиқан стратегия ташкилотнинг мақсадларига мақбул даражада эришишни таъминлайдиган ҳар томонлама мажмуини режалаштиришни билдиради.

Стратегик режалаштириш бошқарув фаолиятининг тўртта асосий турини: ресурсларни тақсимлаш; ташқи муҳитга мослашиш; ички мувофиқлаштириш; олдиндан кўра биладиган уюшган стратегияни кўзда

тутади.

Кишилар хатти-ҳаракатида эҳтиёжлар ва манфаатлар муҳим роль ўйнайди. Эҳтиёж - бу инсоннинг бирон-бир камчилиқни физиологик ва психологик ҳис қилиши, тақдирлаш эса инсон ўзи учун қадрли деб ҳисоблаган барча нарсани ҳис қилиши демакдир. Англаб етилган эҳтиёжлар ҳаракатга ундайди. Одамларнинг фаолияти билан эришиладиган эҳтиёжларнинг йиғиндиси бошқарув методларининг иқтисодий, ташкилий-бошқарув ва ижтимоий-психологик сингари мотиватсион йўналишларини белгилаб беради.

Бошқарувнинг иқтисодий методлари моддий мотиватсияни, яъни муайян кўрсаткичлар ёки топшириқларни бажаришга ва, улар бажарилгач, иш натижалари учун иқтисодий тақдирлашга йўналтиришни тақозо этади. Шундай қилиб, бошқарувнинг иқтисодий методларидан фойдаланиш иш режасини шакллантириш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш билан, шунингдек меҳнатни моддий рағбатлантириш, яъни муайян миқдор ва сифатдаги меҳнат учун тақдирлашни ҳамда миқдори мувофиқ келмаганлиги ва тегишли сифатга эга бўлмаганлиги учун жазо чораси қўлланилишини кўзда тутувчи иш ҳақининг оқилона тизими билан боғлиқдир.

Бошқарувнинг ташкилий-бошқарув методлари қонунга, ҳуқуқ-тартиботга, лавозими бўйича ўзидан юқориқ бўлган ходимга бўйсунушга, яъни ҳокимият мотиватсиясига асосланади. Бошқарувда бу мотиватсия ғоят муҳим роль ўйнайди. У давлат даражасида қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга шубҳасиз риоя қилинишинигина эмас, бошқарув ходимлари ва улар қўл остидагиларнинг бошқарув ходимининг кўрсатмаси унинг қўл остидагилар томонидан ижро этилиши мажбурий қилиб қўядиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилишини ҳам тақозо этади. Бошқарув ходимининг қўл остидаги ходимларнинг ушбу муносабатларга риоя этмасликлари жазо чоралари (танбех, ҳайфсан, ишдан бўшатиш ва ҳ.к.) қўлланишига олиб келади.

3. Инновациялар зарурлиги ёки муқаррарлигини асослаш, янгиликни жорий қилишга кўмаклашувчи омилларни ажратиб кўрсатиш. Ҳокимият мотиватсияси ташкил этиш ва ўзаро муносабатлар учун зарур шарт-шароитларни яратади. Ташкилий-бошқарув методларининг ўзи эса уни мақбул ташкил этиш асосида ҳар қандай даражадаги бошқарув тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган.

Ушбу методлар ташкилий режалаштириш, ташкилий меъёрлаш, йўл-йўриқ бериш, бошқариш ва назорат сингари масалаларни ўз ичига олади.

Макродаражадаги ташкилий-бошқарув методларига бошқарув объектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга соладиган ва таълим муассасалари фаолият кўрсатиши учун турли шарт-шароитлар яратадиган

қонун ҳужжатларини киритиш мумкин.

Амалиётнинг кўрсатишича, фақат моддий ва ҳокимият мотиватсияларининг қўлланилиши ташкилотнинг мақсадларига эришишда ходимлар ва ҳар бир ходимнинг ижодий фаоллигини тўлиқ сафарбар этиш имконини бермайди.

Бошқарувнинг максимал самарадорлигига эришиш учун бошқарувнинг ижтимоий-психологик методларига таянадиган маънавий мотиватсиялар зарур. Ушбу методлар ёрдамида ходимлар онгига, одамларнинг ижтимоий, ахлоқий ва бошқа манфаатларига кўпроқ таъсир кўрсатилади ва меҳнат фаолияти маънавий рағбатлантирилади. Маънавий мотиватсия жуда мураккаблиги ва нозиклиги билан фарқ қилади. Унинг пировард самарасини аниқлаш қийин бўлсада, натижалари салмоқлидир.

Математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш методи, ақлий ҳужум методи, ўйинлар назарияси ва бошқалар бошқарув қарорларини мақбуллаштиришнинг кенг тарқалган методлари ҳисобланади.

Математик моделлаштириш бошқарув қарорини осонгина шакллантириш мумкин бўлган кенг ишлатиладиган рақамли ахборот асосида қабул қилинган ҳолларда қўлланилади. Математик моделлардан кенг қўламда фойдаланиш муаммони миқдорий тавсифлаш ва уни ҳал этишнинг мақбул вариантини топиш имконини беради.

Қуйидагилар бошқарув қарорини математик методлар ёрдамида мақбуллаштиришнинг асосий босқичлари ҳисобланади:

1. Вазифанинг қўйилиши.
2. Бир маънода, масалан, муайян сон билан ифодаланиши ҳамда қўйилган мақсад ечими натижаларининг мувофиқлик даражасини акс эттирадиган самарали мезонни танлаш.
3. Самарадорлик мезони катталигига таъсир кўрсатувчи ўзгарувчан миқдорлар(омиллар)ни таҳлил қилиш ва ўлчаш.
4. Математик моделни тузиш.
5. Моделнинг математик ечимини топиш.
6. Моделни ва унинг ёрдамида олинган ечимни мантиқий ва экспериментал текшириш.
7. Олинган натижаларни амалиётга қўллашга доир тавсияларни ишлаб чиқиш.

Эксперт баҳолаш методлари вазифа тўлиқ ёки қисман шаклланмайдиган ва математик усуллар ёрдамида ечилиши мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Бошқарув ҳаракатлари ўз мазмуни ва натижаларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бошқарув функциялари ҳам шундан келиб чиққан ҳолда

фарқланади.

Биргина функциянинг ўзини турли шароитда амалга оширишда бошқарув вазифалари турлича бўлади. Масалан, таълим муассасаси ўқитувчи кадрлар билан тўлиқ бутланган ҳолатда машғулотлар жадвалини режалаштириш - бир масала, ўқитувчилар анча етишмаган ҳолатда шу ишни бажариш эса мазмунига кўра мураккаброқ масала.

Муайян таълим муассасасини бошқаришда қандай функциялар амалга оширилиши керак? Ушбу саволга бир хил маънода жавоб бериб бўлмайди. Бу - таълим муассасаси ўз олдига қўйган таълим вазифаларига ҳам, унинг ривожланишга йўналганлигига ҳам, у ишлайдиган шарт-шароитга ҳамда бошқарувга ёндашувга ҳам боғлиқдир.

Бошқарув тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган функцияларнинг барча таълим муассасалари учун бир хилда рўйхати мавжуд эмас. Масалан, болалар боғчаси билан таълим муассасаси бирлаштирилган таълим мажмуа-муассасасини бошқариш таълим муассасаси ўз ҳолича фаолият кўрсатадиган ҳолатга нисбатан қўшимча функцияларнинг бажарилишини тақозо қилади. Таълимни индивидуаллаштириш, таълим жараёнининг интеграциялашувини ва вариативлигини таъминлаш вазифалари қўйиладиган таълим муассасасини бошқариш бундай вазифалар қўйилмайдиган таълим муассасасидагига нисбатан кенг кўламдаги функцияларни бажаришни талаб қилади. Агар таълим муассасаси бирон-бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган бўлса, бу унда тегишли бошқарув функциялари амалга оширилиши лозимлигини англатади.

Функциялар таркибига бошқариладиган объектнинг ўзига хос хусусиятларидан ташқари, бошқарувга ёндашув ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бошқарув фикри эволюциясини кўриб чиқар эканмиз, биз бошқарув жараёнида ишлар қандай амалга оширилиши кераклиги турли ёндашувларда турлича тушунилишини кўрдик. «Зўравонлик ва тилёғламачилик» методига йўналтирилган ёндашувда ташкилотнинг норасмий тузилмаси бошқарувчиларнинг диққат-эътиборидан четда бўлади ва унга нисбатан бошқарув функциялари ишга солинмайди. Шахсга йўналтирилган ёндашувларда ташкилот аъзоларининг қониқиш ҳосил қилиши, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит, ундаги жорий этилаётган кадриятлар, аксинча, таҳлил ва тартибга солиш предметига айланади.

Аmmo, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бошқарувга энг яхши ягона ёндашув мавжуд эмас. Айрим ҳолларда бир турдаги ёндашув самарали бўлса, бошқа ҳолларда - бошқа турдаги ёндашув самарали бўлади. Бу амалга оширилаётган бошқарув функциялари таркиби ҳам вазиятга монанд бўлиши кераклигини билдиради.

Ушбу функциялар таркиби таълим муассасасининг ривожланишга йўналганлик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Таълим муассасаси маъмурияти ҳал қилишга интилаётган асосий вазифа унинг барқарор фаолият юритишини кўллаб-қувватлашдан иборат бўлса, инноватсион жараёнларни бошқариш функциялари ё умуман бажарилмайди, ёхуд жуда оз ҳажмда бажарилади. Инноватсион таълим муассасаларида эса, аксинча, янгиликларни излаш ва ўзлаштириш жараёнларини бошқариш функцияларини бажаришга сарфланадиган вақтни ўқув-тарбия жараёнини бошқариш функцияларини бажаришга сарфланадиган вақт билан таққослаш мумкин.

Бошқарув функцияларини амалга ошириш учун бошқарув тизимида зарур ишлар бажарилиши керак. Ана шу ишлардан бири параллел равишда ва муайян вақтгача бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилса, бошқалари - муайян изчилликда бажарилади. Бошқарув вазифаларини ҳал қилишда параллел равишда ва изчил бажариладиган ҳаракатларнинг ушбу йиғиндиси бошқарув жараёнини ҳосил қилади.

Бошқарув вазифалари ахборот билан ишлаш орқали амалга оширилади, шу боис бошқарув жараёни қатор ҳолларда ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлаш ва узатиш жараёни сифатида белгиланади. Аммо бунда асосийси - айнан бошқарувнинг ўзига хос мазмунини ташкил этувчи нарса очиб берилмайди. Телевизон кўрсатувларни тайёрлаш ва трансляция қилишда ҳам ахборот тўпланади, сақланади, ишланади ва узатилади, бироқ бу бошқарув жараёни ҳисобланмайди.

Бошқа ҳолларда бошқарув жараёни қарорларни ишлаб чиқиш жараёни сифатида тушунилади. Бу тўғри бўлса-да, етарли эмас. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида кўплаб қарорлар қабул қилади, бироқ бу бошқарув қарорлари эмас. Бошқарув - бу шунчаки қарорларни ишлаб чиқиш эмас, балки кўплаб одамлар биргаликда унумли ишлаши учун зарур ва етарли бўлган шарт-шароитни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўришдир.

Шу боис биз бошқарувни бундан буён бошқарув субъекти томонидан амалга ошириладиган узлуксиз, изчиллик фаолият сифатида тушунамиз. Бунинг натижасида бошқариладиган объект қиёфаси ва мазмуни шаклланади ҳамда ўзгаради, биргаликдаги фаолият мақсадлари аниқланади, уларга эришиш усуллари белгиланади, унинг иштирокчилари ўртасидаги иш тақсимланади ва уларнинг саъй-ҳаракатлари интеграциялаштирилади.

Бошқарув жараёни туркумлилик хусусиятига эга. У амалий ҳаракатларга эҳтиёжни, мақсадларни қўйишни аниқлашдан бошланиб, уларга эришиш ва бундан воз кечиш билан тугайди. Бошқарув туркуми ичида турли хатти-ҳаракатлар ажратилиши мумкин.

Ушбу ўринда бошқарув туркуми режалаштириш, ташкил этиш,

рахбарлик ва назорат қилиш сингари тўрт асосий бошқарув ишининг ёпик изчиллиги сифатида тушунилади.

Режалаштириш - бу фаолият кўринишларидан бири иш бўлиб, уни бажариш натижасида келгусида қандай натижаларга эришилиши (мақсадлар қўйилиши) кўзда тутилаётганлиги, бунинг учун қандай ҳаракатлар қандай изчилликда ва қайси муддатларда бажарилиши кераклиги, яъни нима, қаерда ва қай йўсинда амалга оширилиши лозимлиги белгиланади. Келгуси фаолиятни режалаштириш уларга эришиш учун зарур бўлган ишнинг мақсади, таркиби, тузилмаси ва бажариш муддатларини белгилаш демакдир.

Аммо фақат режанинг ўзи етарли эмас. Одамлар биргаликда самарали ишлаши учун ким ва қандай ишларни бажариши (функционал мажбуриятлари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги), бунда ким билан ва қай йўсинда ўзаро муносабатда бўлиши лозимлигини белгилаш (тақсимлаш) керак.

Бундай вазифалар ҳал этиладиган иш ташкил қилиш деб аталади.

Режалаштириш ва ташкил қилиш ишини бажариш туфайли таълим муассасаси жамоаси аъзоларининг куч-ғайратини самарали бирлаштириш учун зарур, аммо етарли бўлмаган шарт-шароит яратилади. Амалиётдан шу нарса маълумки, одамлар реал бажараётган ишлар уларга қўйилаётган расмий талабларга ҳар доим ҳам мос келмайдими. Ижтимоий ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларга кирувчи одамлар ўз сабабларига эга бўлган ҳолда, ўз олдларига ўзлари мақсад қўйишга қодирдирлар. Улар ниманидир қилишни хоҳлашлари ва хоҳламасликлари ва шунга қараб ишлашлари мумкин. Одамлар ташкилотга келгач, у ўзларининг манфаатларини амалга ошириш имконини беришини хоҳлашади. Бу ҳол юз бермаса, улар ё ташкилотдан кетадилар ёки салоҳиятлари ва иқтидорларини ишга тўлиқ сафарбар этмайдилар.

Биргаликдаги иш самарали бўлиши учун, биринчидан, ижрочилар улардан қандай натижалар ва қачон кутилаётганлигини яхши тушунишлари; иккинчидан, улар бунга эришишдан манфаатдор бўлишлари; учинчидан, улар ўз ишларидан қониқиш ҳосил қилишлари; тўртинчидан, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит унумли ишлаш учун қулай бўлиши зарур.

Биргаликдаги фаолият яхши режалаштирилган ва уюштирилган бўлса, ижрочилар бу жараёнга тузатиш киритишни талаб қиладиган қандайдир ички ва ташқи шарт-шароит ўзгармагунга қадар нимани, қаерда ва қай йўсинда бажаришларини билишгандагина у муваффақиятли кечади. Бу ўзгаришлар режалаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш учун хавф туқдириши ёки, аксинча, қандайдир янги имкониятларни очиши мумкин. Бошқарув юз бераётган ўзгаришларга ўз вақтида муносабат билдириши, бунинг учун эса бу ҳақда ахборотга эга бўлиши лозим. Бундай ахборотни олиш ва ишнинг

боришига тузатиш киритиш зарурлигини аниқлаш учун назорат қилиш деб аталадиган махсус бошқарув ҳаракатини амалга ошириш зарур.

Бошқарув назорат туфайли ўзи усиз фаолият юритмайдиган энг муҳим таркибий қисм - қайта алоқага эга бўлади. Назорат бошқарувнинг «кўзини равшан» ва ўзгаришларга нисбатан таъсирчан қилади. Ушбу ўзгаришларга муносабат эса режалаштириш, ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш орқали амалга оширилади. Натижада бошқарув давраси ёпиқ ҳолга келади.

Режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш ва назорат қилиш мураккаб тузилмага эга бўлиб, ўзи ҳам кўплаб бошқа ишлардан ташкил топади. Масалан, у режалаштириш, вазиятни таҳлил этиш, прогнозлаш, мақсад кўйиш, самарадорликни баҳолаш, иш режасининг бирон-бир вариантини танлаш ҳақида қарор қабул қилиш кабиларни ўз ичига олиши мумкин. Раҳбарлик қилиш қўл остидаги ходимларга топшириқлар бериш, жамоа аҳволини таҳлил қилиш, қўл остидаги ходимларнинг ишини баҳолаш, тақдирлаш ва жазолаш ҳақида қарорлар қабул қилиш, ходимларни хабардор қилиш, низоли вазиятларни ҳал қилишни ва ҳ.к. кўзда тутаяди.

Таълим муассасасини бошқаришда битта эмас, балки кўплаб бошқарув туркумлари амалга оширилади. Бу туркумлар иерархик тузилмага эга-хусусий туркумлар нисбатан умумийлари таркибига киради. Масалан, таълим муассасасида ўқув-тарбия жараёнини бошқаришнинг умумий туркумида бошланғич ва умумий ўрта таълимни режалаштириш, ташкил этиш, унга раҳбарлик ва уни назорат этиш туркумлари ажратиб кўрсатилади. Бу туркумлар ҳам, ўз навбатида, мураккаб тузилмага эга. Масалан, бошланғич таълимни бошқариш туркуми ичида ва айрим синфлар, предметларни ўрганишни режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш, назорат қилиш туркумлари ажратилади.

Назорат саволлар:

1. Мактабгача таълим муассасасининг ишига инновацияларнинг жорий этиш йўллари?
2. Мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартлари қандай?
3. Шахсга йўналтирилган ёндашув?
4. Ўқув-тарбия жараёнини бошқариш функциялари ҳақида маълумот беринг?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори. «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида».

2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари -Т. 2006.

3. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

4. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. – М.: 2003.

4-Мавзу: Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни лойихалаштириш.

Режа:

1. Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни ташкил этилишига, мазмунига, услубиётига, технологиясига янгиликлар киритиш.

2. Ҳозирги вақтда болалар боғчасига болалар билан илғор инновацион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагог кадрларни тайёрлаш.

3. Мактабгача таълим муассасасида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг зарурий шартлари педагогнинг салоҳияти ва ҳаракатлари, унинг янгиликни сезиши, очиқлиги ва фасилитатсияси бўлади.

Таянч тушунчалар:таълим, стандарт, кафолат, стратегия, ДТС, таълимни режалаштириш, лойихалаш, янги усул, рақобат, мутахассис, шахс, эҳтиёж, структура, сифат.

1. Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни ташкил этилишига, мазмунига, услубиётига, технологиясига янгиликлар киритиш.

Ривожланган мамлакатларда олий таълимнинг мақсади барча даражадаги малакали ходимларни тайёрлаш оркали рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш ва хизматлар кўрсатишни йулга қуйишдир.

Рақобатбардошли мутахассисларсиз рақобатга чидамли иқтисодни бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистонда бу муаммони ечишнинг асоси кадрлар тайёрлашнинг моделидир.

У ўзининг қуйидаги асосий қисмларига эга:

1. Шахс - кадрлар тайёрлашнинг асосий субъекти ва объекти, хизматларининг истеъмолчиси ва ишлаб чиқарувчисиз.

2. Давлат ва жамиит - кадрлар тайёрлаш ва талаб қилишнинг кафолати. (назорат қилади, тартибга солади, мувофиқлаштиради).

3. Узлуксиз таълим - малакали ва рақобатбардошли кадрлар тайёрлашнинг асоси. (барча узлуксиз таълим турлари, ДТС, структура ва фаолият мухитини ўз ичига олади),

4. Фан - юқори малакали мутахассисларни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиси, педагогик ва информатсион технологияларини яратувчиси.

5. Ишлаб чиқариш - асосий буюртмачи, эҳтиёжни аниқловчи. (Тайёргарлик даражасига ва сифатига талаб қуювчи, кадрлар тайёрлаш системасини моддий-техника таъминоти ва молиялаштиришнинг аъзоси).

Узлуксиз таълим ривожининг асосий принциплари:

1. Бирламчилиги. Ривожининг бирламчилиги, устунлиги.

2. Таълимни демократлаштириш. ОТМнинг мустақиллигини кенгайтириш.

3. Инсонпарварлиги. Инсон қобилиятини кенгайтириш, таълимга бўлган эҳтиёжни фондириш, шахс, жамият ва мухитни умумийлашиши.

4. Маънавийлашуви. Эстетик бой дунёқараш, юқори маънавият, маданият ва ижодий тафаккурни шаллантириш.

5. Миллийлик. Таълим миллийлик йўналиши. Миллий анъаналар ва одатлар, тарих, маданиятимиз билан бу қаторда бошқа халқлар тарихига ва маданиятига хурмат.

6. Таълим ва тарбиянинг боғлиқлиги.

7. Иқтидорли ва истедодли ёшларни аниқлаш. Билим олишга, ривожланишга шароит яратиш.

Узлуксиз таълим муҳим элементи ДТС (давлат таълим стандарти). У кўп ўлчовчи конструкция бўлиб, мутахассис ва йўналишнинг умумий тавсифларини акс эттиради, тайёргарлик даражасига талабаларни аниқлайди, таълим дастурини мазмунини белгилайди, уни амалга оширишни, ходимлар тайёрлаш сифатини назорат қилади, талабларни шакллантиради.

ДТС яратишнинг асосий принциплари:

1. Инсонпарварлик ва маънавиятлилик.

2. Асосийлик (фундаменталлик).

3. Умумтаълим ва касб-малака таълими.

4. Узлуксиз ва анъанавийлик.

5. Олдинда бўлиш.

6. Ўзгармаслик (мобильность). Дастурнинг ўзгармаслиги.

7. Талабаларнинг академик мобиллиги.

8. Ўз-ўзини тайёрлаш (самообразование).

9. Таълимни кенгайтириш имкониятларини мавжудлиги.

10. Кўп даражали сифат назорати.

Назорат 3 босқичда амалга оширилади:

I. даража. Тест маркази (Ўз.Р.В.М.) томонидан:

а) ОТМ аттестатсияси, ходимлар ва раҳбарларнинг, илмий-педагогик кадрларни аттестатсия қилиш. Аккредитатсия қилиш (мутахассислар ва йўналишлар буйича);

б) кадрлар тайёрлаш сифатини, ўқув-тарбия жараёнини эксперт баҳолаш.

II. даража. Вазирлик томонидан:


а) ДТС да кўзда тўтилган тайёргарлик даражасини ва маҳмунини таъминлаш;

б) кадрлар тайёрлаш сифатини.

III. даража. ОТМ томонидан.

а) талабалар билимини рейтинг-назорат қилиш;

б) давлат аттестатсия комиссияси томонидан назорат (битирув иши мутахассисни).



Давлат кадрлар тайёрлаш мазмуни ва даражасига талабларни шакллантиради. Таълим-малака дастурида (бакалаврият) қуйидаги компонентлар мавжуд.

1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки.

Миллий мустикаллик идеологияси, демократия, илмий дунёкараш, юқори маънавият ва маданият, демократик, ҳуқуқий ва иқтисодий фикрлашни шакллантиради.

2. Математик ва табиий фанлар блоки.

Математик билимлар ва моделлаштириш, информасион технологиялар тўғрисидаги тушунчани шакллантиради, табиий фанлар фундаментал бирлиги тўғрисида тушунчани, замонавий табиатшунослик концепцияси, табиатшуносликдаги янгиликлар ва келажакдаги ўзгаришлар, табиатдан ратсионал фойдаланиш ва инсон фаолияти тўғрисида тушунчани шакллантириш.

3. Умумкасбий фанлар блоки.

- умумкасб буйича чуқур билимларни шакллантириш;
- таълим йўналиши буйича махсус фанларни урганиш учун асос яратади;
- касб фаолияти билими ва қобилиятини юзага келтиради.

1. Махсус фанлар блоки.

Таълим йўналиши буйича билим ва малакани шакллантиради; аниқ

мутахассислик буйича кейинги таълимни танловини аниқлайди; фан-техника ютуклари, таълим йўналишининг ривожини, келажак ва муаммолари тўғрисида тушунча беради.

Сифат тўсатдан пайдо бўлиб қолмайди. Уни режалаштириш лозим. Сифат муассаса стратегиясида энг муҳим кўрсаткич бўлиши ва унга стратегик режалаштириш жараёнига мувофиқ мунтазам эришилиши даркор. Стратегик режалаштириш - таълим сифатини бошқариш тизимидаги энг асосий кўрсаткичлардан биридир.

Таълим сифатини режалаштириш таълим муассасаси фаолиятининг узок муддатли йўналишини ишлаб чиқиш билан чамбарчас боғлиқ. Қудратли стратегик нуқтаи назар - ҳар қандай муассаса муваффақиятининг энг асосий омилларидан биридир.

2. Ҳозирги вақтда мактабгача таълим муассасаларида болалар билан илғор инновацион технологиялар ва янги дастурлар асосида ишлай оладиган педагог кадрларни тайёрлаш.

Таълимдаги стратегик режалаштириш жараёни фанда, ишлаб чиқаришда ва умуман жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кўзгудагидек акс эттиради. Унда асосий вазифалар ва мақсадларни аниқлаш, кучли ва заиф томонларни, имкониятларни ва таҳдид солувчи хавф-хатарларни таҳлил қилиш учун фойдаланиладиган омиллар таълим соҳасига ҳам жорий қилинади.

Стратегик режалаштириш узок муддатли устувор жиҳатларни шакллантиришга имкон беради ва оқилона ўзгаришларга кўмаклашади. Муассаса стратегияга эга бўлмай туриб, янги имкониятлардан жуда яхши фойдаланиш учун мақбул вазиятда эканлигига ишонч ҳосил қила олмайди. Стратегик режалаштиришнинг етакчи мақсадлари таълим муассасасини ривожлантиришнинг муайян вақт оралиғига мўлжалланган умумий дастурини ишлаб чиқиш билангина эмас, балки ушбу таълим муассасаси кўрсатадиган таълим хизматларининг энг муҳим йўналишларини, шунингдек, бу йўналишларнинг истеъмолчилар эҳтиёжларига нечоқли мослигини тушуниб олиш ва уларни қайта кўриб чиқиш билан ҳам белгиланади.

Стратегик режалаштиришда одатда, муҳим муаммоларнинг маълум бир мажмуини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берилади. Уларнинг рўйхати қуйидагича бўлиши мумкин:

Гарчанд назариядан амалиёт сари ишлаш оқилона йўл бўлсада, стратегик режалаштиришга киришаётиб риюя қилиш лозим бўлган хатти-ҳаракатлар мажбурий изчиллиги мавжуд эмас. Бироқ келажакни режалаштиришда тизимли ёндашиш ниҳоятда муҳим. Стратегия истеъмолчиларнинг турли гуруҳлари эҳтиёжларига таяниши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда бош мақсадни белгилаб берадиган ҳамда умуман нуқтаи назарни кенгайтирадиган сиёсат ва режани тузиш зарур.

Стратегик режалаштиришда ҳаракатларнинг муайян изчиллиги бўлиши мумкин.

Таълим муассасасининг бош мақсади унинг йўналишини, бошқалардан

фарқини белгилаб беради. Бош мақсаднинг ушбу таълим муассасасининг барча имкониятларидан максимал равишда фойдаланишга имкон берадиган зарур ҳаракатларга ўтишини таъминлаш жуда муҳим. Улар ўз соҳасининг пешқадамларидан бўлишни мақсад қилиб қўйганликларини, одатда, истар-истамас ошкора эълон қиладилар. Улар, бу ҳолда, мағлубиятга учраш эҳтимолидан чўчийдилар. Сиз асосий мақсадни аниқлар экансиз, узоқ муддатга мўлжалланган, аниқ ифодаланган сифат стратегиясига таянсангиз, бу ҳол, албатта, ақс этиши лозим. ТМ бош вазифаларининг асосий қоидаларини белгилашда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:

- ёдда осон сақланиши;
- осон оммалашиши;
- ташкилотнинг нима билан шуғулланиши аниқ белгиланиши
- сифатни оширишга қўшилган ҳисса даражаси;
- ташкилотнинг узоқ муддатли мақсадлари тўғрисида низом бўлиши;
- истеъмолчига йўналтирилган бўлиши;
- мослашувчан бўлиши шарт.

Таълим муассасаси кадриятларни ўзи аниқлаб олиши зарур, аммо улар қуйида тавсия қилинадиганлардан аксариятини ўз ичига олиши мумкин:

- таълим олувчилар (ўқувчи, талаба)ни биринчи ўринга қўямиз;
- касбий ҳалолликни юқори даражада тутган ҳолда ишлаймиз;
- ягона жамоа бўлиб ишлаймиз;
- доимий яхшиланишга (таракқиётга) интиламиз;
- барчага тенг имкониятлар яратиш устида ишлаймиз;
- таълим хизматларининг энг юқори сифатини таъминлаймиз.

Нуқтаи назар, вазифа ва кадриятлар аниқлангач, уларни эришиш мумкин бўлган мақсадлар билан боғлаш керак. Улар ўлчанадиган бўлиши жуда муҳим, яъни уларнинг ютуқлари натижасини мунтазам равишда баҳолаб туриш мумкин бўлиши лозим. Шундай қилиб, мақсадлар ҳақиқий ва эриша оладиган бўлиши керак.

Эҳтимол тутилган ижобий ва салбий омилларни, истиқбол йўналишлари ва омадсизликларни таҳлил қилиш стратегик режалаштиришнинг зарурий босқичи ҳисобланади. У таълим муассасасининг имкониятларини аниқлашнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Унда иккита таркибий қисмни, яъни, объекти таълим муассасасининг ўз фаолияти бўлган ички таҳлилни ва унинг фаолиятидаги ташқи вазиятлар таҳлилини ажратиб кўрсатиш мумкин. Кучли ва заиф томонларнинг нисбатини, моҳиятан, таълим муассасаси самарадорлигининг ички аудити дейиш мумкин. Имкониятлар ва эҳтимол тутиладиган хавф-хатарлар жихати эса ТМ иш олиб борадиган шароитдаги ташқи вазиятларга тегишлидир.

Бу таҳлилнинг мақсади - афзалликни кучайтириб, нуқсонларни мумкин қадар камайтириш, хавф-хатарни сусайтириб, янги имкониятларни яратишдан иборат. Агар таҳлилни ҳам истеъмолчиларнинг талабларига, ҳам ТМнинг талаб бозорида рақобатлашиш имкониятларига қаратсак, таҳлилнинг самарадорлигини ошириш мумкин бўлади. Булар узоқ муддатли корпоратив

стратегияни яратишда икки асосий соҳа ҳисобланади. ТМ стратегияси ТМнинг рақобатбардошлилигини ошириб, истеъмолчиларни ўзига жалб этишини максимал даражада кучайтирадиган тарзда ишлаб чиқилиши лозим.

Агар бу миссия ва қадриятларни ўрганиш билан қўшилса, у ҳолда ушбу муассасанинг рақобатчиларидан фарқини белгилаб олиш мумкин бўлади. Муассасанинг фарқли хусусияти белгилаб олингач, унинг учун сифат тавсифномасини аниқлаш анча осон бўлади.

Эҳтимол тутилган ижобий ва салбий омилларни, истиқбол йўналишлари ва муваффақиятсизликларни таҳлил қилиш натижалари қуйидагича кўрсатилиши мумкин:

Ижобий омиллар:

- ўқувчиларнинг кўп миқдорда қабул қилиниши;
- ижодий бошқарув иши;
- имтиҳонларнинг ижобий натижалари;
- кучли мусиқа ва санъат кафедралари;
- ота-оналарнинг кучли кўмаги;
- ҳокимият органларининг қўллаб-қувватлаши.

Салбий омиллар:

- эски, хароб бино;
- ходимларнинг ёши (ўрта ва катта ёшдагиларнинг кўплиги);
- бюджетнинг озлиги;
- ускуна ва жиҳозлар камлиги.

Истиқболлари:

- яхши ерда жойлашган, ўзи каби юқори обрў-эътиборга эга бўлган кўшни ТМ билан қўшилиш;
- предмет бўйича олимпиадаларда ва спортда обрў-эътибор қозониш;
- қўшилиш ва янги муассаса ҳосил бўлиши натижасида умумий юксалиш;
- таклиф қилинадиган таълим хизматлари сонини кўпайтириш учун ходимларнинг касбий савиясини ошириш имконияти;
- бирлашган муассаса қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиши мумкин.

Муваффақиятсизликлар:

- ўз қиёфасини, устунликларини ва обрў-эътиборини йўқотиш хавфи;
- вақтидан илгари нафақага чиқиб кетиши мумкин бўлган тажрибали ўқитувчиларни йўқотиш хавфи;
- бошқа ТМнинг муҳити устун бўлиб қолиши;
- баъзи бир ҳокимият вакилларининг қўллаб-қувватлашларидан маҳрум бўлиш эҳтимоли.

Муваффақиятнинг танқидий омиллари (МТО) — бу, агар таълим муассасаси истеъмолчилар талабларини қондиришга ва бош вазифани ҳал қилишга йўналтирилган бўлса, у эришиши лозим бўлган кўрсаткичлардир. Улар стратегиянинг навбатдаги босқичи бўлиб, ТМнинг асосий тавсифи

йўналишини белгилаб беради.

Улар фаолият кўрсаткичлари (ФК) билан, жуда бўлмаса ҳам, ўхшаш. Фарқи шундаки, ФК, одатда, МТОдан келиб чиқади ва ТМнинг асосий вазифасига ёки истеъмолчилар талабига доим ҳам тўғридан-тўғри тааллуқли бўлавермайди.

МТО - ТМ ўзи учун белгилаб оладиган муҳим омиллардир. Муваффақиятнинг танқидий омиллари рўйхати ўлчовнинг ташқи кўрсаткичларини, масалан, истеъмолчининг қониққанлиги ёки микрорайон учун фойдани ҳам, ички, яъни кадрларнинг замон талабларига мувофиқ касбий тайёргарлиги ёки жамоа бўлиб муваффақиятли ишлашни ҳам ўз ичига олади. Бу омиллар сифатга умумий тарзда қаратилгани ҳолда корхона томонидан эришиладиган аниқ мақсадларни ўз ичига олиши керак.

Ички МТО қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- қабул тизимининг барча учун очиқлиги;
- ўқувчиларнинг талабларига мос ўқитиш методлари;
- иноқ жамоалар;
- имтиҳон баҳоларининг юқорилиги;
- ўқувчиларнинг шахсий, маданий ва ахлоқ бобида камол топиши;
- ўқув технологияларининг такомиллаштирилиши;
- янги тартиб-қоидаларни жорий қилиш ташаббусига жамоа ходимларининг кўпчилигини жалб қилиш;
- таълим савиясини ошириш ва таълим муассасаларига кирган ўқувчилар сони.

Ташқи МТОга қуйидагилар кириши мумкин:

- ТМга қабулни такомиллаштириш;
- истеъмолчи нуқтаи назаридан (сўровлар натижасига кўра) ишдан юқори даражада қониқиш;
- талабнинг ошиши;
- камчилик истеъмолчилар ёки номақбул гуруҳларга кўпроқ эътибор бериш ва уларнинг манфаатларини ҳисобга олиш;
- микрохудуд эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш;
- ишлаб чиқариш ва фан билан яқиндан ҳамкорлик қилиш.

Таълим сифатини бошқариш тизимининг навбатдаги таркибий қисми режани ишлаб чиқишдан иборат.

Баъзан муассасани ривожлантиришнинг умумий режаси деб аталувчи стратегик режада, муассаса бош мақсадга эришиш учун қўлламоқчи бўлган ўша чоралар батафсил аниқлаштирилади. У таълимнинг ўртача муддатини белгилайди, одатда бу уч йиллик даврдир. Ушбу режанинг мақсади - таълим муассасаларига йўналиш бериш. Бироқ бундай режа қатъий восита бўлиши мумкин эмас, у, агар шароит тақозо этса, ички ёки ташқи шарт-шароитларга мувофиқ ўзгариши мумкин ва лозим.

3.Мақтабгача таълим муассасасида инноватсион технологиялардан фойдаланишнинг зарурий шартлари педагогнинг

салоҳияти ва ҳаракатлари, унинг янгиликни сезиши, очиқлиги ва фасилитатсияси бўлади.

Таълим бозорида рақобат шароитида стратегик режани ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. ТМга фаолиятнинг умумий йўналиши етишмайди. Стратегик режа, муҳим муаммолар (бош мақсад, истеъмолчиларнинг талаблари, муваффақиятга элтувчи йўллар), ижобий ва салбий омиллар, истиқболлар ва омадсизликлар таҳлил қилингандан кейин, шунингдек, муваффақиятнинг танқидий омиллари аниқлангандан сўнг ҳал қилувчи масалалар доирасини белгилаб бериши лозим.

Режалаштиришнинг таълим муассасалари ўз хизмат соҳаларини ва ушбу хизматларга эҳтиёж сезган бозорларни аниқлагандан сўнг, фойдаланиши мумкин бўлган бир қанча стратегиялари мавжуд.

Стратегиянинг биринчи тури - қийматига кўра биринчилик стратегияси. У муассасадан ўз бозорида қийматига кўра энг арзон бўлишни талаб қилади.

Муассаса бунга технологиялардан экстенсив фойдаланиш, кўламни қисқартириш, харажатларни қатъий назорат қилиш ва ҳоказолар эвазига эришиши мумкин. Бу стратегиянинг афзаллиги шундан иборатки, ресурсларни истеъмолчи нуқтаи назаридан тушуниладиган сифат учун танқидий бўлган жиҳатларга йўналтиришга имкон беради. Бироқ арзончилик ўз-ўзидан муваффақиятни кафолатламайди.

Кўпчилик истеъмолчилар сифат учун ҳақ тўлашга рози. Сифатни паст нархлар қурбонига айлантириш мумкин эмас. Биринчи қарашда, бепул таълим соҳаларида бундай стратегия номувофиқдек туюлади. Аммо, харажатларни қатъий назорат қиладиган ёки таклиф этилаётган хизматлар кўламида тежамкорлик қиладиган ТМ, ўз ихтиёрича сарфлайдиган қўшимча маблағни бўшатиб олиши мумкин. Маблағларни самарали тақсимлаш натижалари шу ТМнинг рақобатбардошлигини ошириши мумкин.

Стратегиянинг иккинчи тури - табақалаштириш - таълим муассасаси ўз рақибларидан фарқли равишда, қайсидир белгиларига кўра, нодирлигини назарда тутаяди. Тижорат бозорида бу ҳол компанияга юқори нарх белгилашга имкон беради. Таълимда эса муассаса эришган ютуқ фақат қўшимча жалб қилинган ўқувчи ва талабалар бўлиши мумкин. Шунингдек, муассаса ўзининг ўхшаши йўқлиги, ноёблиги билан муқобил манбаларни ўзига жалб қилиши мумкин. Бу стратегияни танлаган муассаса учун сифат ҳаётий заруратдир, чунки нодирликка даъво қилган муассасалар синчиклаб текширилиши муқаррар.

Бозор стратегиясининг эҳтимол тугилган учинчи тури - фокуси стратегия. Бу диққат-эътиборни маълум бир географик манзил, истеъмолчилар гуруҳи ёки бозор сегментига қаратишни назарда тутаяди.

Бу бозор сегментатсияси бўйича табақалаштириш стратегиясидир. Муассаса шундай йўналтириш билан дастурларини ажратилган гуруҳларнинг талабларига рақибларига нисбатан қаттиқроқ боғлашга интилади. Бошқа стратегияларни қўллашдаги каби, бу стратегиянинг ҳам мақсади рақобатбардошлиликни оширишдан иборатдир. Аммо у бутун бозор

доирасида ўз имкониятларидан маҳрум бўлиш эвазига қўлланилади. Бу стратегияда яна сифат кенг кўламда зарур бўлади. Агар сифат истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондирсагина йўналтирилганлик иш бериши мумкин.

Амалий ёки иш режаларини ишлаб чиқиш сифатни бошқариш тизимининг навбатдаги босқичига тегишли бўлади.

Иш режаси ёки амалий режа - қисқа муддатли, шу муассасанинг узок муддатли корпоратив стратегияси доирасида маълум мақсадларига эришишнинг муфассал режаси бўлиб, одатда бир йиллик бўлади. У муайян ўлчовлар ва уларни амалга оширишнинг молиявий механизмларини ўз ичига олади. У бевосита молиявий фойдаларни ҳам, номолиявий фойдаларни ҳам, масалан, юксалган обрў-эътибор, ихтисос даражасини кенгайтириш ва бошқаларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Амалий режа ёки иш режаси, агар уни ишлаб чиқувчилар куйидаги қатор саволларга жавоб берсалар, самарали бўлиши мумкин:

1. Кўрсатмоқчи бўлган хизматларингизни ўзингиз учун қатъий белгилаб олдингизми?

2. Сизда ўз хусусиятингизга боғлиқ ҳолда хизмат кўрсатишнинг аниқ стратегияси борми?

3. Сиз эҳтимол тutilган барча ташқи истеъмолчиларни аниқладингизми?

4. Сизда уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида аниқ тасаввур борми?

5. Истеъмолчи кутганлар билан махсус хизмат кўрсатишнинг бугунги имкониятлари орасида узилиш борми?

6. Бундай узилишни қисқартириш ёки мумкин қадар камайтириш.

7. Истеъмолчиларнинг сиз кўрсата оладиган махсус хизматлар билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлари тўлиқ инobatга олинганми?

8. Сиз ўзингизга зарур нарсаларни етказиб берувчиларни топдингизми?

9. Етказиб берувчилар сизнинг талабларингиздан тўлиқ хабардорми?

10. Етказиб бериш билан қўйилadиган талаблар орасида узилишлар борми?

11. Бу узилишларни сиз қандай қилиб қисқартирасиз?

12. Ресурсларга қўйилган талабларнинг ҳаммаси аниқланганми?

13. Ресурслар корхонангиз хусусиятларига монандми?

14. Ушбу хусусиятлар талаблари билан мавжуд ресурслар орасида узилишлар борми?

15. Ресурсларга оид талаблардаги нуқсонлар тўғриланиши мумкинми?

16. Ходимларни ўқитиш ёки қайта тайёрлаш зарурати аниқланганми?

17. Ўзига хос хизматлар сизнинг фаолиятингиз натижаси бўла оладими?

18. Сизнинг фаолиятингиз истеъмолчиларнинг умидларини оқлай оладими?

19. Муваффақиятли натижа нимадан иборатлигини ўзингиз учун аниқлаб олдингизми?

20. Ўзингиз учун МТОни аниқлаб олдингизми?

Таълим муассасалари учун, таълим жараёни сифати мафкурасини

белгиловчи муайян ҳужжат ишлаб чиқилиши жуда ҳам зарур. Бу ҳужжатда сифатни аниқлашнинг амалий йўл-йўриқлари очиб берилиши лозим.

Масалан, таълим муассасасининг сифат мафкураси сифатли таълим ва юксак таълим стандартлари талабларига мувофиқ хизмат кўрсатиш бўлиши мумкин. Бизнинг ниятларимиз - аниқ, тез ва одоб билан хизмат кўрсатишни таъминлаш, ва, шунингдек, ўқувчиларимиз, бир-биримиз ҳамда хизматларимиздан фойдаланувчи ва битирувчиларимизни ишга қабул қилувчи буюртмачиларимиз учун таълимни таъминлашдан иборат.

Сифат мафкураси сифат сиёсатини амалга оширишда ёрдам бериши мумкин бўлган сифат режасида конкретлашади. Сифат режаси сифатни ошириш билан боғлиқ фаолият амалда қай йўсинда олиб борилишини кўрсатади. Бу режа умумий (корпоратив) ва иш режаси билан боқлиқлиги аён, аммо у ҳар ҳолда бошқа бир нарсага йўналтирилган бўлади. Унда сифатни яхшилаш усуллари режасида бажарилиши мўлжалланган иш белгиланади.

Натижада, сифат режаси сифат ва метод борасида аниқ мақсад ва вазифаларни ўз ичига олиши ва уларнинг ёрдамида ҳаётга татбиқ этилиши лозим. Шу билан бирга, режада муассаса ходимлари сифатни ошириш гуруҳларида ишлашда ёрдам берадиган механизмлар батафсил таърифланиши керак. Сифат режасида коллеж амалга оширадиган сифатни ошириш лойиҳаларини батафсил бериш зарур. Бу катта ниятлар ва истикболлар бажарилиши мумкин бўлган лойиҳаларга айланади.

Таълим сифатини бошқариш тизимининг амалга оширилиши улкан инсоний ва молиявий саъй-ҳаракатларни талаб қилади, ушбу ҳаракатларга ҳақ тўланиши учун эса бундан олинадиган фойда намойиш қилиниши керак. Сифатни ошириш бўйича ҳар қандай лойиҳага чиқимни қоплаш, яъни у қилинган харажатдан кўпроқ фойда бериш-бермаслиги жиҳатидан ёндашиш керак.

Назорат саволлар:

1. ДТС қандай ҳужжат?
2. ДТС яратишнинг асосий принциплари қандай ?
3. Таълим жараёни сифати мафкурасини белгиловчи ҳужжат қайсилар?
4. ДТСни тайёрлаш қандай таълим муассасалари учун мажбурийдир ?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг асоси. Тошкент, Шарқ, 1997.
2. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
3. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаҳўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
4. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2009.

5-Мавзу: Компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш технологиялари.

Режа:

1. Педагогик инновациялар деганда педагогик фаолиятга янгиликлар киритиш самарадорлигини ошириш.
2. Таълимнинг мазмуни ва технологиясини ўзгартиришларни тушуниш.

Таянч тушунчалар: раҳбарлик, мақсад, бошқарув, модул, предмет, метод, қонуниятлар, тамойиллар, функциялар.

1. Педагогик инновациялар деганда педагогик фаолиятга янгиликлар киритиш самарадорлигини ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг босқичма-босқич амалга оширилишига кўра узлуксиз таълим тизимида чинакам ўзгаришларнинг янги истиқболлари очилмоқда. Уларнинг амалга оширилиши - ҳам янгидан юзага келган, ҳам ўтмишдан мерос бўлиб қолган муаммоларнинг ҳал этилишини талаб қилувчи мураккаб ва кўп томонлама жараён. Таълим собиқ тизими маъмурий-буйруқбозлик тизимидан табақалаштирилган ва демократик тизимга айланиб бормоқда.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнида, аниқ ифодаланган ижобий ходисалар билан бирга салбийлари ҳам кўзга ташланмоқда. Салбий ходисаларга қуйидагилар киради:

- Бир қатор таълим муассасалари томонидан ўқитиладиган айрим муҳим фанлар, шу жумладан, ривожланган мамлакатларда таълимнинг ўзагини, унинг асосини ташкил қилувчи фанлар бўлмаган ёки жиддий қисқарган ўқув дастурларининг қабул қилиниши;
- эрта ихтисослаштириш ва унга хос бўлган салбий оқибатларнинг бутун мажмуи;
- ўқув вазифасининг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кўп меъёридан (кўпинча анча) ошириш;
- сифати оддий талабларга мувофиқ келмайдиган дастурларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ўқувчилар ютуқларини баҳолаш тизимини, унга муқобил тизимни яратмай ва жорий этмай туриб, бузиш;
- тўлақонли таълим учун зарур бўлган бир қатор мажбурий фанларни (ёки уларнинг бўлимларини) ўқитишнинг қўшимча ҳақ тўланадиган таълим хизматлари соҳасига киритиш;

▪ ўз мазмуни, тили ва жанрига кўра педагогик функцияларни бажаришга қодир бўлмаган ўқув дарсликлари ва қўлланмаларининг юзага келиши ва ҳоказолар.

Юқорида баён этилганлардан таълим сифатини пасайтириш ва миллий таълим тизими биқиклигининг олдини олиш, уни ривожлангаён давлатлар тажрибаси ҳамда миллий таълим тизимини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўли билан ривожлантириш учун қулай шароит яратиш зарурлиги аён бўлади.

Сўнгги йилларда жаҳондаги кўплаб мамлакатлар таълим тизимига миллий таълим стандартларини яратиш тенденцияси хос бўлиб бормоқда. Қатор мамлакатларда «Таълим стандарти» номи билан аталувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Уларнинг таҳлили стандартлар, уларга ёндашув маълум даражада умумий бўлгани ҳолда, таълим амалиётига турли сабаблар туфайли ва турли мақсадлар билан киритилаётгани, ҳужжатларнинг ўзи эса шакли ва мазмунига кўра бир-биридан анча фарқланишини кўрсатмоқда. Баъзи мамлакатларда стандарт деб таълим мақсадлари ва вазифаларининг кенгайтирилган таърифи қабул қилинса, бошқа мамлакатларда ўқувда эришилган ютуқларни текшириш ва баҳолаш тизими, шунингдек, ўқувчиларнинг шахсий фазилатлари диагностикаси қабул қилинади. Ҷарбий Европа мамлакатлари мутахассислари томонидан битирувчиларни тайёрлаш ягона малака мезонлари лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бироқ, бу мамлакатларнинг ўқув жараёнини ташкил қилиш анъаналари мамлакатимиз таълим анъаналаридан жиддий фарқ қиладики, бизда ўнлаб йиллар давомида мамлакатдаги барча таълим муассасалари учун умумий бўлган ўқув режалари, дастурлари ва дарсликлар таълим стандарти ролини бажариб келган. Таълим стандартлари Ўзбекистонда юзага келган воқеликни ҳамда миллий анъаналарни ҳисобга олиб яратилиши лозим.

2. Таълимнинг мазмуни ва технологиясини ўзгартиришларни тушуниш. Таълим жараёнини тартибга солиш ва исталган натижага - таълим сифатига эришиш учун уни давлат характери ва халқаро характерга эга ҳужжатлар билан тартибга солиш зарурлиги давлат таълим стандартларини жорий этиш учун жуда долзарбдир. Бундай ҳужжатларда белгиланган нормалар ва талаблар таълим жараёнининг вазирликлар ва идоралар (ҳамда уларнинг жойлардаги органлари)дан тортиб то таълим муассасалари маъмурияти, педагоглар, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналаргача барча иштирокчилари томонидан сўзсиз бажарилиши шарт бўлади.

Ўзбекистонда бу даражада кенг соҳада қўлланиладиган шундай ҳужжатлар сирасига Конституция ва қонунлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури» киради. Айни маҳалда мазкур ҳужжатлар таълим тизимида ва жараёнида юзага келадиган умумий қоидалар ва муносабатларнигина тартибга солади.

Назорат саволлар:

1. Шахс, Давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш қайси қонуний ҳужжатнинг таркибий қисмлари ҳисобланади?
2. Таълим мазмунига қўйиладиган талаблар бу?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг асоси. Тошкент, Шарқ, 1997.
5. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
6. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаҳўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
7. Ярмагов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2009.

6-Мавзу. Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳияти.

Режа:

1. Мактабгача педагогиканинг предмети ва унинг вазифалари.
2. Мактабгача тарбия педагогикасининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
3. Педагогик илмий тадқиқот методлари.

Таянч тушунчалар: мазмун, моҳият, шаклланиш, малака, ижтимоийлашув, ғоя, раванқ, тавсиф, такомиллаштириш, йўналтириш, малака, кадрлар, фаолият.

1. Мактабгача педагогиканинг предмети ва унинг вазифалари.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган таълимий ислохотлар ягона мақсад - баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш ҳамда тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, мазкур мақсаднинг тўлақонли амалга оширилиши узлуксиз таълим тизимини қайта шакллантириш, унинг мазмунини ижтимоий талабларга мувофиқ равишда янгилаш асосида таъминланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ғояларига мувофиқ асосланган кадрлар тайёрлаш миллий модели эса ўз моҳиятига кўра баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга хизмат қилади. Республика тараққиётининг асосий омилларидан бири — малакали кадрлар эканлиги борасидаги Ғоялар Президент И. А. Каримовнинг асарларида қуйидагича ёритилади: «Биз ҳаётимизнинг турли жабҳаларида, халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошириб, янгиланиш сари борар эканмиз, ушбу ислоҳотларнинг турмуш тарзимизни ижобий томонга ўзгартириши, маънавий юксалишимизга кўмак бериши ҳамда миллий Қурур ва ифтихоримизни кучайтириши кўп жиҳатдан ҳар томонлама етук кадрларга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Республикаимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан раванқ топишида, бу соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишимизда ҳам миллий кадрлар бош омиллардан бири бўлади» («Замонавий кадрлар тайёрлаш — ислоҳотлар муваффақиятининг асоси». «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 24 январ).

Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи таълим тизимига илғор Ғояларни татбиқ этиш ва шу асосда унинг мазмунини такомиллаштириш ижтимоий зарурият саналади. Ушбу жараён таълим тизимини бошқариш, уни демократик ва инсонпарварлик тамойилларига асосланишини таъминлаш ҳисобига кечади. Таълим муассасалари фаолияти ва таълим сифатини бошқаришда ижобий натижаларни кўлга киритиш малакали мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги амалий ҳаракатларнинг натижаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таълим, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ҳамда дастурининг халқнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишининг, интеллектуал салоҳиятининг ортиши ҳамда жамият тараққиёти ва раванқини таъминлашдаги аҳамиятини баҳолаб, шундай дейди: «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг гуллаб-яшнаётган, кучли демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат стратегик мақсадимизга эришишнинг асоси бўлиб хизмат қилиши лозим».

Таълим соҳасида аниқ мақсад сари йўналтирилган сиёсатнинг амалга оширилиши жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиётидаги устувор йўналиш сифатида мантиқан Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастурининг қабул қилинишига олиб келди.

Инсонни ҳар тамонлама баркамол этиб тарбиялаш, халқимизнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз маърифат, маънавият ва маданият қандай қилиб ёш авлодга ўргатиш – уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-

қоидаларини муттасил излаганлар. Бу эса педагогика фанини майдонга келишига сабаб бўлган. Чунки инсонни маърифатли ва маънавий комилликка эришиши педагогика фанининг етакчилигида амалга оширилади.

2.Мақтабгача тарбия педагогикасининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Педагогика - грекча сўз бўлиб, «бола етакловчи» - маъносини билдиради. Инсонларни маърифий ва маънавий баркамолликка муносабатларни ўзгартириб бориши натижасида педагогика фани халқ орасида ўз мавқеига эга бўлди. Шу тариқа инсонни тарбияловчи фан сифатида педагогика дунёвий фанлар тизими қаторидан алоҳида ўрин эгаллаган. Унинг бош масаласи тарбиядир. Бундан уч минг йиллар илгари Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилгани ҳолда, унинг ибодатхоналари қошида мактаблар ташкил этилиб, қоҳинлар томонидан болаларнинг таълим-тарбия тизими ишлаб чиқилган. Бу таълим-тарбия тизими қўйидаги тартибда амалга оширилган: диний ва ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишга ўргатиш.

Ота-боболаримиз азал-азалдан бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлар. Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, аз-Замахшарий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид – Чўлпон, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий сингари улуғ олиму адиблар, фозилу-фузалолар таълим-тарбия борасида кўп асарлар битганлар. Шарқ педагогикасининг асосчилари Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асари, Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб»и, Кайковуснинг «Қобуснома»си каби асарлар бунга далилдир.

Мазкур таълимий асарларда инсон шахсини маънавий камолга етказиш юксак хулқ-одоб, илм-фанни эгаллаш асосидагина амалга ошириш мумкин, деган ғоя илгари сурилган. Ҳақиқий билимга асосланган таълимий услуб шаклланади, натижада таълим-тарбия олимлар диққат марказида бўлди.

Фаробий таълим-тарбияга бағишланган асарларида инсон такомилида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усул ва услублари ҳақида фикр юритилган. «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт саодатга эришув тўғрисида», «Илмларнинг келиб чиқиши» каби маорифий асарларида олимнинг тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Абу Райҳон Берунийнинг билимларни эгаллаш йўллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Ўқувчига билим беришда уларни зериктирмаслик, узвийлик, изчиллик ва ҳоказоларни эътиборга олиш кераклигини уқтиради. Беруний инсон камолотида уч нарса муҳимлигини

таъкидлайди. Бу ҳозирги замон педагогикасида эътироф этилувчи ирсият, муҳит ва тарбиядир.

Ибн Сино инсонларни камолотга эришишининг биринчи мезони саналган билим эгаллашга даъват этади. Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, улар етук бўлмаган кишилар дейди. Ибн Сино билим олишда болаларни енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш, олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши, билим беришда болани қизиқиши ва қобилиятларини ҳисобга олиш, ўқитишни жисмоний машқлар билан олиб бориш кераклигини уқтиради.

Педагогик фикрни ривожланишида рус педагоги К.Д.Ушинскийнинг педагогик, назарий қарашлари «Инсон тарбия предмети сифатида» деган мукамал асарида баён қилиб берилган. «Она тили», «Болалар дунёси» китоблари барчага яхши маълум бўлиб, у таълимнинг кўргазмалилиги, онгли ва узвий олиб бориш масалаларини ишлаб чиқди.

Педагогика фан сифатида ривожланишида чех педагоги, олими Ян Амос Коменский (1592-1670)нинг ҳиссаси катта бўлди. Унинг «Буюк дидактика» асари ҳақли равишда педагогика соҳасида яратилган биринчи илмий асар ҳисобланади. Ундан ташқари «Оналар мактаби» деган мактабгача тарбия қўлланмаси ва бир қанча китоблари диққатга сазовордир. Коменский ўзининг педагогик назариясида тарбиянинг табиатга уйғун бўлиши тўғрисидаги тушунчани илгари суради. Педагог болани тарбиялаганда, боғбон дарахтнинг биологик ўсиш қонуниятини ҳисобга олгани каби, ундаги табиий билиш хусусиятларини ҳисобга олиши шарт, дейди. Коменский ўқишга ҳамманинг тортилишини, ҳамма умумтаълим олиши кераклигини уқтиради.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганига қадар ҳам биз мактабгача тарбия тўғрисида фикр юритиб келганмиз. Бугун эса бу масалага янгича ёндашмоқдамиз. Зеро дастуримиз талабларига асосан мактабгача таълим тури – болани мактабга тайёрлаш билан бирга, уни соғлом бўлиб ўсишини таъминлайди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг янги тармоғи шаклланиб бормоқда. Мисол тариқасида оилавий таълимнинг кўринишларидан бири «Хонадон боғчаси», «Болалар боғчаси, бошланғич мактаб» мажмуаларини келтириш мумкин. Болаларга хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлигини ўргатувчи гуруҳлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мактабгача ёшдаги

фарзандларимизни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида тарбиялаш учун шарт-шароит яратмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси мактабгача таълимга бағишланади. Мактабгача таълим шахсни соғлом ва етук қилиб тарбиялаб, мактаб таълимига тайёрлайди. Бу таълим 6-7 ёшгача оилада, болалар боғчасида олиб борилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Соғлом авлод» давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишга йўналтириш мақсадида «Учинчи минг йиликнинг боласи» таянч дастури яратилди. «Учинчи минг йиликнинг боласи» таянч дастурида болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш жараёнини қуйидаги уч йўналишда амалга оширилиши лозим:

1. Болаларни жисмоний ривожлантириш.
2. Болаларни нутқи ва тафаккурини ривожлантириш.
3. Болаларни маънан ривожлантириш.

2008 йил 28-сентябрда ХТБ хайъат йигилишининг 10/4 қарори билан такомиллаштирилган мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган Давлат талаблари тасдиқланди. Бу Давлат талабларини амалиётга жорий этиш зарурати “Болажон” таянч дастурини ишлаб чиқишга сабаб бўлди.


Янги такомиллаштирилган таянч дастури мактабгача ёшдаги болаларга 4 ёналишда таълим тарбия бериш мақсадини кўзда тутган:

1. Жисмоний ривожлантириш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена.
2. Ижтимоий хиссий ривожлантириш.
3. Нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш.
4. Билиш жараёни, атроф-олам тўғрисидаги тасаввурларга эга бўлиш ва уни англаш.

Мактабгача таълим педагогикаси ижтимоий тарбия тажрибасини синчковлик билан ўрганди. Бу эса мактабгача таълим муассасалари ишини такомиллаштиришга ёрдам беради. Қуйидаги схемада мактабгача таълим педагогикасининг предмети кўрсатиб ўтилган:



Бола туғилган кундан бошлаб, уни мактабга боргунга қадар бўлган даврда ҳар томонлама етук баркамол этиб тарбиялаш қонуниятларини ўрганиш мактабгача таълим педагогикасининг мувзудидир. У мактабгача таълим муассасалари ва оиланинг тарбиявий таъсир кўрсатиши бирлигини, мактабгача таълим муассасаси ва мактаб ишидаги алоқадорликни, болаларни мактабда ўқишга тайёрлашни таъминлаб, ижтимоий мактабгача тарбия шароитида тарбия ва таълим бериш ишларининг вазифаларини, тамойилларини, мазмунини, методларини, шаклларини ва уни ташкил этишни ишлаб чиқди. Мақтабгача таълим педагогикаси педагогика фанлар тизимида унинг ажралмас қисми бўлиб шаклланди.



Мактабгача таълим педагогикасининг назарияси ва амалиёти мактабгача ёшдаги болаларга ҳар томонлама тарбия беришнинг мақсади, боланинг имкониятлари ва уни илк ёшдан бошлаб тарбиялашнинг роли, мактабгача тарбияни ҳаёт, замон билан боғлаб олиб боришнинг зарурлиги, бола шахсининг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятига асосланади.

Педагогика фани тарбияни педагогик ходиса сифатида ўрганиб, бир қатор тушунчаларни ўз ичига олади. Педагогикада тарбия, таълим, маълумот асосий тушунчалар ҳисобланади. Мактабгача таълим педагогикаси жамият ва инсонни ўрганувчи фанлар билан чамбарчас боғланган. Педагогика ижтимоий ҳодиса сифатида тарбияни ўрганар экан, социология, анатомия, физиология, психология, умумий педагогика фанлари, фалсафа билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки мазкур фанлар тарбиянинг мақсади ва вазифаларини ўрганиш методологиясини белгилайди. Жамият тўғрисидаги материалистик фалсафа тарбия масаласига асосланган ҳолда ёндашиш имконини беради. **Тарихий материализм** педагогика тарбиянинг синфий моҳиятини очиб бериш, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ижтимоий ходиса эканлигини, жамият ҳаётида ва киши шахсининг ривожланишида тарбиянинг ролини баҳолашга ёрдам беради. Дидактик масалаларни ишлаб чиқишда педагогика билиш назариясига суянади, ахлоқий тарбия масалаларини ўргатишда педагогика этиканинг ахлоқ тўғрисидаги таълимотига, эстетик тарбиянинг мақсадини, йўлларини, методларини

белгилашда этика фанига асосланади. **Этика** ахлоқни назарий жиҳатдан асослаб, ёш авлодни, унинг ахлоқий тарбияси муаммоларини, инсон шахсини шакллантиришда ахлоқий ғоялар ролини тушунишни чуқурлаштиради.


Эстетика – инсонларни воқеликка, санъатга эстетик муносабатларни ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганади, нафосат тарбиясининг илмий асоси бўлиб хизмат қилади. **Физиология** педагогиканинг табиий-илмий базаси бўлиб, у биринчи навбатда инсон олий нерв фаолиятининг ривожланиши, нерв системасининг хусусиятлари, сезги органлари, таянч-ҳаракат аппарати, юрак-томир ва нафас олиш системалари ва шу кабиларнинг ривожланиши ҳақидаги маълумотларга таянади. Ҳозирги замон физиологияси энг муҳим педагогик муаммоларни тўғри ҳал этишда: бола ривожланишига, унинг қобилиятларини шакллантиришга муҳит, ирсият ва тарбиянинг таъсири ва шу сингариларни бегилашда педагогикага ёрдам беради. Ўсиб бораётган организм тузилишининг ва ҳаракат қилиш қонуниятларининг асосий тамойилларини очиб берувчи ёш физиологияси таълим-тарбия бериш масалаларини ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эга. Физиологиянинг олий нерв фаолияти, нерв системасининг типологик хусусиятлари тўғрисидаги хулосаларни педагогикага ўқув-тарбия жараёни методикасини ишлаб чиқишда, болалар фаолиятлари учун яхшироқ шароитлар яратишда ёрдам беради.

3. Педагогик илмий тадқиқот методлари. Мактабгача педагогика бола тарбиясида унинг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиб боради. Шу боис педагогика учун педагогик психологиянинг бола хусусиятлари, уларда ўтадиган психик жараёнларининг қонуниятлари ҳақидаги маълумотлар муҳимдир. Шунга кўра педагогиканинг психологик фани билан боғлиқлиги анъанавий тус олган.



Ҳозирги замон педагогикаси кўп тармоқли фан бўлиб, аввало у тарбия ижтимоий ҳодиса эканлиги жиҳатидан педагогика тарихи билан боғланади. Педагогиканинг бошқа фанлар билан боғланиш тизимида этнография, халқ педагогикаси алоҳида ўрин тутади.

Умумий педагогика гуруҳи – узлуксиз таълим жараёнининг ўзига хослигини асослаб берувчи – оила педагогикаси, мактабгача педагогика, мактаб педагогикаси, касб-ҳунар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси, махсус педагогика деган тармоқларга бўлинган.



Педагогик фанлар мажмуи

Мактабгача педагогика ўз тадқиқот объектига ва тадқиқот методларига эга. Илмий тадқиқот барча фанлар каби мактабгача педагогика фанини ҳам ривожланиб боришига, айрим педагогик ҳодисаларни такомиллаштиришга, уларни тўғри ҳал этиш йўллари аниқлашга ёрдам беради.

Адабиётлар билан ишлаш методи.

Педагогик муаммоларни тадқиқ этиш адабиётларни ўрганишдан бошланади. Ўрганилган ҳужжатлар ва манбаларга халқ маорифига алоқадор ҳужжатлар, қонуншуносликка оид ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Шу билан бирга педагогика фанига оид булган тарихий педагогик адабиётлар, дарсликлар, ўқув-методик ишланмалар ҳам киради. Адабиётларни ўрганиш методи муаммоларининг қай томонлама яхши очилган, қайси масалаларни ҳал этилмагани кабиларни билиш имкониятини беради. Адабий манбалар билан ишлаш қуйидаги методлардан фойдаланишни назарда тутади: библиография тузиш, аннотатсия, конспектлаштириш.

Илгор тажрибаларни ўрганиш методи.

Мактабгача педагогиканинг кўпгина муаммоларини ҳал этишда таълим-тарбия соҳасида орттирилган тажрибалар муҳим аҳамият касб этади.

Тажрибани ўрганиш жараёнидаги муаммо, ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Педагогик тажрибаларни ўрганишда кузатиш, анкеталаштириш, тарбиячи ва болаларнинг ижодий ишлари, педагогик ҳужжатларни ўрганиш методларидан фойдаланилади.

Кузатиш методи.

Маълум бир педагогик ходисани бирор мақсадни кўзлаб мунтазам равишда ўрганиш, таълим-тарбия жараёнининг турли шароитларида унинг ривожланиши ва ўзгаришини кузатиб боришдир. Кузатишдан асосий мақсад фактлар тўплаш, унинг муҳим томонларини ажратиб боришдир. Кузатиш белгиланган аниқ режа асосида олиб борилади.

Сухбат методи.

Сухбат аниқланиши керак бўлган масалаларни ойдинлаштириб олиш мақсадида, олдиндан тузилган режа асосида ўтказилади. Сухбат яқка тартибда, ҳамда жамоа тарзида бўлиши мумкин. Сухбат болалар ҳаётининг у ёки бу воқеа ходисалари тўғрисидаги қизиқишларини, тасаввурларини аниқлаб олишга ёрдам беради. Сухбат ёшлар билан ҳам, катта ёшдаги кишилар билан ҳам ўтказилади.

Анкета йўли билан сўраш методи.

Анкета йўли билан сўраш методининг бошқа методлардан афзаллиги шундаки, қисқа вақт ичида анкета орқали анчагина кишиларга саволлар бериб, улардан ёзма жавоблар олиш мумкин. Олинган жавоблар кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади.

Ҳужжатларни ва болаларни ишларини ўрганиш методи.

Педагогик ҳужжатларни ўрганиш орқали тадқиқотчи ўрганилаётган объект тўғрисида ҳар хил маълумотларни билиб олади. Бунга МТМ мудирлари, тарбиячиларнинг режалари ва ҳисоботлари, МТМ тарбияланувчиларининг расмлари, лойдан ясаган буюмлари ва шу кабилар қиради. Масалан: боланинг анча илгари чизган расмларини қараб чиқиш, таҳлил қилиш, болаларга берилган топшириқларни қай даражада мураккаблашиб борганини, уларда тасвирлаш фаолияти қандай ривожланиб борганини аниқлашга ҳамда улар билан олиб бориладиган кейинги ишларни белгилашга ёрдам беради.

Назорат саволлари:

1. Мактабгача таълим педагогикаси ... бу?
2. Педагог кадрлар тайёрлаш сифати қандай олиб борилади ?
3. Мактабгача тарбия педагогикаси қайси фанлар билан боғлиқ?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зуфаров Ш. Инновация – педагогика коллежлари таълим жараёни самарадорлиги омили сифатида. // Педагогика коллежлари таълим жараёнини такомиллаштириш муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2009 йил 29 апрель. – Т., 2009.
2. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
3. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
4. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтажўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.

7-Мавзу. Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари

Режа:

1. Педагог ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўллари, усул ва услубларни, ўқитиш шакллари, метод ва вазиятларни излаш.
2. Замонавий педагогик технологияга суяниб, ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш.

Таянч тушунчалар: усул, технология, бошқарув, педагог, муаммо, муҳокама, кузатув, назорат, муносабат, самарадорлик, назария, замонавий, вазият.

1. Педагог ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўллари, усул ва услубларни, ўқитиш шакллари, метод ва вазиятларни излаш. Жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган мазкур концептуал модел тарихий ҳамда мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги тажрибаси, шунингдек, ривожланган демократик мамлакатларнинг таълим соҳасидаги ютуқ ва тажрибаларини эътиборга олган ҳолда лойиҳалаштирилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (КТМД) ва Кадрлар тайёрлаш миллий модели (КТММ) ғояларининг амалга оширилиши эркин фикрловчи, ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой, миллий истиқлол ғояларига содиқ ва юксак касб маҳоратига эга бўлган Шахс -фуқаронинг шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириши лозим.

Таълим сифатини бошқариш ва назорат қилиш тизими, умуман, узлуксиз таълим тизимини бошқаришни шакллантириш ҳамда уни амалга ошириш давлат таълим сиёсати, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури (4.6 ва 4.7-бандлар)нинг устувор йўналишларидан бири, илмий изланишларнинг мустақил йирик йўналиши ва илм-фаннинг долзарб

вазифасидир. Ҳозирги пайтга келиб бу соҳада қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилган:

■ узлуксиз таълим тизими, давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг таркибий тузилишида туб ўзгаришлар амалга оширилди, шунингдек, улар давлат ташаббуси ва кафолатлари асосида изчил ривожлантирилди;

➤ «Таълим тўғрисида»ги Қонун (IV бўлим, 25—29-моддалар)га мувофиқ равишда барча бўқинлардаги узлуксиз таълим тизимини бошқариш органларининг ваколат доиралари белгилаб қўйилиши таъминланди;

➤ кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш давом этмоқда;

➤ таълим муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва таълим жараёнини ташкил қилиш борасидаги мустақиллиги ва ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда;

➤ таълим муассасаларида таълим соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун аттестатсия ўтказилиши жорий этилди;

➤ таълим органларидан мустақил бўлган давлат таълим сифати назорати хизмати - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тест маркази қошида Таълим муассасалари Педагог ходимлар сифати назорати, аттестатсиясидан ўтказиш ҳамда таълим муассасалари бошқармаси ташкил этилди;

➤ мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқболдаги ва узлуксизлик ҳамда узвийлик талабларига жавоб бера оладиган давлат таълим стандартлари (ДТС) — жорий этилди ва улар тобора такомиллашиб бормоқда, шу билан бирга, улар асосида янги мазмундаги касбий-таълимий дастурлар амалиётга татбиқ этилмоқда;

➤ амонавий педагогик ва ахборот технологиялари кенг оммалашмоқда;

➤ таълим муассасалари фаолияти, педагог кадрлар тайёрлаш сифати, шунингдек, ўқувчиларнинг билимларини рейтинг асосида баҳолаш тизими жорий этилди;

➤ кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилишнинг давлат ва жамоатчилик шакллари ривожлантирилмоқда;

➤ таълим муассасаларини жамоатчилик асосида бошқаришнинг самарали тизимини барпо этиш, хусусан, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимиятлар, маҳаллалар, ишбилармон доиралар, жамоат ташкилотлари ва жамқармаларнинг вакиллари ҳамда ҳомийларни жалб этган ҳолда фаолият кўрсатадиган васийлик ва кузатув кенгашлари ташкил этилди;

➤ олий таълим муассасаларига абитуриентларни саралаб қабул қилиш, таълим муассасалари битирувчиларини якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тизими такомиллаштирилмоқда.

КТМДни амалга оширишнинг ниҳоясига етган биринчи босқичи стратегик йўналишдаги масалаларни ҳал қилган ва унда тактик йўналишдаги айрим камчиликларга йўл қўйилган бўлса, иккинчи босқичдаги вазифа таълим сифатини таъминловчи жараёни такомиллаштириш борасида изчил амалий фаолиятни ташкил этишидан иборат.

КТМД ва КТММнинг бош мақсади ва вазифалари — Баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш, кадрлар тайёрлашнинг юқори сифати ва уларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлашга қаратилган чоратадбирларни амалиётга татбиқ этиш, ушбу жараён механизминини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш иккинчи босқичнинг ўзига хос жиҳатларидандир. Мазкур вазифанинг ечимини таъминлаш, унинг муҳлатлари, ижрочилари, молиявий ва ресурслар таъминотинини тўла акс эттиришни тақозо этади.

Таълим жараёнининг барча катнашчилари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни қарор топтириш ва ҳақиқий ҳамкорлик тамойилларига амал қилинишига эришиши зарур бўлиб, бу таълим сифатини юксалтириш ва кадрлар тайёрлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, жамият тараққиётида малакали кадрларнинг тутган ўрни ва ролини чуқур англаб етиш имконинини беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва модели таълимнинг зарур сифатига эришишда мазкур муаммони тизимли — бошқарувнинг давлат ва жамиятдан тортиб, педагог ҳамда ўқувчигача бўлган барча субъектларининг ўзаро алоқада ва, айни пайтда, бирдай масъул бўлган ҳолда ҳал этиш талаб этилади.

Узлуксиз таълим тизими(УТТ)ни ва таълим сифатинини бошқариш соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида КТМДнинг ечими самарали амалга оширилиши билан белгиланадиган қатор муаммолар аниқланганлигини қайд қилиб ўтиш жоиздир. Бундан ташқари, КТМДни амалга ошириш йилларида тўпланган тажриба ва мавжуд муаммолар таҳлили асосида таълим сифатинини бошқариш масалалари билан боғлиқ тарқоқ илмий тадқиқотлар ва амалий натижаларни синтез қилиш, УТТ ривожланишининг ижобий натижаларини аниқлаш ҳамда ушбу жараёнга нисбатан янгича ёндашиб, бойитиш вақти келди. Мавжуд муаммоларни пухта асосланган назарий қоида, ташкилий-амалий тадбир ҳамда самарали механизмлар ёрдамидагина ҳал қилиш мумкин.

Бироқ, ушбу ўринда мавҳум концептуал қоидалар, таълим сифатинини бошқаришнинг назарий моделини яратишни мазкур фаолиятнинг бош

мақсади, деб ҳисобламаслик даркор. Илмий тадқиқот ва амалий фаолиятнинг асосий мақсади - ижтимоий-педагогик жараёнларда йиқилиб қолган турли муаммоларни ҳал қилишдан, уни бошқаришда вужудга келган назарий ва амалий янгиликларни, синов натижаларини эътиборга олган ҳолда, ҳаётга татбиқ этишдан, таълим сифатини бошқариш самарадорлигини юксалтиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Муаммоли таълимнинг асосини **муаммо** (юн. “тўсиқ”, “қийинчилик”) ёки **муаммоли вазият** ташкил этиб, муаммоли ТТ уларнинг ечимини топишга хизмат қилади. Кўп ҳолатларда муаммо ва муаммоли вазият синонимлардек қабул қилинади. Аслида эса улар бир-биридан фарқ қилади.

Муаммо (юнон. “тўсиқ”, “қийинчилик”, араб. “жумбокли”, “сирли”, “тушунилиши қийин”) – ҳал қилиниши муҳим

Моҳиятига кўра муаммо уни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш, уни ҳал этишда аҳамиятли, самарали бўлган йўл, метод ва воситаларни излаш, уларнинг самарали эканлигини асословчи далилларни тўплаш, далилларни янгича, янги таҳлитда изоҳлаш асосида ҳал қилинади.

Педагогика соҳасида кўп ҳолатларда “муаммо” тушунчаси ташкилий-педагогик, психологик, таълимий ва тарбиявий масалаларни ҳал қилишда қўлланилади. Соҳа нуқтаи назардан педагогик жараёнда қуйидаги характердаги муаммоларга мурожаат қилинади:

- дидактик характердаги муаммо;
- амалий характердаги муаммо;
- илмий-методик характердаги муаммо;
- соф илмий характердаги муаммо

Маълум билимлар, номаълум билимлар ва мавжуд тажриба муаммонинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади.

Педагогик муаммо – ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала


Таълим жараёнида муаммони қўйиш бир неча сатҳда кечади.

Муаммони қўйиш даражалари

Даражалар	Муаммони қўйиш моҳияти
1-даража	Ўқитувчи муаммони қўяди ва талабаларни уни ҳал қилишга йўналтиради
2-даража	Ўқитувчи муаммоли вазиятни баён қилади ва

	талабаларнинг ўзлари мустақил равишда муаммони шакллантиради
3-даража	Ўқитувчи муаммони кўрсатиб бермайди, балки унга талабаларни рўпара қилади. Талабалар муаммони англаган ҳолда уни ўзлари шакллантириб, муаммони ечиш усуллари таҳлил қилади

Таълим жараёнида масалани қўйишда мавжуд шарт-шароитларни аниқлашда муаммо фундаментал асос сифатида намоён бўлади. Ўқув материаллари мазмунини ўзлаштиришда муаммонинг қўйилиши ва ҳал этилиши қуйидаги босқичларда кечади:



Режалаштириш, ташкил этиш, раҳбарлик ва назорат қилиш ҳокимият муносабатларини амалга ошириши туфайли бошқарув иши деб ҳисобланади.

Самарадорлик тушунчаси, гарчи ижтимоий муносабатлар жараёнида кўп қўлланилсада, бошқарув назариясида энг кам ишланган тушунчалардан биридир. Самарадорликнинг умумий назарияси мавжуд бўлмаганлиги боис ушбу йўналишдаги барча уринишлар ҳозирча кутилган натижага олиб келмади. Фаолиятнинг турли соҳаларида самарадорликнинг ўз хусусий кўрсаткичларидан фойдаланилади. Аммо таълимда бугунги кунда бундай кўрсаткичлар йўқ. Шунга карамай, самарадорлик тушунчаси сифатга йўналтиришда жуда муҳим ва фойдалидир. Вазифанинг бутун мураккаблигини англаган ҳолда, бошқарув самарадорлиги нима эканлигини аниқлашга уриниб кўрамиз.

Самарадорлик ҳақида гапиришдан олдин фаолият унумдорлиги тушунчасини киритамиз. Ўар қандай фаолият озми-кўпми унумли бўлади. Унумдорлик - бу қандайдир вақт ичида олинган натижаларнинг фойдалилиги ва у билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи фаолият хусусияти демакдир.

Унумдорликдан кўпинча бошқарув самарадорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Гарчи фаолият унумдорлиги билан бошқарув самарадорлиги бир-бирига боғлиқлиги шубҳасиз бўлсада, бироқ улар битта нарса эмас. Таълимнинг бошқа таълим муассасасига нисбатан юқорироқ натижалари ушбу таълим муассасасида бошқарув сифати юқори бўлишидан ҳар доим ҳам далолат беравермайди.

Масалан, таълим муассасаси ажойиб моддий базага эга бўлса, молиялаштиришнинг қўшимча манбалари ҳисобига ўқитувчиларга бошқа таълим муассасаларидагига нисбатан юқорироқ иш ҳақи тўлай олса, ушбу барча неъматлардан маҳрум бўлган оддий таълим муассасасидагига қараганда таълим сифати юқорироқ бўлишини таъминлаши мумкин. Лекин масала ҳар бир таълим муассасаси ўзида мавжуд имкониятлардан нечоғли яхши фойдаланаётганлигидадир.

Бошқарув сифатини баҳолаш айнан шу саволга бериладиган жавобга боқлик. Бошқарув ўз вазифасига кўра фойдали натижа олиш учун имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаши керак. Ушбу вазифани қанчалик яхши удаласа, у шунчалик самарадор бўлади.

Бошқарув самарадорлиги деганда эришилган ва эришиш мумкин бўлган унумдорлик ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи хусусиятни тушунамиз.

Бундай таърифни фаолият кўрсатишни бошқаришга нисбатан ҳам, ривожланишни бошқаришга нисбатан ҳам ишлатса бўлади. Лекин бу ҳолатларнинг ҳар бирида турли натижалар ва турли харажатлар ҳисобга олиниши керак. Таълим муассасаси ўзи учун таълим сифати иложи борича юқори даражада бўлишини таъминлай олади (бу юқори самарадорлик ҳамда фаолият юритишни бошқаришдан далолат бериши мумкин), аммо айни пайтда у янгиликларни ўзлаштириш ва ўзининг салоҳиятини кучайтириш учун объектив тарзда таълимнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланмаслиги мумкин. Бу таълим муассасасини ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги пастлигидан далолат беради.

Таълим сифати - бу таълим жараёнининг жамиятдаги ҳолати ва натижадорлигини, унинг шахснинг фуқаролик, турмуш ва касб соҳаларидаги билимдонлигини ривожлантиришдан жамият (турли ижтимоий гуруҳлар) эҳтиёжлари ва кутган натижаларига мувофиқлигини белгиловчи ижтимоий

категория демакдир.

Таълим сифати таълим олувчи ёшларнинг хабардорлигини ривожлантиришни таъминлайдиган таълим фаолиятининг турли жиҳатларини, ўқитиш мазмуни, шакллари ва методларини, моддий-техника базасини, кадрлар таркибини ва ҳ.к. тавсифловчи кўрсаткичлар йиғиндиси билан белгиланади.

«Билимдонлик» («хабардорлик») термини менежментда кенг қўлланилади. Аммо уни таълим тизимида ишлатиш у қадар оммалашмаган. Ўқувчилар ва талабаларга нимани бериш мақсад қилиб қўйилганлигини аниқлаш учун кўпинча билим, кадрият ёки ишонч ва эътиқод тушунчаларидан фойдаланиб келинган (ҳозир ҳам шулардан фойдаланилмоқда).

Билимдонлик (хабардорлик) тушунчаси билим эмас, балки маҳорат соҳасига тааллуқлилиги аёндек туюлади. Билимдонлик - бу таълим олиш туфайли эгалланган билимларга, тажрибага, майлларга асосланган умумий қобилият. Билимдонлик билимларга ҳам, кўникмаларга ҳам таянмайди, билимдон бўлиш - олим ёки маълумотли бўлишни билдирмайди.

Инсон хатти-ҳаракатининг чексиз ранг-баранг ҳаётий вазиятларга мослаштирилиши умумий қобилият-шахсий ҳаётда эгалланган билим ва орттирилган тажрибани умумий тарихга мос тушадиган вазиятда қўллашни назарда тутаяди.

Бундан ташқари, билимдонлик билан маҳоратни бир-биридан фарқлай билиш керак.

Маҳорат - бу муайян вазиятда ўзига хос ҳаракат қилиш демакдир. Бу билимдонлик ёки қобилиятнинг, ишга янада умумийроқ тайёргарлик кўрилганликнинг ёки ўзига хос вазиятда иш бажариш имкониятининг қарор топишидир. Бироқ маҳоратни кузатса бўлади, билимдонлик эса иш ва маҳоратни кузатиш орқали билинадиган хусусиятдир.

Шундай қилиб, маҳорат ҳаракатдаги билимдонлик сифатида ифода топади. Билимдонликни маҳорат, ҳаракат келтириб чиқаради.

Билимдонликка билим билан вазият ўртасида алоқа ўрнатиш имконияти, кенг маънода олганда эса, муаммога мос бўлган жараённи (билим ва ҳаракатни) топиш қобилияти сифатида қараш мумкин.

Ўар қандай ҳолатда ҳам билимдонлик тушунчасини ҳаддан ташқари соддалаштиришдан огоҳ бўлмоқ лозим.

Маҳоратни кузатиш субъектлар вазиятларга бахш этадиган мазмунни, улар амалга оширадиган талқинни инкор этолмайди.

Билим ва иш ўртасидаги муносабат масаласи таълим ва педагогиканинг бутун тарихи орқали кечади. Масалан, тарих йўл-йўриқ ва предметлар бўйича билим беришга йўналтирилган таълим муассасасининг ўқувчиларни ишга

тайёрлашга аниқроқ қилиб айтганда, уларни ҳаётнинг турли шароитларига ва ҳолатларига мос келиши эътироф этилган интеллектал ва амалий билимдонликни намоён этишига лаёқатсизлигини маълум даражада кўрсатди.

Таълим амалиёти, одатда, кўпроқ ўқитувчи шахсига, ўқитувчилар томонидан тайёрланган ва тақдим қилинадиган билимларни беришга, ўқувчиларнинг бунёдкорлик ва билимларни эгаллаш йўлидаги фаолиятига йўналтирилган. Янги таълим концепциялари дуч келган истиқбол ўзгаришларини амалга оширишдаги қийинчилик ишнинг бошланишида талаб этиладиган қайта қуришга қаршилик кўрсатишдан келиб чиқиши мумкин.

Қуйидагиларни муҳим ўзгаришлар сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи. Билимдонликка (ёки маҳоратга) таяниш таълимга ишлаб чиқариш оламидан кириб келган. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида ўзининг одам ресурсларини баҳолаш ва бошқариш техникасини бирмунча мукаммаллаштирди ва шакллантирди. Корхоналар олами катта рақобатга ва билимлар ҳамда технологияларнинг тез суръатлар билан ўзгаришига дуч келиб, ортиб бораётган сармояларини инсон капиталига йўналтирди. Йирик корхоналарда, менежментнинг замонавий методларига мувофиқ одам ресурсларини бошқариш бўлими доимо мавжуд.

Иккинчиси. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилаётган таълимни ислоҳ қилиш таълим мазмунини замонавийлаштириш ва таълим-касб-ҳунар дастурларини билимлар тараққиёти билан мувофиқ ҳолга келтириш жиҳатидан айниқса муҳимдир.

Устувор йўналишларни аниқлаш жараёни зарур ва у таълим фанлари ўртасидаги рақобатдан юқори туриши керак.

Учинчиси. Янги билимлар вужудга келишининг жадаллашиши ва айримларининг эскириши эндиликда бир қанча авлодлар тажрибасига мос тушмоқда ва кишилар ушбу тамойилнинг узлуксизлиги истиқболлилигига кенг қўламда кўника бошладилар. Келгуси авлодлар ҳозиргиларга қараганда кўпроқ, яъни бутун умр ўқиши керак, деган ишонч мустаҳкамланиб бормоқда. Бошланғич тайёргарлик ҳар бир инсонни қобилиятли қилиши ва шундай бўлишини истайдиган қилиши борасида талаб кучайиб бормоқда. Бу кадрлар тайёрлаш миллий дастури ғоялари ва қоидалари билан тасдиқланган.

Умумтаълим тайёргарлиги, таълимнинг маданиятни таркиб топтирувчи функциясини амалга оширишнинг устуворлиги - бу бугунги ва эртанги кун стратегияси, «ўқишни ўрганиш» ва «бутун умр бўйи таълим олиш» каби принципларни амалга ошириш демакдир. Айрим шароитларда касбий фаолият, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт каби, бир маҳаллар озчиликнинг чекига тушган интеллектуал иш воситаларини кўпроқ эгаллашни муайян

тарзда тақозо этади.

Тўртинчиси. Таълим тизимида амалиётда юз бераётган ўзгаришлар суръатининг қониқарсизлиги таълим тизимларини бошқариш ва уларни тартибга солиш усуллари секин ўзгараётганлигидан келиб чиқади. Бунда кўйилган мақсадлар билан бошқарув усуллари ўртасида муайян қарама-қаршилиқни кўриш мумкин. Кундалиқ бошқариш ва тартибга солиш шакллари даражасида қоидаларига нисбатан мақсадларга; ўқитувчиларга нисбатан ўқувчиларга камроқ эътибор берилади. Шу нуқтаи назардан олганда, ўқув дастурлари билан юз берган ҳодиса ибратлидир. Бу ўқитувчиларнинг ўқитишга доир фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш воситаси бўлиб, бюрократик кўрсатмалар ва тавсияларга айланиб кетиш тамойилига эга. Уларнинг бажарилишини текшириш мумкин бўлиб, нормал таълим фаолияти давомида (ўқитувчи ўз дастурини бажарган-бажармагани, ўқувчилар тушунча ва билимларга эга бўлган-бўлмагани) текшириб борилади.

Зарур ва исталган деб топилган билимдонлик рўйхати чексиз ортиб боради ҳамда ҳаёт учун зарур деб ҳисобланаётган билимлар каби кадрсизланади, деган хавф мавжуд. Бунда умумий билимдонлик ҳақида хулоса чиқариш учун бир неча далиллар ёки натижаларни аниқлашнинг ўзи етарли эмас.

Таълим муассасалари ҳозирги шароитда ижтимоий-иқтисодий вазиятни, таълим тизимини ривожлантиришдаги ишнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда ёш авлодни қуроллантириши лозим бўлган энг маъқул билимдонликни аниқлаши лозим. Бизнингча, қуйидагиларни шундай билимдонлик сирасига киритиш мумкин:

1. Сиёсий ва ижтимоий билимдонлик - бу масъулиятни ўз зимасига олишга, қарорларни биргаликда қабул қилишда иштирок этишга, низоларни зўравонликсиз ҳал қилишга, демократик институтларнинг фаолият юритиши ва уларни яхшилашда қатнашишга қодирлик.

2. Кўп маданиятли жамият ҳаётига тааллуқли билимдонлик. Ирқчилик ёки ксенофобиянинг вужудга келишига, тоқатсизлик муҳити тарқалишига тўсқинлик қилиш учун таълим соҳаси ёшларни тафовутларни тушуниш, бир-бирини ҳурмат қилиш, бошқа маданиятлар, тиллар ва динларга мансуб одамлар билан бирга яшаш қобилияти каби умуммаданий билимлар билан қуроллантириши керак.

3. Оғзаки ва ёзма мулоқотни эгаллашга тааллуқли билимдонлик касбий ва ижтимоий ҳаётда шу даражада муҳимки, бундай фазилатга эга бўлмаганларга жамиятдан чиқиб кетиш хавфи туғилади. Муҳим аҳамият касб этиб бораётган бир қанча тилларни ва ахборот технологияларини эгаллаш мулоқотнинг ушбу гуруҳига киради.

4. Ахборот жамияти вужудга келиши билан боғлиқ билимдонлик. Бу - янги технологияларни эгаллаш, уларнинг қўлланилишини, кучи ва заиф томонларини англаб етиш, ОАВ каналлари орқали тарқатилаётган ахборот ва рекламага танқидий муносабатда бўлишга қодирлик демакдир.

5. Касбий жиҳатдан, шунингдек шахсий ва ижтимоий ҳаётда узлуксиз тайёргарлик кўриш негизи бўлмиш бутун умр ўқиб-ўрганиш қобилияти.

Таълим тизимларини ислоҳ қилиш сабаблари ва омиллари кейинги йилларда чоп этилган илмий ишлар туркумида батафсил ва асосли таҳлил қилинган (Р.Аҳлидинов, Р.Жўраев, У.Иноятов, Ш.Қурбонов, М.Қурононов, Х.Рашидов, Э. Сейтхалилов, Д.Шодиев, Н.Нишоналиев ва бошқалар). Бунда таълим-касб-хунар дастурлари мазмунининг қайта кўриб чиқилишини тавсифлайдиган уч йўналишни ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш ўқув дастурларидаги камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ. Бунда мақсад дастурларни зарур деб ҳисобланган янги элементлар билан тўлдиришдан иборатдир.

Аниқ фанлар соҳасида, хусусан, информатика, атроф-муҳитни ўрганиш ёки технологияларни ривожлантириш ва уларнинг таъсири билан боғлиқ билимларни киритиш бугунги кунда шу тариқа зарур деб ҳисобланмоқда.

Камчиликлар, шунингдек, гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасида ҳам аниқланмоқда. Агар ёш йигит экологик ҳуқуқий, социологик, психологик ва бошқа фанларни ўзлаштирмаса, бу қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги барчага аён дир. Тарих, адабиёт ва тил, жамиятшунослик, география, маънавият асослари каби фанлар вақти-вақти билан таълим мазмуни ва методларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо қилмоқда. Таълим тизими жавоб беришга одатланмаган масалалар, тарихий воқеалар ёки жамиятнинг ривожланиши натижасида кутилмаганда юзага келади ва тез ҳал этишни талаб қиладиган муаммоларни вужудга келтиради.

Шахсни шакллантиришда жамоанинг етакчи аҳамияти туғрисидаги фикрлар педагогика фанининг илк ривожланиш давридан оқ билдирилган.

Кишиларнинг жамиятда бирга яшаши, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаши, озчиликдан-кўпчиликнинг афзаллиги ҳақида пайғамбаримиз С.с.а.в.нинг ҳадисларида: «Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларини фақат тўғри йўлда боришликка бирлаштиради», - дейилган. Кишиларнинг бошига яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам тушганда албатта махалла, кариндош-уруғ мадаккор бўлади. Буни биз урф-одатларимизда кўришимиз мумкин. М: хашарлар, тўйга туёна билан келиш ва ҳаказо.

2. Замонавий педагогик технологияга суяниб, ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш.

Шахсни шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлган жамоа тўғрисидаги таълимот ахлоқ тарбиясида муҳим ўринни эгаллайди. Бунинг учун болаларни аста-секин, аввал бир неча кичик-кичик гуруҳларда уюштириб, сўнг биргаликда Бирон ишни бажаришга тортиш керак. Бунда қўйилган мақсад болаларга тушунарли бўлиши керак. Умумий иш ҳар бола озгина бўлса ҳам иштирок этадиган қилиб ташкил этилиши лозим. Бундай хусусиятларни тарбиялашда санъат, болалар байрамлари, биргаликдаги меҳнат ва фаолиятларнинг тутган ўрни каттадир.

Болалар ўйинлари ва меҳнатининг жамоа тусида бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Булар болаларни бирга ҳаракат қилишга, ўз интилишларини умумий мақсадга йўналтиришга, ўз ишини ва мақсадини бошқариш иши ва ҳаракатига бўйсунган ҳолда бошқаришга ўргатади.

Бола ёшлидан бошлаб, ўзида бошқалар билан, болалар жамоаси билан мулоқотда, биргаликда бўлишга эҳтиёж сезади. Аммо кичкина бола жамоани ўзи танлай олмайди. У бирон жамоага шароит тақозоси билан келиб қолади. Яшаб турган жойдаги ёки ота-онасини иш жойидаги мактабгача таълим муассасаларига қатнай бошлайди. Бу муассасаларга бола ўз хохиши билан бормайди. Шунга қарамай бола бу жамоанинг қонун-қоидаларига буйсуниши, унинг тартибларига риоя қилиши шарт. Акс ҳолда уни жамоа кечирмайди. Натижада бола ўзи яшаётган ахлоқ, одоб тажрибаларини эгаллашга мажбур бўлади. Шунинг учун буюк мутафаккир А.Навоий бола ёшлигидан оқил ва фозил кишилар жамоасида қатнашиб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишларини тавсия этади.

Рус педагоги А.С.Макаренко жамоа муносабатларининг ички жиҳатларига катта аҳамият берган. У жамоада шаклланган энг муҳим куйидаги белгиларни ажратиб кўрсатган эди:

- Доимий тетиклик, тарбияланувчиларнинг фаолиятга тайёрлиги.
- Ўз жамоаси қадриятларининг моҳиятини тушуниш, унинг учун ғурурланиш асосида ўз кадр-қийматини англаш.
- Унинг аъзолари ўртасидаги дўстона бирлик.
- Жамоанинг ҳар бир аъзосидаги дўстона бирлик.
- Тартибли, ишчан ҳаракатга йўлловчи фаоллик.
- Ўз ҳиссиёт ва сўзларини бошқара олиш кўникмаси.

Болалар ўзаро яшаётган жамоага бўлган муносабатига қараб бир неча гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ ижобий хулқли болалар бўлиб, уларни

жамоа аъзолари ҳурмат қиладилар. Бу тоифадаги болалар жамоасининг фаоллари бўлиб, тарбиячи жамоа муносабатларини ўрнатишда уларга суянади.

Иккинчи гуруҳга кирувчилар фаоллар ташаббусига қўшилади, аммо барқарор бўлишади.

Учинчи гуруҳдагилар тортинчоқ бўлиб, ўйинда қатнашмайди, машғулотларида ҳам суст бўлишади, бундай болаларга алоҳида эътибор ва ёрдам бериш зарур.

Мактабгача ёшдаги болалар тарбияланадиган ахлоқий хусусиятлар, хулқ-атвор қоидалари орасида инсонпарварлик муҳим ўрин тутади. Инсонпарварлик ҳисси ахлоқ нормалари ва қоидаларини ўргатиш асосида ривожланади.

Бунинг учун болаларни яхши ишларни қилишга ўргатиб бориш керак. Инсонпарварликни тарбиялашда болаларнинг ёшини эътиборга олиш зарур. Кичик болага яхши бўл деганингиз билан яхши бўлиб қолмайди, чунки унда яхшилик билан ёмонликни тўғри таҳлил қилиш ҳаётий тажрибаси етишмайди. Бу ёшдаги болаларни яхши ишлар қилишга ўргатилади: йиқилиб тушган болани турғазиб қўйишга ёрдам бериш, унинг устки кийимларини қоқиб қўйиш, юпатиш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш, ўйинчоғини ўртоғига бериб туриш, тик турган кишига жой кўрсатиш, энг муҳими бошқаларга кўрсатилган хизматдан хурсанд бўлишга ўргатиш.

Бу хусусиятлар соғлом шахсни тарбиялашнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Камтарлик ҳар бир кишининг энг муҳим ва олижаноб фазилатларидан биридир. Бу асосан мактаб ёшидан тарбияланади. Аммо мактабгача ёшидан бошлаб, болаларга камтарлик ҳиссини сингдириш, манманлик, такаббурлик ва мақтанчоқликни йўқотиб бориш зарур.

Мактабгача ёшдаги болалар ўзларини бошқа болалардан устун қўйишга уринадилар, баъзан ота-оналарининг касби билан ҳам мақтанадилар. Бундай ҳолатда болаларнинг ота-оналари билан тегишли иш олиб бориш, ҳар бир касбнинг зарурлиги ва муҳимлиги тўрисида аниқ мисоллар билан тушунтириш зарур. Болалар айрим ишларнинг уддасидан чиқиб, бошқа болаларни камситсалар, тарбиячи болага бирор нарсани билмаган ўртоғига ўргатиш кераклигини, ўз-ўзини мақташ ярашмаслигини тушунтиради.

Софдиллик ва ростгуйликни тарбиялаш ёлғончилик ва виждонсизлик пайдо бўлишининг олдини олиш ва унга қарши кураш билан узвий боғлиқдир.

Баъзи болалар ўзлари тўқиган, катталардан эшитган эртакларини тушларида кўргандек қилиб кўрсатишга уринадилар. Бундай ҳолда ҳам урушмасдан «Эртак» тўқишни яхши билгани учун мақташ керак.

Шундай килиб, болалардаги характернинг ижобий намуналарини, уларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ахлоқий тарбиянинг ҳамма самарали усуллари билан тарбияланиб борилса, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Ватанпарварлик ижтимоий, тарихий ва ахлоқий ҳис-туйғулар сифатида одамнинг ижтимоий тараққиёти давомида пайдо булади. Ибтидоий жамоа тузумида ватанпарварлик фақат ўз уруғдошларига, она ерига, урф-одатларига боғлиқ ҳис бўлган бўлса, синфлар пайдо бўлиши билан ватанпарварлик ғоялари чуқурлашиб, ижтимоий ҳаётнинг тобора кўпроқ соҳаларига чуқурроқ кириб борди. Даврлар ўтиши билан бу туйғу буюк қудратга айланди.

Ватанга муҳаббат – энг чуқур ижтимоий ҳислардан биридир. Бизнинг давлатимизда Ватанга муҳаббат ҳисси байналминалчилик ҳисси билан уйғунлашиб кетган. Ватанга муҳаббат ҳисси мактабгача ёшдаги болаларда катталар томонидан болаларнинг руҳий тараққиётини ва улар тафаккурининг аниқ ва образлилигини эътиборга олган ҳолда маълум изчиллик билан тарбияланиб борилади. Шунинг учун бу ёшдаги болаларда ватанга муҳаббат ҳиссини, уларга яқин ва таниш бўлган аниқ фактлар, ёрқин мисоллар орқали тарбиялаб борилади.

Бизнинг республикамиз ўз моҳияти билан байналминалдир. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болаларда байналминалчилик, халқлар дўстлиги ҳисларини тарбиялаб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мактабгача ёшдаги болаларни байналминалчилик руҳида тарбиялаш асосида бошқа миллат ва халқларга ижобий муносабат, турли халқлар ҳаётига қизиқиш ҳиссини пайдо қилиш мақсади ётади. Бундай ҳис-туйғуларни ривожлантириш асосан тақлид қилиш орқали мукамаллашиб боради. Мактабгача ёшдаги болаларга байналминалчилик ҳис-туйғулари асосини шакллантиришда қардош жумҳуриятларда яшайдиган ҳар бир миллат вакиллари билан учрашувлар ўтказиш; махсус машғулотларда уларнинг урф-одатлари, маданияти, санъати, табиати тўғрисидаги адабиётларни ўқиб бериш, суҳбат ўтказиш, расмлар кўрсатиш, диафильмлар намойиш этиш, миллат болалари ҳаёти тўғрисидаги ҳикояларни ўқиб бериш фойдали бўлади.

Болалар жамоасини шакллантириш учун маълум шарт-шароитлар зарур.

- МТМ ходимларининг аҳил жамоаси мавжуд бўлиши
- Болалар ҳаётини тўғри ташкил этиш
- Ўйинчоқларнинг болалар ёшига қизиқишига мос келиши
- Болаларда ўзаро ахиллик, ғамхурлик, жамоатчилик, инсонийликни тарбиялашга ёрдам берувчи машғулотлар
- Ҳар ҳил қизиқарли фаолиятларни ташкил этиб бориш

- Оила билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш.
- Болаларни ахлоқ нормалари ва қоидаларга ўргатиб бориш
- Болалар муассасаларида ижобий ҳайрхоҳлик муҳитини яратиш

Ҳар бир ёш гуруҳ болаларининг жамоатчилик муносабатларига раҳбарлик қилиш «МТМ таълим тарбия дастури» да белгилаб берилган. Дастурда ҳар бир ёш гуруҳи учун жамоадаги ахлоқ нормалари ва қоидалари белгиланган.

Болалар жамоасини шакллантиришда анъаналар муҳим аҳамият касб этади. Жамоа анъаналари – бу барқарорлашган одат бўлиб, уларни жамоа аъзолари бирдек кўллаб-қувватлайдилар. Жамоа аъзолари мазмунида муносабатлар хусусияти ҳамда жамоанинг ижтимоий фикри ифодаланади.

Жамоа анъаналари шартли равишда иккига бўлинади. Булар, а) кундалик фаолият анъаналари, б) байрам анъаналари.

Кундалик фаолият анъаналари болаларнинг фаолиятларини (машғулотлар, сайр, меҳнат, ўйин)ни ўз ичига олади.

Байрам анъаналарига турли воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ саналарни нишонлаш: «Наврўз» байрами, «Мустақиллик байрами», «Ҳосил» байрами ва бошқалар киради.

Анъанавий байрамлар МТМларда турлича ўтказилади. Болалар анъаналар моҳиятини англасалар, унинг таъсир кучи юқори бўлади. Юқорида билдирилган фикрлардан кўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

жамоа кишиларнинг шундай муайян гуруҳи бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, умумий мақсадни амалга оширишга йўналтирилган фаолиятни ташкил этади;

жамоани шакллантириш муайян қонуниятларга бўйсинадиган узок муддатли, мураккаб жараёндир;

жамоани шакллантириш ўзига хос методика асосида амалга оширилади. Ушбу методика доирасида жамоага нисбатан талабларнинг кўйилиши жамоа фаолини тарбиялаш масаласи алоҳида аҳамиятга эгадир.

Жамоанинг мустаҳкам бўлиши аъзолари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг қарор топишида жамоа анъаналари муҳим аҳамият касб этади.

Назорт саволлари:

1. Педагогик фаолиятда қандай касбий муаммолар юзага келадиган?
2. Педагогик фаолиятда юзага келадиган муаммоларни қандай ҳал этиш мумкин?
3. Ахборот жамияти вужудга келиши билан боғлиқ билимдонлик бу....?
4. Болалар жамоасини шакллантириш учун қандай шарт-шароитлар зарур?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зуфаров Ш. Инновация – педагогика коллежлари таълим жараёни самарадорлиги омили сифатида. // Педагогика коллежлари таълим жараёнини такомиллаштириш муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2009 йил 29 апрель. – Т., 2009.
2. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
3. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
4. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтажўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.

8-Мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларини жорий этиш.

1. Мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикаси.
2. Медиа таълимнинг асосий мазмуни.
3. Мультимедиа технологиясидан фойдаланиш методлари.
4. Мультимедиа технологияларини татбиқ этиш.

1. Мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикаси.

Мултимедиа атамасининг луғвайи маъноси (мултим-медиур ёки мулти-медиа) иккита сўз йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, муити-кўп, медиа-муҳит маъносини англатади. Атама илмий ва ўқув адабиётларида «кўп воситалилик», «мултимедия муҳити» «кўп қатламли муҳит», «маълумот ташувчи восита» каби талқин қилиниб келинмоқда³.

Ҳозирги даврда мултимедиа атамаси кўп қиррали бўлиб, турли хил тушунчаларни ифодалашга татбиқ этиб келинмоқда. Масалан, мултимедиа технологияси; мултимедиа маҳсулоти; мултимедиали компьютер; мултимедиа дастури ва бошқалар шулар жумласидандир.

«Мултимедиа» тушунчасининг адабиётларда ёритилган бир нечта таърифни келтирамиз: **«Мултимедиа – деганда турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади»⁴**, «Мултимедиа – бир вақтнинг ўзида турли кўринишдаги ахборотлардан: матн, графика, товуш ва бошқалардан фойдаланишни кўзда тутган фойдаланувчи интерфейсининг контсептсияси», «Мултимедиа бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида ахборотнинг анъанавий ва оригинал

³ Aripov M. Informatika va axborot texnologiyasi asoslari. - T.:Universitet, 2001.

⁴ Adilova S. Multimedia va ularni ta'lim jarayonida qo'llash // Pedagogika`lim-T.: TDPU, 2001. № 2. -B. 20-21

турлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган ҳолдаги кўринишидир».

Мультимедиа бу махсус технология бўлиб, дастурий ва техник моддий таъминот асосида компьютерда бир вақтнинг ўзида матнли, тасвирий ахборотни товушли ва ҳаракатли ҳолда ифодалаш имкониятидир. Мультимедиа – тасвири маълумот билан ишлашга қодир бўлган восита ҳисобланади. Одатда, мультимедиа деганда турли шаклдаги маълумотларни қайта ишловчи воситалар мажмуаси тушунилади. Мультимедиа – компьютер тизимида матн, товуш, видеотасвир ва турли аниматсияларни мужассамлаштириш имконини берувчи замонавий ахборотлар технологиясидир.

Мультимедиа мазмундан келиб чиққан ҳолда мультимедиа тушунчасининг қуйидаги таърифни келтириш мумкин:

Мультимедиа – бир нечта ахборот турларнинг компьютерда ишлов бериш натижасида ҳосил қилинган ва битта дискка жамланган ахборот йиғиндисидир.

Мультимедианинг шаклланиш босқичлари унинг асосий техник таъминоти бўлган компьютернинг ривожланиши билан боғлиқ. Мультимедиани ташкил этувчи ва уларнинг ривожланиш босқичлари қуйидагилардир:

Матн шаклидаги ташкил этувчиси. Дастлаб одамлар ёзувларни тошга ўйиб ёзгандар, қоғоз ихтиро қилинган парранда пати, қалам ва ручкалардан фойдаланиб ёзув ишларини амалга оширганлар. Кейинчалик ёзув машинаси ихтиро этилган, узок йиллар мобайнида улардан фойдаланиб келинди. Ниҳоят, компьютерларда «Матн муҳаррири» дастури ўрнатилган, ёзув ишлари компьютерда бажариладиган бўлди.

1980 йилдан бошлаб эса компакт дискларга ёзиш ва ундан фойдаланиш йўлга қўйилди, жумладан, 1982 йилда Полйграм компанияси Аудио CD ни ишлаб чиқди, SONY компанияси эса, ўша йили стандарт ёзувларни CD дискларга ёзишни тавсия этди. Натижада, CD дискларда ёзиш технологияси ривожланиб кетди. Айни бир пайтда микрофон ёрдамида нутқ ва мусиқа ёзиш ҳам шаклланди.

Видео шаклидаги ташкил этувчиларга видеотасвирлар, графикли тасвирлар, маълумот графиклари ва ҳоказолар киради. Видеотасвирлар дастлаб магнит ленталарида ёзилиб, видеомагнитофонларда намойиш этила бошланди, сўнгра видеотасвирларни ёзиш компакт дискларда амалга оширилди.

Мультимедианинг аниматсия самараси. Мультимедиани ташкил этуви ахборот турларидан бири - ахборотлага аниматсия самарасини беришидир. Бу мултипликатсион филмларда рассомнинг чизган қатор чизмалари ва расмларини тез (бир дақиқада 24 кадр тезликда) намойиш этилиши асосида содир бўлади. Ҳозирги кунда мултипликатсион филмлар компьютерда 3Д.

Флаш дастури асосида яратилмоқда. Мултимедиада эса махсус дастурлар (Power Поинт, Макромедиа Флаш, Свиш, Адобе Прмиере, Медиа Плайер, СД Плайер) орқали амалга оширилади.

1986 йилда Амида компютерида биринчи марта махсус роликда товуш билан биргаликдаги аниматсия эффекти намоёни қилиниб, мултимедианинг шаклланиши ниҳоясига етказилди ва бу йиғилишда тўлақонли мултимедиа технологияси яратилгани эътироф этилди. Шундай қилиб, мултимедиа 1986 йил расмий равишда яратилган деб ҳисобланади.

Мултимедиа технологияси. Дастлаб маълум бир соҳадаги технологик жараён мазмунини кўриб чиқамиз. Технологик жараён деганда бирор бир ҳомашё, материал ёки ахборотни маълум бир асбоб-ускуна, восита, қурилмалардан фойдаланиб, уларга ишлов бериш, ҳоссаларни ўзгатириш ва қайта ишлаш натижасида янги, сифатли маҳсулот олиш жараёни тушунилади.

Демак, ахборот технологияси моддий маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясига ўхшаш маълумотлар ёки бошланғич ахборотни йиғиш, маълумотларни қайта ишлаш, ахборот олиш, бу ахборот асосида қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчига узатиш жараёнидан иборат.

Якка тартибдаги ахборотлар – нутқ, матн, тасвир, графика, мусиқа ва аниматсия самарали компютерда ишлов берилиши натижасида битта диска жойлаштирилади ва ушбу технологик жараён натижасида мултимедиали ахборот технологияси шаклланади.

Мултимедиа технологиясининг бир нечта таърифлари мавжуд. Жумладан, мултимедиа технологияси – информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва аниматсия самарали асосида ўқув материалларни тарбияланувчиларга етказиб беришнинг мужассамлашган кўринишидаги технологиясидир. Тўла мултимедиа – матн, аудио, видео, тасвир, графика, жадваллар ва бошқа турларнинг йиғиндисидан иборат. Шунини таъкидлаш керакки, мултимедиали ахборот шакллантирилиши учун унинг камида учта элементи қатнашиши шарт. (нутқ, тасвир ва аниматсия). Масалан, радио эшиттиришида бериладиган ахборот ёки телекўрсатувларда кўрсатиладиган овозсиз тасвирлар ёки тарбиячи томонидан анъанавий метод (изоҳли-кўргазмали, бўр-доска усули) дан фойдаланиб ўрганиладиган материалларнинг баён этилиши мултимедиа технологиясидан фойдаланиш бўла олмайди⁵.

Ҳозирги даврда мултимедиа технологиясидан кўп соҳаларда. жумладан, молия, иқтисодиёт, фан, таълим, маданият, ижтимоий соҳалар, маиший

⁵ Maktabgacha ta'lim muassasalari uchun modullar T-2012 y ikkinchi nashr 126 b

соҳалар, реклама, компьютер ўйинларидан фойдаланилмоқда. Айниқса, банкларнинг операцион залларида, кўргазма ва ярмарка залларида, автосалон, саёҳат бюроси, аэропорт ва темир йўл вокзалларининг залларида реклама ахборотлари тўғрисида кенг қўламда маълумот берилади. Шунингдек, ишлаб чиқаришда, турли муассасаларда, хизмат кўрсатиш шохобчаларида, архивлаштиришда ва бошқа жойларда қўлланилади. Юқоридагилардан маълум бўлдики, медиа машғулотларни тайёрлаш, самарали ўтказиш тарбиячилардан турли профессионал лаёқат ва шахсий сифатларни талаб этади: юқори даражадаги касбий маҳоратга эга бўлиш; замонавий методик тайёргарликка эга бўлиш; бола билан мулоқотга киришиш, малакали психологик, педагогик билимларга эга бўлиш; юксак маънавий, маърифий маданиятга эга бўлиш; замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини ўзлаштириб олиш ва интернетдан фойдаланиш, таълим жараёнини замонавий педагогик технология ва интерфаол методларни жорий қилиш орқали ташкил этиш.

Бир сўз билан айтганда, таълим муассасалари малакали медиапедагогларни кутмоқда.

Аmmo бу борада бажарилиши кўзда тутилган ишлар кун тартибида долзарб бўлиб турибди:

- таълим муассасаларини компьютер техникасига хизмат кўрсатувчи ўрта махсус маълумотли малакали мутахассислар (техник ходимлар) билан таъминлаш;

- педагогларини ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга ўргатиш, уларни қайта тайёрлаш ва доимий малакасини ошириб бориш;

- электрон дарс ишланмалари, тестлар мажмуи, электрон кўргазмали қуроллар ва ўқув филмлари яратиш, уларни доимий янгилаб бориш;

- ўқув жараёнида компьютер техникасидан унумли (кунига 10-12 соат) фойдаланишни йўлга қўйиш;

- шу билан бирга, шубҳасиз, барча муассасаларда барқарор электр кучланиши, сифатли телефон алоқаси бўлишини таъминлаш зарур.

Ҳозирги кунда барча таълим муассасалари, шу жумладан мактабгача таълим муассасалари замонавий компьютер ва ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланмоқда. Бунда тарбиячи педагогларнинг ўз меҳнати фаолиятига янгича ёндашувни, машғулот ўтиш жараёнида тарбияланувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларни тушунарли ва қизиқарли шаклда ташкил этишда замонавий педагогик

ва ахборот-коммуникатсион технологиялардан самарали фойдаланишлари зарурияти пайдо бўлади⁶.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнида янги компьютер ва ахборот-коммуникатсион технологиялар воситаларининг жорий этилиши, педагог-тарбиячиларнинг ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш малака ва кўникмаларини шакллантириш билан бирга, уларнинг машғулоти ташкил этиш жараёнидаги мақсади, вазифалари ва тутган ўрнини ўзгартиради.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига таълим беришда ахборот технологияларидан фойдаланиш мураккаб масала ҳисобланиб, кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Лекин шунга карамай, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб ривожланишида компьютер технологиялари воситаларидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг бадиий-музикавий фаолиятини, матнларни ўқиш, расмларни кўриш ва ажрата билиш тасаввурларини кенгайтириш компьютерли ўйин дастурлари орқали фикрлаш ва мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши учун мўлжалланган компьютерли ўйин дастурларининг барчаси ҳам таълим жараёнида ўз самарасини беравермайди. Шунинг учун ҳам компьютер ўйинларини танлаш ва улардан фойдаланиш учун жиддий ёндашув ва эътибор керак бўлади.

Компютерли ўйин дастурлари шундай яратилган бўлиши керакки, унда бажариладиган ҳар бир ҳаракат болалар томонидан тўғри қабул қилиниши, бажарилиши ва тасаввур этилиши лозим. Ўйин дастуридаги ҳар бир ҳаракатни бола тушуна олиши, уни қандай бажариш кераклигини ўйлаш ва амалга ошириш имкониятига эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича бошланғич саводхонлигини ҳам ошириш зарур, яъни компютернинг умумий тузилиши, асосий қурилмалари тўғрисида умумий тушунчаларни, клавиатурадан фойдалана олиш малакаларини ҳосил қилиш мумкин. Бу ишлар тарбияланувчиларнинг компютер ўйинларидан фойдалана олиш бўйича малака ва кўникмалари шаклланишида асосий омил бўлиб ҳисобланади.

⁶ UNICEF to'plam 2014 y fevral .B.Aminov - Samarqand davlat universiteta

Мактабгача таълим муассасаларида компютерли ўйин дастурларидан фойдаланиш тарбияланувчиларда бир катор ижобий сифатларнинг шаклланиши ва мустахкамланишига имконият яратади:

- ўз қобилияти ва иқтидорини намоиш қилиш имконини беради;
- мустақил ҳаракат қилишга замин яратади;
- мулоқот қилиш кўникмаларини шакллантиради;
- инсонлар билан қандай муносабатда бўлишни ўргатади;
- ўз-ўзини назорат қилишни шакллантиради;
- тарбияланувчиларда образли тасаввур ва образли фикрлаш ривожланади;
- нутқ, креатив фикрлаш ва когнитив қобилиятлар ривожланади.

Компютерли ўйин дастурларидан ташқари, мактабгача таълим муассасалари учун компютерли нашрлар, шу жумладан ижодий ишланмалар, ҳаёлий саёҳатлар ва бошқа электрон ахборот ресурслари яратилмоқдаки, улардан фойдаланиш бугунги кунда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Мактабгача таълим муассасасини бошқаришда ҳам ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланилмоқда. Бунинг учун эса мактабгача таълим муассасаларида электрон ахборот ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат алмашуви йўлга қўйилган бўлиши лозим.

Бу фаолиятнинг самарадорлиги тарбиячи-педагогларнинг таълим-тарбия жараёнига шу технологияларни қўллашга доир билим, кўникма ва малакалари даражаси ва амалий иш тажрибаларига ҳам боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, мактабгача таълим тизимида ахборот - коммуникатсион технологияларидан мукамал фойдаланиш учун асосий эътибор, энг аввало, талаб қилинадиган шароитни яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнларида замонавий электрон ахборот ва услубий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилиши лозим. Бугун мамлакатимиз истиқлол шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш даври келди. Миллий дастурда таъкидланганидек, яқин келажакда «кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади». Энг муҳими, бу таълим ўз моҳиятига кўра, ўқув жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бунинг натижасида шахс ўз «мен»ини англай бошлайди ва бойитади, ташқи дунё билан бўлган алоқасида эса ўзининг ижтимоий ролини топа олади, яратувчилик қобилияти шаклланади. Зеро, ўз-ўзини ривожлантириш устида доимо иш оли борадиган, юксак

маънавиятли, ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш замонавий педагогиканинг устувор вазифаларидандир.

Мултимедиали компютер технологиясидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш бир вақтнинг ўзида болаларнинг компютер саводхонлиги шаклланишига ҳам олиб келади. Аниматсияли маълумотларнинг инсонга таъсири катта бўлиб, ундан. МТМлари таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш болалар диққатини кўпроқ жалб қилиш хусусиятига эга. Мултимедиали таълим бир вақтнинг ўзида ҳам кўриш, ҳам эшитиш орқали билим олиш учун самарали эканлиги ҳаётий тажрибада аллақачон исботланган. МТМ тарбияланувчилари монитор экранда намойиш этиладиган материалларни ўргана борсалар ва компютердан фойдаланиш бўйича етарлича кўникма ҳосил қилсалар, мактабда бошланғич синфда информатика фанини ўрганишга, келажакда эса академик лицей ёки касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртида компютердан фойдалана олиш малакасига тўлиқ эга бўладилар. Шу билан бирга, тарбияланувчиларнинг компютердан фойдаланиш жараёнида мантикий тафаккурлари ривожланади, билим олишга ҳаваслари ва иштиёқлари ортади, дунёқарашлари шаклланади. Компютерли дидактик ўйинларнинг педагогик жиҳатларидан бири уларнинг таълимийлигидир. Тарбияланувчи ўйин давомида бир вақтнинг ўзида ҳам ўйинда иштирок этади, ҳам маълум бир даражада таълим олади. Айрим ўйинларда билимлар машқлар орқали намойиш қилинади.

Масалан: шаклларни устма-уст қўйиш ўйинида, биринчидан, ўйин вазифаси бўйича бола шаклларни устма-уст қўйиш натижасида қандай шакл ҳосил бўлишини топса, иккинчидан, тарбиячининг топшириғи бўйича шакллар сонини санаб беришни, шакллар қандай кўринишда эканлигини ва уларнинг номларини айтишни, рангларни ажратиб бериш вазифаларини бажаради (таълимий жиҳати). Бундан ташқари, тарбияланувчи «сичқонча»дан фойдаланиб компютерда ишлаш малакасини ҳосил қилади ва компютер саводхонлигини оширади.

Мултимедиа-гуркираб ривожланаётган замонавий ахборотлар технологиясидир. Унинг ажралиб турувчи белгиларига қуйидагилар киради:

Ахборотнинг хилма-хил турлари: ананавий (матн, жадваллар, безаклар ва бошқалар), оригинал (нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, аниматсия ва бошқалар) турларини бир дастурий маҳсулотда интегратсиялайди. Бундай интегратсия ахборотни рўйхатдан ўтказиш ва акс эттиришнинг турли қурилмалари: микрофон, аудио-тизимлар, оптик компакт-дисклар, телевизор, видеомагнитофон, видеокамера, электрон мусикий асбоблардан фойдаланилган ҳолда компютер бошқарувида бажарилади;

Муайян вақтдаги иш, ўз табиатига кўра статик бўлган матн ва графикадан фарқли равишда, аудио ва видеосигналлар фақат вақтнинг маълум оралиғида кўриб чиқилади. Видео ва аудио ахборотларни компютерда қайта ишлаш ва акс эттириш учун марказий протсессор тез ҳаракатчанлиги, маълумотларни узатиш шинасининг ўтказиш қобилияти, оператив(тезкор) ва видео-хотира, катта сиғимли ташқи хотира (оммавий хотира), ҳажм ва компютер кириш-чиқиш каналлари бўйича алмашуви тезлигини тахминан икки барабар оширилиши талаб этилади;

Мултимедиа воситалари асосида таълим-тарбия бериш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир. Мултимедиа - бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, мант, графика ва аниматсия эффектлари асосида ўқув материалларини мактабгача ёшдаги болаларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир⁷.

Мултимедиа воситалари асосида мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш қуйидаги афзалликларга эга:

А) берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти бор;

Б) таълим-тарбия олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади;

В) таълим-тарбия олиш вақтининг қисқариши натижасида, вақтни тежаш имкониятига эришиш;

Г) олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Демак, компютерли дидактик ўйинлар таълим билан бевосита боғлиқ бўлиб, таълим жараёнини амалга оширишга ёрдам қилади. Компютер ва унинг хотирасидаги таълимий ўйинлар биргаликда, мултимедиа технологияси (компютерли таълим)нинг ўйинлар бўйича асосий дидактик воситаси ҳисобланади. Компютер хотирасидаги ўйинлардан ташқари, қўшимча дидактик ўйинлар тайёрлаш мумкин.

2. Медиа таълимнинг асосий мазмуни. Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитга мослашган таълим технологияларини яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интиломқдалар.

⁷ Begmatova N.X. , Aripov M. Multimediya texnologiyasidan foydalanish 2012 yil

Бу ерда нима учун бугунги кунда педагогик технологияларни илмий-назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти туғилди, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Жамиятимизга қанчадан қанча билимли кадрларни ва юқори малакали олимларни етиштириб келган педагогика услублари мавжудки, уларнинг эскириб, талабга жавоб бермай қолган жойларини ўзгартириб, миллий тус бериб, фойдаланаверса бўлмайдими? - деган мулоҳазалар ҳам кам эмас. Педагогик жамоатчиликнинг аксарияти, айнан мана шу йўлдан бормоқда. Бу йўл иложсизликдан излаб топилган бўлиб, қисқа муддат хизмат қилиши мумкин. Мустақилликни қўлга киритган ва буюк келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл узоқ хизмат қила олмайди. Чунки:

- маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётдан ортда қолиб кетган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги:

- анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «Ахборотли ўқитиш» сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги :

- фан-техника тараққиётининг ўрта ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги:

- кишилиқ жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ яқунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги:

- ёшларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа мажмуавий ёндошув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир⁸.

Кейинги 10 йиллар ичида яратилган, педагогикага бағишланган адабиётларда «Педагогик технология», «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология» каби тушунчалар кўп учраб тургани билан, уларнинг ўзбек тилидаги маромига етган таърифи ҳали тузилмаган.

Дарҳақиқат, XX аср кишилиқ жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида инқилоблар даври сифатида жой олди. Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёни назарий (ғоявий) ҳамда амалий жиҳатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий

⁸ Abduazimov O. Multimedia — noyob ne'mat. «Xalq so'zi» gazetasi, 2002-yil, 28-fevral.

муносабатларни янгича мазмун касб этишини таъминлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларни моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб боришига замин ҳозирлади. Ижтимоий эҳтиёжларнинг янгиланиб ҳамда ортиб бориши ўз навбатида уларни қисқа муддат ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этади. Ижтимоий зарурат маҳсули бўлган технология соҳаси ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам жисмоний куч сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Медиа таълим нима?

Медиа таълим интерфаол, болага индивидуал таъсир этадиган усул сифатида таълим жараёнига жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Медиа таълим болани мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатади.

Ўқув хоналарига матбуот, телевидение, радио, кино, видео ва интернет олиб кирилмоқда. Буларнинг барчаси медиа таълим номи билан таълим жараёнини ташкил этишга ёрдам бермоқда.

Медиа таълимнинг асосий мазмуни медиамаданият (кино санъати, бадиий телевидение ва бадиий медиа) тилини, унинг тарихини билиш, тушунишдир.

Унинг педагогик стратегияси медиаматнларни бадиий таҳлил қила олиш, уни талқин қилиш асосида баҳо беришдан иборатдир. Хулоса ўрнида шунни айтиш керакки, медиа қандай шаклланади, у ҳақиқатни ифодалайдими, кимнинг манфаатини кўзлайди, унинг мазмуни нималардан иборат ва болалар уни қандай қабул қиладилар - бу саволлар ҳозиргача турли мунозараларни туғдирмоқда.

Лекин шунини ёдда тутиш керакки, медиа таълимнинг марказида бола шахси туради, унинг қизиқиш, хоҳиш, истакларини ҳисобга олиш, олинган ахборот асосида танқидий фикрлашга ўргатиш керак.

Турли давлатлар олимларининг фикрларига кўра, медиа таълим тарбиявий, таълимий аҳамиятга эга бўлиб, болаларни ўқув-билиш жараёнида креатив фикрлашга ўргатади.

Медиа таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири ёш авлодни тобора жадаллашиб бораётган ахборот оқимида, ҳар хил ахборотни олиш, тушуниб етиш, унинг инсон психикасига таъсирини билиш ва ундан тўғри, мақсадли фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Медиа таълим олинган ахборотни интегратсия қилиш, шу асосида шахсий фикрни билдириш ва қайта олишга чорлайди. Ўз фикрини эркин

билдириш, шахсий ривожланиш, турли ахборот хуружларига қарши фикр билдириш орқали ўқувчининг ижтимоий фаоллиги ошади, медиа ахборотдан фаол ва тўғри фойдаланиш маданияти шаклланади. Шу орқали берилаётган ахборот ҳақида фикр юрита бошлайди.

Шунинг учун ҳам медиамашғулотлар:

- «Бадиий-имитатсияли» - кичик сенарийлар, медиаматнлар тузиш, уни интерфаол усулда намоиш этиш;
- Театрлашган вазият ҳосил қилиш (медиамаатн асосида айрим эпизодларни саҳналаштириш, медиаматн жараёнини намоиш этиш);
- Тасвирий-имитатсия тайёрлаш (афишалар яратиш, фотоқўргазма, маълум мавзудаги асарлар расмларини намоиш этиш) кабиларни тушуниш, қўллаш олиш кўникмасини ҳосил қилади.

Юқоридаги дидактик материалларни тайёрлаш, намоиш этиш, таҳлил асосида хулоса қилиш, эмотсионал қабул қилиш орқали нафис санъатни тушунишга олиб келади. Бу ҳолат боланинг умуминтеллектуал ривожланишида, билим олиши, тарбия топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади⁹.

Медиамашғулотлар берилаётган ахборотни қабул қилиш, ўзлаштириш жараёнида иккита янги компонент иштирокини таъминлайди.

1. Медиа машғулотларда компютерлар универсал ҳолда қўлланиши билан характерланади.

2. Анъанавий технологиялар воситалари ёнига дастурли воситалар тўлдирувчи бўлиб киради. Дастурий таъминот айрим мавзуларни ўқитиш ва ўзлаштириш учун Медиатаълим қулай муҳит яратади. Унда таълим мазмуни аниқ, равон шакллантирилган бўлади, чизмалар, расмлар, жадваллар, видеофрагментлар, овозли, аниматсион таъминот креатив билан намоиш этилади.

Медиамашғулотларнинг афзал жиҳати шундаки, таълим жараёнида болаларнинг мустақил ижод қила олиш қобилиятларини ривожлантиради, Шу муносабат билан медиамашғулотлар мазмунини белгилаш, ташкил этишда фақатгина ўқув фани мазмуни нуқтаи назаридан ёндашмасдан, балки унинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи томонларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Медиамашғулот ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, яъни керакли ахборотни олиш, уни янги техник воситалар ёрдамида қайта ишлаш, амалиётда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилиши талаб этилади.

⁹ Maktabgacha ta'lim muassasalari mudiralari uchun o'quv modullari 3-modul:2012 y.

Медиа машғулотлар компютерлаштирилган ўқув хоналарида, мултимедиа проектор ёрдамида ўтказилади. Бу машғулотни ташкил этишнинг ўзига яраша санитария-гигиена меъёрлари. болаларнинг узлуксиз ишлаш меъёрлари мавжуд:

Тарбияланувчилар билан ишлашни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

- * видеофрагментларни фронтал кўриш;
- * топширик, машқларни индивидуал бажариш;
- * умумий ўқув лойиҳалари, модели тажриба-синовни амалга оширишда кичик гуруҳларда ишлаш;
- * медиа машғулотларни ташкил этишда ҳам ўқув жараёнининг ҳамма компонентлари ўз аксини топиши ва компютердаги ва компютерсиз фаолият алмашиб туриши мумкин;
- * фаоллаштириш (ўқув материални такрорлаш, материални бирданига ўзлаштириш, компютерда ёки компютерсиз);
- * билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, ўқув ахбороти блокининг моҳиятини билиб, тушуниб олиш ва уни мустақкамлаш (компютерда ёки унинг иштирокисиз);
- * ўқув материалларини амалда қўллай олишини назорат қилиш (компютер ва компютерсиз).

Компютерлашган ўқув хоналарида ўқув фаолиятининг самарали кечиши учун у ерда қўшимча жойлаштирилган ўқув столларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат санитария меъёрларига риоя этиш, боланинг ўқув фаолиятини бошқа жойда ташкил этиш имкониятини яратади. Бундай алмашинувлар болани чарчашдан сақлайди. Агар тарбиячи кўргазмали тасвирлардангина фойдаланса, уларни компютер экранда намойиш этиш билан чекланади.

3. Мактабгача тайёрлов гуруҳ болаларини саводга ўргатишда мултимедиа технологиясидан фойдаланиш методлари. Мактабгача таълим ўқув тарбия фаолиятини ташкил қилиш восита ва усулларини, ўқув тарбия жараёнида келиб чиқадиган муаммолар ва уни ечишни тўғри ҳал қила билиш, инновацион технология усулларидан фойдаланиш, қийинчиликларни тўғри ечимини топишга йўналтиради.

Мактабгача таълим-тарбия масалалари энг муҳим асосий педагогик муносабатлар сабабларини аниқлайди, уни педагогик жараёнда ўрганади.

Таълим-тарбия масалалари, ҳар бир миллатнинг миллий меросига, умумбашарий қадриятларига боғланган ҳолда мактабгача ёшдан бошлаб ўзлигини англаш, эркин фикрлаш, ғурур туйғуларини шакллантиришга қаратилади.

Педагог олимларнинг йиллар давомида таълим тизимида нега ўқитамиз? нимани ўқитамиз? қандай ўқитамиз? деган саволларга жавоб излаш билан бир каторда қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин? деган саволга жавоб берадилар. Бу эса олим ва амалиётчиларни таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришга, яъни «Ўқитишни ишлаб чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин» деган фикрга олиб келади. Бундай фикрнинг туғилиши педагогика фанида янги педагогик технология йўналишини юзага келтиради. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларининг таълим- тарбиявий жараёнда педагогик технологиялардан фойдаланишига алоҳида эътибор берилаётганлигининг асосий сабаби қуйидагилардир:

Биринчидан, педагогик технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятининг кенглигида. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчидан, педагогик технологиялар ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, педагогик технология педагогни таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Тўртинчидан, педагогик технология янги воситалар ва ахборот усулларини қўллашга асосланганлиги сабабли, уларнинг қўлланилиши Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини амалга оширишни таъминлайди.

Таълим-тарбия жараёнида педагогик жараённи тўғри ташкил этилиши педагогнинг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса тарбияланувчилардан кўп мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб қилади.

Ҳар қандай педагогик технологияларнинг ўқув тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий жиҳатдан келиб чиққан ҳолда тингловчини ким ўқитаётганлиги ва педагог кимни ўқитаётганига боғлиқ.

Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларга ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини ошириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади.

Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур

қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахсларга айланади.

Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг таълим-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари - интерфаол услублар, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланилишига оид билимлар, тажриба талаба ёки ўқувчиларнинг билимли ва етук малакага эгаллигини таъминлайди.

Инновация (инглизча инноватион) – янгилик киритиш, янгилик демакдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба ёки ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади¹⁰.

Ананавий ўқитиш модели		Интерфаол ўқитиш методи	
Афзалликлари	Камчиликлари	Афзалликлари	Камчиликлари
Ўқитишнинг тизимлилиги	Машғулотларнинг бир қолипчилиги, бир хиллиги	Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши	Кўп вақт талаб этилиши
Ўқув материалларини тартибли изчил берилиши	Машғулот жараёнида фақат дастлабки йўналиш берилади, кейинги даражалар уй вазифасига берилади.	Ўз вақтида алоқаларнинг таминланиши	Болаларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги
Оммавий ўқитишда ресурсларнинг оқилона ҳаражати	Иштирокчиларнинг сустиги ва мустақилликнинг йўқлиги	Тушунчаларни амалиётга қоллаш учун шароит яратиш	Жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилганда ҳам тарбиячи ролининг паст бўлиши
Тарбиячи шахсининг доимий эмотсионал тасири	Иштирокчилар ўзаро мулоқотдан ажратилади, нутқий фаолият суст	Ўқитиш методларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши	

¹⁰ Maktabgacha ta'lim muassasalari uchun modullar T-2012 y ikkinchi nashr 126 b

Ташкилий пухталиқ	Суст қайта боғланиш	Мативатсиянинг юқори даражада бўлиши	
Маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ тушунчаларни ўргатишда фойдалидир	Ўрта меъёردа ёндашув	Ўтилган материалнинг эсда яхши сақлаб қолиниши	
Педагог томонидан ўқитиш жараёни ва ўқитиш муҳитининг юқори даражада назорат қилиниши	Бола суст иштирокчи бўлиб қолади	Мулоқотга киришиш кўникмаси такомиллашади	
Вақтдан унумли фойдаланиш	Болада мативатсия вужудга келмайди	Ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши	
Аниқ илмий билимларга таянади	Бола педагог билан ўзаро муносабатга кира олмайди	Мустақил фикрлайдиган бола шаклланади	
	Еслаб қолиш даражаси ҳамма болада бир хил бўлмаганлиги сабабли гуруҳ бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиши мумкун	Мавзунинг мазмунини ўзлаштиради, танқидий ва мантиқий фикрлашни ривожлантиради	
	Мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароит яратилмайди	Муаммони ечиш кўникмаларининг шаклланиши	

Интерфаол («интер»- бу ўзаро, «акт»- ҳаракат қилмоқ)- ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни аниқлатади. Бошқача айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари - билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил қила билишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинадилар, улар билладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар.

Интерфаол машғулотларда тарбиячининг ўрни қисман тингловчиларнинг фаолиятини дарс мақсадларига йўналтиришга олиб келади. Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва тингловчилар биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга:

- педагогларнинг жараёнга бўлган қизиқишларининг доимийлигини таъминлаши;
- мустакил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;
- педагогларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этишлари киради.

Мана шундай вазифаларни амалга оширишда янги интерфаол ва ноанъанавий педагогик технологиялар жуда кўл келишини тадқиқотчилар томонидан мактабгача таълим муассасаларида ўтказилаётган кўпгина педагогик тажрибаларнинг натижалари тасдиқламоқда.

Бола туғилган кундан бошлаб, уни мактабгача бўлган даврда ҳар томонлама етук, баркамол этиб тарбиялаш қонуниятларини ўрганиш мактабгача таълим педагогикасининг мавзуидир. У мактабгача таълим муассасалари ва оиланинг тарбиявий таъсир кўрсатиши, мактабгача таълим муассасаси ва мактаб ишидаги алоқадорликни, болаларни мактабда ўқишга тайёрлашни таъминлаб, ижтимоий мактабгача тарбия шароитида тарбия ва таълим бериш ишларининг вазифаларини, тамойилларини, мазмунини, методларини, шаклларини ва уни ташкил этишни ишлаб чиқди. Мактабгача таълим тизимида унинг ажралмас қисми бўлиб шаклланди.

Мактабгача таълим-тарбиянинг назарияси ва амалиёти мактабгача ёшдаги болаларга ҳар томонлама тарбия беришнинг мақсади, боланинг имкониятлари ва уни илк ёшдан бошлаб тарбиялашнинг роли, мактабгача тарбияни ҳаёт, замон билан боғлаб олиб боришнинг зарурлиги, бола шахсининг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятига эғалигига асосланади.

Ҳозирги кунда турли хил мултимедиали таълим воситаларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш жадал ривожланаяпти. МТМлари таълим-тарбия жараёнида улардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилмагани учун тарбиячи-педагоглар мултимедиа воситаларини мултимедиа технологияси сифатида қабул қилмоқдалар. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мултимедиа воситаларини ишлаб чиқарувчи махсус муассасадан ташқари, ҳар бир МТМ тарбиячиларининг ўзлари тайёрлаши мумкин бўлган дастурли ва ролли мултимедиа воситаларини қўллаш мумкин.

Мактабгача таълим муассасаларида фойдаланиладиган мултимедиали таълим воситаларини икки турга бўлиш мумкин:

1.Монитор экранда тўғридан-тўғри билим беришга мўлжалланган воситалар.

2.Кўргазмали курул.

Одамзод ҳар дақиқа сезги аъзолари орқали ахборот йиғиб фикр қилиш ва хаётий муаммоларни ҳал қилиш чораларини ўйлаб топиб амалга ошириш билан кун кўради. Инсонлар қайерда бўлмасинлар, бугунги кун замон талабига мос равишда малакасини ошириб, янги маълумотлар билан билим базасини янгилаб бориши кераклигини тақозо этмоқда.

Ўрганилаётган муаммонинг илмий амалий аҳамияти шундан иборатки, мактабгача ёшдаги болаларни машғул�лар жараёнига қизиқишларини ошириш ва мавзунини мустақил ўзлаштириш самарадорлигини ва аҳамиятини шакллантириш.

Информатика фанини ўқитишда мултимедиа тизими ҳақида тушинча бериш, мултимедиа воситаларидан фойдаланиб билим олишнинг аҳамияти, унинг яхши тарафларини айтиб ўтиш лозим.¹¹

Мултимедиали ўргатувчи дастурлар матн, графика, видео, товуш ва аниматсияларни ўзида тутлади. яъни компьютерга ёзилган махсус дастурни ишга туширади. Бу дастурлар асосан фаннинг назарий бўлиmidан, амалий машғул�лари ва назоратлардан иборат бўлиши мумкин. Бундай дастурлар орқали олинган билим хотирада кўп вақт сақланади ва керак бўлганда амалда қўлланиш имконини беради.

Мактабгача таълим муассасаларида мултимедиа технологиясига асосланган компьютерли таълимнинг асосий мақсадларидан биринчиси болаларни мактаб таълимига тайёрлашдан иборатдир. Шунинг учун машғул� шакли, мазмуни, ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Иккинчидан, баъзи МТМларда кампютерлар билан таъминланган бўлса-да, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун, МТМ шароитида кампютердан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, машғул� мобайнида мултимедиа технологиясидан фойдаланганда у ёки бу материални ўрганишда вақтни тежаш ҳисобига таълим мазмуни чуқурлаштирилади ва кенгайтирилади.

Мактабгача таълим муассасаларида анъанавий усулда таълим-тарбия беришнинг шакли, мазмуни ва методи кўпгина адабиётларда баён этилган.

¹¹ Bola saxsini rivojlantirish dolzarb muammolari T-2008 y maqolalar to'plami

Жумладан, ушбу масалада П.Юсупованинг «Мактабгача таълим педагогикаси» да кенг ёритиб берилган. П.Юсупова таълим шакли тўғрисида шундай ёзади: «Таълим шакли деганда, таълим берувчи педагог ва болаларнинг махсус ташкил этилган фаолияти тушунилади ва кун тартибда маълум бир вақтда ўтказилади»¹².

Адабиётларда, МТМ таълим методлари бўйича ҳам қатор фикрлар билдирилган. Метод - таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг мақсадли таълим-тарбия вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган ўзаро боғлиқ фаолиятларнинг изчил усуллар тизимидир.

4. Мактабгача тайёрлов гуруҳ болаларини саводга ўргатишда мултимедиа технологияларини татбиқ этиш. Мактабгача тайёрлов гуруҳлари болаларини саводга ўргатишда мултимедиа технологиясидан фойдаланиш, асосан уч томонлама амалга оширилади.

1. Компютер ва унинг дастурлари ёрдамида дидактик воситалар тайёрланади ҳамда Интернет ва масофали таълим ашёларидан фойдаланилади.

2. Компютер иштирокида бевосита диалог методи асосида болаларга янги материал ўргатилади. Шунини таъкидлаш керакки, 6-7 ёшли бола катталар каби компютерда ишлашга қодир эмас. Шунинг учун, МТМларда янги материални ўрганишда бевосита диалог методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда компютер дидактик восита манбаи ролини ўйнайди.

3. Билвосита диалог – виртуал ахборот муҳитида компютер билан диалог асосида мултимедиа технологияси амалга оширилади. Бунда материал болалар томонидан мустақил ўрганилади, ўтилган материал мустақил такрорланади, машқлар мустақил бажарилади, мултимедиали компютер ўйинлари мустақил амалга оширилади ва бола машқларни, компютер қўйган вазифаларни, ўйинларни такрор-такрор бажариб, қўйилган машғулот мақсадига эриша олади. Бу ҳолда мултимедиа технологиясидан фойдаланганда компютер таълим манбаи ролини ўйнайди. Мактабга тайёрлов гуруҳларини саводга ўргатишда мултимедиа технологиясидан фойдаланишнинг асосий ва етакчи шакли машғулотдир. Машғулотлар «Болажон» дастури асосида, белгиланган режалар асосида олиб борилади. Янги машғулотларни ўргатишга қаратилган, текширувчи - синовчи,

28. Adilova S. Multimedia va ularni ta'lim jarayonida qo'llash // Pedagogikta'lim-
T.: TDPU, 2001. № 2. -B. 20-21.

мажмуавий «саёҳат» ёки «экскурсия» ва «компютерли ўйин» шаклларига бўлинади.

Машғулотнинг ўйин шакли.

Тарбиячи-педагог болаларни компютер рўпарасига жойлаштиради. Компютер хотирасига жойлаштирилган материалларни монитор экранига чиқаради. Болаларнинг диққати экранга чиққан материалга қаратилади. Тарбиячи ва болалар ўртасида диалог (савол-жавоб) бошланади. Болалар тарбиячи (педагог) берган топшириқни мустақил бажаради. Ўрганилган материал мустақамланади. Болаларнинг машғулот давомида олган билими баҳоланади. Ўрганилган материал бўйича уйга топшириқ берилади.

Машғулот мазмуни. Мултимедиа технологиясидан фойдаланиб ўтказиладиган машғулотлар компютер технологиясига асосланади. Шунинг учун, мултимедиа технологиясига асосланган машғулотларни компютер машғулотли, деб ҳам аташ мумкин. Компютерли машғулотларнинг аксарияти бирлашган машғулотлар шаклида ўтказилади.

Юқорида таъкидланганидек, машғулот давомида тарбияланувчиларнинг компютер олдида 15 дақиқадан ортиқ ўтириши мумкин эмаслиги эътиборга олиниши керак. Шунини таъкидлаш керакки, «Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган Давлат талаблари»да ҳам боланинг компютерда шуғулланиши 15-20 дақиқа этиб белгиланган. 15 дақиқага режалаштирилган материал ўтиб бўлингач, 15-20 дақиқали оралиқ босқичи ўтказилади.

Ушбу оралиқ босқичида тарбияланувчиларнинг толиқишини ҳисобга олиб, компютерсиз амалга ошириладиган машғулот ўтказилади. Компютерсиз ўтказиладиган ушбу оралиқ машғулотларда, мавзуга тегишли оғзаки савол-жавоблар, топишоқлар, турли мазмундаги ўйинлар, амалий тадбирлар (масалан, қайчи билан ҳарфлар қирқиш, қоғозда ёзишга ўргатиш) ўтказилади. Шунингдек, шеър, ашула айтилади ва жисмоний машқлар бажарилади. Жумладан, кўз толиқишини бартараф этувчи кўз гимнастикаси - бир неча дақиқа давомида кўзни очиб юмиш, хонанинг бурчакларига навбатма-навбат назар ташлаш киради. Оралиқ босқичдан сўнг яна 15 дақиқали асосий машғулот давом эттирилади.

Янги билим беришда бевосита диалог методидан фойдаланишни мактабга тайёрлов гуруҳлари болаларининг ёшлари (6-7), уларнинг фикрлаш даражалари ва бошқа хусусиятларини эътиборга олишни тақозо этади. Бевосита диалог методидан фойдаланилган ҳолда компютер дидактик воситалар манбаи ролини ўйнайди.

Виртуал акхорот муҳитида компютер билан (бевосита) диалог методининг алгоритми:

1. Компютер бола (тарбияланувчи)га - топшириқ, савол, машқни бажариш ёки ўйинни бажаришни буюради.
2. Бола (тарбияланувчи) топшириқни бажаради.
3. Компютер топшириқ бажарилишининг тўғри ёки нотўғрилигини билдиради.
4. Нотўғри бўлса, такрорий бажартиради.
5. Компютер боланинг билимини баҳолайди.

Компютерда ишловчи бола машқларни ва компютер қўйган вазифаларни, ўйинларни такрор-такрор бажариб, максадига эриша олади, чунки компютер - «бағри кенг» ва «тоқатли, сабрлидир». Бола хато қилган тақдирда ҳам хатони ўзи тузатгунга қадар ҳеч ким унга танбеҳ бермайди. Аммо болалар компютерда мустақил ишлаган ҳолларда ҳам уларнинг ҳаракатлари доимо тарбиячи назоратида бўлади.

Бевосита диалог асосида ўтказилган машғулотда 15 дақиқа узлуксиз монитор экранига қараган ва болалар компютердан узоқроқ «сичқонча» ва клавиатура кабелларининг узунлиги масофасида жойлашган ҳолда болаларнинг 95 фоизи 15-20 дақиқадан сўнг толиқишлари йўқолганини билдирдилар. Мултимедиали компютер технологиясининг таълим-тарбия бериш методикасини баён қилишдан олдин унинг қуйидаги икки жиҳатига эътибор бериш керак:


1) агар у ёки бу мултимедиа воситаси тарбияланувчиларга баён этиб борилмасдан намойиш этилса, у оддий мултфилм бўлиб қолади.

2) агар тарбиячи мултимедиа воситасини намойиш этиш давомида уни таҳлил этиб (тушунтириб, баён этиб) борса, таълим жараёнини акс эттириб, мултимедиа технологиясига айланади.

Агар МТМдаги компютерлар сони 5-6 дан ортиқ бўлса, машғулот фронтал равишда, битта бўлса, ундан навбатма-навбат фойдаланилган ҳолда ўтказилади. Бундай ҳолда таклиф этилган биринчи тарбияланувчи тарбиячи томонидан берилган саволга тўғри жавоб бера олмаса, иккинчисидан сўралади. Агар МТМларда проектор ва экран (ёки электрон доска) бўлса, тарбиячи машғулотни «компютер-электрон доска» усулидан фойдаланиб олиб боради.

15-20 дақиқали иккинчи босқичдан сўнг, учинчи босқичда биринчи босқичда компютердан фойдаланиб, ўрганилган материаллар савол-жавоб асосида мустаҳкамланади ва тарбияланувчиларнинг билимлари баҳоланади. Машғулот охирида уйга вазифа берилади. Тарбияланувчиларга уйга бериладиган топшириқлар кундалик турмушда учрайдиган масалалардан бўлиши мақсадга мувофиқ.

Машғулотнинг технологик харитаси. Мактабга тайёрлов гуруҳларида машғулотлар гарчи дарс шаклида ўтказилмаса-да, тарбиячи у ёки бу мавзу материали бўйича ўзига машғулотнинг технологик харитасини тузиб олиши керак. Харитада машғулот мавзуси, мақсади ва вазифалари, машғулот мазмуни, машғулотни амалга ошириш технологияси, кутиладиган натижалар, келгуси ишлар, уйга вазифалар акс этиши керак



Мултимедия воситаларини МТМдаги машғулотларда қўллаш

Мутахассисларнинг фикрича, инсоннинг эшитиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзолари ёрдамида қабул қилинган маълумотни беш мартаба кўп эслаб қолиш мумкин. Сабаби - эшитиш аъзоларига нисбатан кўриш аъзоларидан олинаётган маълумотлар қайта кодлаштирилмай тўғридан-тўғри хотирага ўтади ва сақланади.¹³ Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талабларида мактабга тайёрлов гуруҳи болаларини савод чиқаришга тайёрлаш, элементар математик билим бериш ва атроф-оламни ўрганиш, таълим ўйинлари йўналишлари бўйича, қуйидагилар қайд этилган: нутқ ўстириш бўйича нутқ-товуш маданиятини шакллантириш, ижодий ҳикоя қилиш, нутқнинг гармматик тузилишини шакллантириш, луғатни бойитишни жадаллаштириш, математика бўйича сон-санок, миқдор, шакллар, фазовий тасаввурлар, вақт ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Таълимий ўйинлар бўйича рангни топ (рангларни тўғри ажратиш), шаклини топ (доира квадрат, учбурчак ва бошқа шакллар), ҳалқаларнинг шакли ва ранглари бўйича ўйинлар, табиат

¹³ Maktabgacha ta'lim muassasalari mudiralari uchun o'quv modullari 3-modul: Bosh shaxsinirivojlantirishga yo'naltirilgan ta'limT-2012y

билан таништириш бўйича гулзорга экскурсия, пахта даласига саёҳат, кабутар сингари қушларни кузатиш, уларнинг хусусиятлари ва фарқи, ҳаво ва унинг хоссалари билан таништириш, сув ва унинг хусусиятлари билан таништириш киради.

Тарбияланувчиларнинг билимини баҳолаш мезони. Баҳолаш таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилган даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараёндир.

Мактабга тайёрлов гуруҳи болаларининг билимларини аниқлаш, бешта: яъни ўқув мақсадларига асосланганлик, ҳақиқийлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулайлик каби тамойилларига асосланади. МТМ тарбиячиси болаларнинг билимини баҳолаш жараёнида баҳолаш тамойилларини ҳисобга олиши шарт. Мултмедиа компютери таълимда болаларнинг ёши, ривожланиш даражаси ва психологиясини ҳисобга олиб, ўтилган материалларни баҳолашда унга тест саволи қўйилади. Бу ёшдаги болаларга бешта савол қийин бўлиши мумкин. Буни ҳисобга олган ҳолда тестга унга савол қўйиб, уч балли тизимда баҳоланади.

Тарбияланувчилар билим даражаларини аниқлаш мезонини қуйидагича: ўрганиладиган материал турига қараб 3 тадан 5 тагача турли вариантдаги дастурли ўйин, тақдирот, слайд, ёзув, расм, схема, машқлар ва чизмалар савол тариқасида компютер хотирасига киритилади. Тарбияланувчиларга тўғри жавобни аниқлаш топширилади ва уларнинг билим даражалари тест синови ёки компютер хотирасига киритилган машғулот мавзусига оид амалий топшириқларни бажариш орқали аниқланади.

Агар тарбияланувчи компютерда берилган вариантдаги унга топшириқдан барчасини тўғри бажарса, у ҳолда унга «аъло» баҳони ифодаладиган 3 балл қўйилади. Агар берилган вариантдаги иккита топшириқни тўғри бажарса, у ҳолда «яхши» баҳони ифодаладиган 2 балл қўйилади. Агар берилган вариантдан битта топшириқни тўғри бажарса, у ҳолда тарбияланувчига «қониқарли» баҳони ифодаладиган 1 балл қўйилади. Агар вариантдаги топшириқни тўғри бажара олмаса у ҳолда ҳеч қандай балла қўйилмайди. Бундай ҳолларда тарбиячи тарбияланувчи билан қўшимча шуғулланиб, унинг билим даражасини аниқлаш учун қайта тестга қўйиш керак.

Машғулотларда болалар билимларини кенгайтиришга йўналтирилган, иштирок этишга мўлжалланган қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланилган:

- Сухбат
- Кўргазмалилик

- Тушунтириш
- Кўрсатиш
- Кичик гуруҳларда ишлаш (3-4 бола билан)
- Савол-жавоб
- Рағбатлантириш
- Амалий иш
- Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин

Бу усуллар машғулотларда алмашилиб келган ҳолда қўлланилган.

Методик қўлланмадан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, ота-оналар, педагогика институтлари ва коллеж талабалари ижодий ёндашган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги материаллар тайёрланди:

1. Педагогик жараёни кузатиш схемаси.
2. Тарбияланувчилар учун кўргазмали қуроллар .

Мултимедиали компютерли таълимни амалга оширишнинг асосий талабларидан бири - болаларнинг компютер саводхонлигини шакллантириш ва уларни компютерда мустақил ишлашини таъминлашдан иборат. Шунинг учун, тарбиячи (педагог) ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиши лозим. Компютернинг тузилиши ва ундан фойдаланиш кўпгина адабиётларда баён этилган. МТМлари тарбияланувчиларига компютернинг тузилишини ва ундан фойдаланишни жуда содда шаклда баён этиш мақсадга мувофиқдир.

Худди шунингдек, ҳозирги замон алифбо дарсликларида ҳам ҳарфларни ўргатишда расмлардан фойдаланиш тавсия этилган. Анъанавий усулда, дарсликдан ташқари, педагог-тарбиячи ҳарфларни ўргатишда восита сифатида «бўр-доска» усулидан ва плакатлардан фойдаланиб келмоқдалар.¹⁴



Болажон дастури асосида оламиз :

Тайёрлов гуруҳ (6-7 ёш)

Тарбияланувчиларга Алифбе номли электрон дарсликни тайёрлаш.

Барча тоифадаги электрон қўланмалар ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш, билим олувчиларнинг мустақил билим олишлари ҳамда масофадан ўқитишни ташкил қилиш учун катта

¹⁴ Shodieva Q. Nutq o‘stirish uslubiyoti –Toshkent-2009 y

имкониятлар яратади.

Ушбу мултимедиали слайдимиз «Алифбе» деб номланади¹⁵. Мактабгача таълим ва бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалданган электрон қўлланма сифатида фойдаланса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. «Сичқонча» ни «Алифбе» деб юритилган тугмачага келтириб икки марта босилади. Сўнг хизмат ойнамизда камалак рангда **А Л И Ф Б Э** деб ёзилган ҳарфлар аниматсия усулида ҳосил бўлади. Дастурнинг пастки қисмида «Дастурга кириш» белгиси орқали мултимедиали слайдга кирамиз. Табиат манзараси остида болажонлар кўшиғи янграйди, ва дастурнинг ўртасида учта қисмнинг номлари кўрсатилган:

1. **Асосий ойна.**
2. **Дидактик қисм.**
3. **Қизиқарли ўйинлар.**

«Асосий ойна» белгисини «сичқонча» ёрдамида очилса, табиат қўйнида дарахт мавжуд, ушбу дарахтдан эса тўртбурчак рамкага солинган турли ҳарфлар дарахтнинг меваси шамолдан тебраниб ерга тушгандек катакча ичида ҳарфлар пастга тушади. Шунини таъкидлаб ўтишимиз жоизки, катакчадаги ҳар битта ҳарфнинг боши билан келадиган товуш белгисини **Алифбе номли электрон дарслик** предметлари кўрсатган:



Масалан; «А» ҳарфи остида автобус. «Б» ҳарфи остида банан в.,х. Дастурнинг пастки томонида «Бош меню» деб номланган белги мавжуд. «Сичқонча» ёрдамида ҳарфларга кўрсаткич бармоқларни олиб борса, ҳарфларнинг талаффузи ифодаланади: «Ссссс, ОООО, ААААА» ва хоказолар .Сўнгра топишмоқлар ойнаси очилади бола агар тўғри ёзса, экранда

¹⁵ Ashurov.M.O' –Alifbe elektron dasruri .

рағбатлантирувчи овозли аниматсия пайдо бўлади, агар нотўғри келтирилса, экранда «Нотўғри» деган овозли аниматсия ҳосил бўлади. Кўрсатилган харф тоғти ёзилса, кенйинги босқич яъни топишмоқлар ойнаси очилади. Бунда бола тарбиячи ёрдамида топишмоқни ўқийди ва мустақил жавобни киритади

Сўнгра дидактик қисмга ўтилади - яъни, дидактик қисми очилганда, экранда тўртбурчак қилиб ҳарфлар жойлаштирилган ва тўртбурчакнинг ўртасида боланинг сурати - ўйланиб турган ҳолати тасвирланган .



Алифбе номли электрон дарслик.

Тўртбурчак рамкага солинган харфларнинг биттаси «сичқонча» ёрдамида икки марта босилса, ойна очилади ва бу ойнадаги харфларни болалар тарбиячи ёрдамида такрорлайди. «Бош меню» га қайтсак, дастурнинг учинчи «Қизиқарли ўйинлар» деб номланган қисмига кирилади. Экраннинг чап қисмида рамкада ҳайвоннинг сурати, ўнг қисмидаги рамкада эса, ҳайвон ҳақида маълумот бериб ўтилган. дастурнинг чап бўлимига кирганда ёғоч доскада меванинг шакли берилган, досканинг атрофида , дарахтнинг атрофида турли меваларнинг сурати мавжуд. «Сичқонча» орқали меванинг шаклини мўлжаллаб бола керакли мевани очса, мева учи бориб доскадаги меванинг колипига жойлашади (3-расм).

Ўйин шу тарика давом эттирилади. Тўғри топилган меванинг эвазига рағбатлантирувчи смайликлар ҳосил бўлади. Мултимедиали слайдимиз ана шулардан иборат.

Мақтабгача таълим муассасалари тайёрлов гуруҳларида болаларни саводга ўргатишда мултимедиа технологиясидан фойдаланиш машғулотларнинг самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, боланинг хотирага олиш қобилиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади:

- мактабгача таълим-тарбия ишларини самарали, давлат таълим стандартлари асосида амалга ошириш мақсадида мутахассислар томонидан тузилган «Болажон» таянч дастурида саводга ўргатишга доир мавзулар билан бола шахсида зарур сифат ва ҳиссини тарбиялаш имконияти бўлади;

- мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари орасида болаларни тарбиялашда катта тажриба орттирганлари ҳам бор. Бироқ кўпчилик тарбиячилар болаларнинг яхши ўзлаштириши, таълим-тарбия ишларига фаол иштирок этишни таъминлашга эътибор бериб, алоҳида бола, унинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, муносабатлари таъсири;

- мактабгача тайёрлов гуруҳи болаларини саводга ўргатишда мултимедиа технологиясидан фойдаланишда катта имкониятларга эга;

- мактабгача таълим муассасида техник воситалар билан таъминлаш ва тарбиячиларнинг компютер билимларини ошириш;

- мактабгача тайёрлов гуруҳлари болаларининг ёшларини ҳисобга олиб, янги билим берувчи машғулотларда компютерлардан бевосита диалог методи асосида фойдаланиш;

- мактабгача тайёрлов гуруҳи болаларини саводга ўргатишда мултимедиа технологиясидан фойдаланилган ҳолда машғулотни амалга ошириш;

- машғулотларни амалга оширишда янги интерфаол ва ноанъанавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларининг ёшига ва таълим дастурига мослиги эътиборга олинган ҳолда, мултимедиа технологияси асосида ташкил этиш ва Мактабгача таълим муассасаларининг мактабга тайёрлов гуруҳлари ўқув режаси асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Назорт саволлари:

1. Мултимедиа технологияси деганда нимани тушунасиш?
2. Медиа таълимнинг асосий мазмунини айтиб беринг?
3. Мултимедиа технологиясидан фойдаланиш методларини санаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зуфаров Ш. Инновация – педагогика коллежлари таълим жараёни самарадорлиги омили сифатида. // Педагогика коллежлари таълим жараёнини такомиллаштириш муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2009 йил 29 апрель. – Т., 2009.

2. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.

3. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари. (2соат)

Режа:

1. Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мазмуни.”Қарор қабул қилиш технологияси”

2. Таълимга оид “Тушунчалар таҳлили” услуги

Машғулотнинг бориши

I-топшириқ. Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мазмуни мавзусида. ”Қарор қабул қилиш технологияси”. График органайзери ёрдамида баҳс-мунозара ташкил этиш.

Тингловчиларга қуйидаги иш қоғози тақдим этилади:



2- Топшириқ. Таълимга оид “Тушунчалар таҳлили” услуги

Тушунчалар	Мазмуни
Инновация	
Технология	
Модернизация	
Модул	

Лойиха	
Дефференция	
Масофа	
Ривожлантириш	
Таълим	
Тарбия	
Маданият	
Конструктив	
Хамкорлик	

2- амалий машғулот: Бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари. (4-соат)

Режа:

1. Бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтиришга оид Блиц-сўров
2. Педагогиканинг асосий тушунчалари.

Машғулотнинг бориши.

1-топшириқ. Бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтиришга оид блиц-сўров саволлари.

1. Ўқитувчиларининг энг буюк бурчи – унинг халққа нафи тегадиган, ақл-идрокли, қобилиятли, уқувли шогирдлар тайёрлашдир.

2. ўқитувчи ёш авлодни ҳалқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим ва фахрли шу билан бирга масъулиятли вазифани бажаради.

3. ўқитувчиларининг сиёсий етуклиги болаларнинг тарбиялаш сифати учун ҳалқ ва жамият олдидаги ўз масъулиятини англаши, таълим - тарбия ишларини ҳал этиши, ижодий ёндошиши, ўз маҳоратини кўрсата олиши, хамкасбларнинг ишдаги ўсишга кўмаклаши.

2-топшириқ. Педагогиканинг асосий тушунчалари

Педагогиканинг асосий тушунчалари

Тарбия	Таълим	Маълумот
<p>Педагогик ходиса булиб, ёш авлодга илмий билимлар системасини, малака ва кўникмаларни махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бориш ва унинг натижасида ҳар томонлама шаклланган кишини тарбиялашни мақсад қилиб қўяди.</p>	<p>Ижтимоий зарур билимлар, муайян кўникма ва малакаларни ўқувчиларга сингдириш, уларнинг онгига, хулқига таъсир этиш, дунёқараши ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир. У инсонни меҳнатга, ҳаётга тайёрлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Таълим бериш жараёнида тарбия ва маълумотнинг мақсади амалга оширилади. Таълим икки томонлама жараён - ўқитиш ва ўқишни ўз ичига олади.</p>	<p>Асосий педагогик тушунча бўлиб, унинг ижтимоий ҳаёт воқеаларини объектив акс эттиришдир. Маълумот кишини билишга бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлайди. Маълумот таълимнинг натижаси бўлиб, у киши томонидан билим, малака ва кўникмаларни мустақил эгалашдир.</p>
<p>Ўқитиш – педагогик фаолият бўлиб, у билим кўникма ва малакаларни болаларга сингдириш, уларнинг билим ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.</p>		
<p>Ўқиш – болаларнинг билим, малака, кўникмаларни эгаллашдаги амалий фаолиятидир. У ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди.</p>		

Изоҳ...

3-амалий машғулот: Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш. (4-соат)

Режа:

1. Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари моҳиятини ёритиш.
2. Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш. “Уч йиллик истикбол режа” намунаси асосида тузиш

Машғулотнинг бориши


1-топшириқ. Берилган тушунчаларни мос ўринларга қўйиб, таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари моҳиятини ёритинг.

№	Таърифлар	№	Тушунчалар
1	... ўқитувчининг индивидуал услубига мувофиқ танланади	А	технологик воситалари
2	... тесқари алоқа (педагог ва болалар ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ	В	технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик муҳит
3	Таълимнинг ... болаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади	С	лоийҳалаш стратегиялари
4	Таълим жараёнининг лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар ...нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши асосида таъминланади	Д	лоийҳалаш сифати

Жавоб:

1-	2-	3-	4-
1-С	2-Д	3-А	4-В

2-топшириқ. Мактабгача таълимда Педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш “Уч йиллик истиқбол режа” намунаси асосида тузиш



4-амалий машғулот: Компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш технологиялари. (4-соат)

Режа:

1. Мавзу юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш.
2. Мавзуга оид “Кичик эссе” ёзиш.
3. “Касбий шакллантириш шкаласи” асосида тингловчиларнинг педагогик компетентлиги даражасини баҳолаш.

Машғулотнинг бориши

1-топшириқ. Мавзу юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш.

Блиц-сўров:

1. Луғавий маъносига кўра “компетентлик” –
2. Мазмунига кўра “компетентлик” –
3. Махсус (касбий) компетентлик –
4. Ижтимоий компетентлик –
5. Шахсий компетентлик –
6. Индивидуал компетентлик –
7. Экстремал касбий компетентлик –
8. Технологик компетентлик –
9. Индивидуал ривожланиш дастури –

2-топшириқ. Мавзуга оид “Кичик эссе” ёзиш.

“Кичик эссе” учун таклиф этиладиган мавзулар:

1. Педагогнинг ўз-ўзини баҳолаши.
2. Педагогнинг ўзини ўзи таҳлил қилиши.
3. Педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши

3-топшириқ. “Касбий шакллантириш шкаласи” асосида тингловчиларнинг педагогик компетентлиги даражасини баҳолаш.

Касбий шакллантириш шкаласи

№	Касбий компетентлик сифатлари	Шкала кўрсаткичлари									
		10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1. Ижтимоий компетентлик											
1)	ижтимоий ташкилотлар ва субъектлар билан ўзаро муносабатда бўла олиш кўникма, малакаларига эгаллик										

2)	касбий мулоқот ва хатти-ҳаракат услубларини ўзлаштира олганлик																		
2. Шахсий компетентлик																			
1)	доимий равишда касбий ўсишга эришиш ва касбий малакани ошириб бориш																		
2)	касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини рўёбга чиқара олиш																		
3. Махсус компетентлик																			
1)	мустақил равишда касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш																		
2)	одатий касбий-педагогик вазифаларни тўғри ҳал қилиш ва ўз меҳнатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига эгалик																		
3)	мутахассислиги бўйича янги билим ва кўникмаларни мустақил равишда изчил ўзлаштириб бориш қобилиятига эгалик																		
4. Технологик компетентлик																			
1)	касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойтадиган илғор технологияларни ўзлаштириш қобилиятига эгалик																		
2)	замонавий дидактик воситалар (техник воситалар, ўқув қуроллари)дан фойдаланиш малакасига эгалик																		

5. Экстремал компетентлик										
1)	фавкулотда ҳолатларда (табiiй офатлар содир бўлганда, технологик жараён ишдан чиққанда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик									
2)	муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятлар юзага келганда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик									

Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

5-амалий машғулот: Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳияти. (4-соат)

Режа:

1. Мактабгача таълим педагогикаси бўйича Б./ Б. /Б технологиясини қўллаш.
2. Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифини ёритувчи “Икки саҳифали кундалик”ни шакллантириш

Машғулотнинг бориши

1-топширик. Б./ Б. /Б технологиясини қўллаш қоидалари
Б/Б/Б ЖАДВАЛИ - Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчанликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

1. Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида, кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.

2. “Мавзу боўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар. Жадвалнинг 1- ва 2- бўлимларини тўлдирадилар.

3. Ўқитувчи баёнини тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.

4. Мустақил, кичик гуруҳларда жадвалнинг 3 бўлимни тўлдирадилар

	Мавзу саволи	Биламан	Билдим	Билишни хоҳлайман
1.	Мактабгача таълимда педагогик жараёнлари ҳақида қайси олимларнинг фикрларин биласиз			
2.	Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни бошқариш			
3.	Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни бошқариш учун педагог томонидан қилиниши керак бўлган ишлар			
4.	Ўзбекистонда таълим тизимига кириб келган инновацияларнинг аҳамияти			
5.	Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи			
6.	Мактабгача таълим педагогикасининг мазмуни ва моҳияти			

2-топширик. Кичик гуруҳларга Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифини ёритувчи “Икки саҳифали кундалик”ни шакллантириш
Тингловчилар учун қуйидаги иш қоғози тавсия этилади:

<p>1-саҳифа Мактабгача таълим педагогикасининг мақсади -</p>	<p>2-саҳифа Ҳозирги замон талабларига мос равишда мактабгача таълимни тизимини ислох этиш вазифалари –</p>
---	---

6-амалий машғулот: Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари. 4-соат

Режа:

1. Олий таълим мутахассисларининг мавзуга оид илғор иш тажрибаларини ўрганиш.
2. Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш.
3. Касбий фаолиятга тааллуқли объектларнинг умумий белгиларини топиш.

4. Мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар билан ўтказиладиган тренинглари.

Машғулотнинг бориши

1-топшириқ. Олий таълим мутахассисларининг мавзуга оид илғор иш тажрибаларини ўрганиш. Тажрибали профессор-ўқитувчи ёки мутахассис фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасасининг мактабгача таълим йўналишидаги дарс-машғулотларини кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашиш. “Машғулотларни ўтказиш технологиялари” мавзуси бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этади.

Машғулоти “*Машғулотларни ўтказиш технологиялари*” модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларда ташкил этилади. Олий таълим мутахассисларининг мавзуга оид илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш.

2-топшириқ. Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш.

Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий машғулоти ўтишнинг метод ва усуллари, ишланмаларидан фойдаланиш. Мутахассислик модулларидан очиқ машғулотларни кузатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш. Очиқ, кўргазмали, намунавий машғулотлар ва уларга қўйилган талаблар асосида таҳлил қилиш.

Мазкур машғулотлар талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа муассасаларда ҳамда мактабгача таълим муассасаларида кўчма машғулоти (очиқ машғулотлар) тарзида ўтказилади. Унда ўтказилган машғулотни тегишли мезонлар асосида таҳлил қилиш орқали тарбиячиларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш ташкил этилади. Бу жараёнга кўчма машғулоти ташкил қилинган таълим муассасаси тарбиячиларини жалб этиш, уларнинг машғулотларини таҳлил қилиш орқали уларга методик ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилади. Машғулоти натижаси сифатида очиқ машғулотни кузатиш ва таҳлил қилиш варағи тўлдирилади ва малака ишига илова қилинади.

3-топшириқ: Объектларнинг умумий белгиларини топиш. Касбий фаолиятингизга тааллуқли, бироқ, бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки

мутлақо боғланмаган 2 та объектни олинг. Қуйидаги жадвал асосида уларга тааллуқли ўзаро ўхшаш жиҳат (белги)ларни топишга ҳаракат қилинг.

Намуна

Бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки мутлақо боғланмаган объектлар	
Педагогик фаолият	Театр

4-топшириқ: Ота-оналар билан ўтказиладиган тренинглар.

Мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар учун тренинглар, мунозаралар, тестлар, топшириқлар, савол номалар, интерфаол методлар вақти- вақти билан ўтказилиб турилса, айниқса, мактаб ёшидаги 6-7 ёшли болаларни мактабга тайёргарлигини аниқлашда ота-оналарнинг иштирокида олиб бориладиган ҳар бир машғулотлар фарзандларининг нимага қодир эканлигини англаб олишларига яқиндан ёрдам беради ва болаларни мактабга тайёрлашда оила аъзоларининг масъулияти ошарди.

Таълим муассасаларида ота-оналар ва тарбиячилар билан ўтказиладиган ҳар бир мунозаралар болаларни мактабнинг илк босқичига қадам қўйишларини силлиқлик билан ўтишида ёрдам беради ҳамда соғлом бола ва мустаҳкам соғлом муҳит шароитини яратишга имкон беради.

Тренинглар мактабгача таълим муассаса услубчиси, мактабгача тайёрлов гуруҳ тарбиячиси ва тарбияланувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари, бошланғич синиф ўқитувчилари иштирокида ўтказилиши бола ривожланишида тўғри ташхис қўйишга ёрдам беради.

Ота-оналарга: «Сизнинг болангиз яқинда етти ёшга тўлади. Унинг ҳаётида янги тартибли, режага асосланган таълим бошланиб, у болангизни ҳар томонлама соғлом, тетик, мустақил шахс сифатида вояга етишида замин яратиш босқичларига айланади» деб мурожат этилади.

Мактаб остонасига биринчи қадамини қўяр экан сизнинг болангиз ҳаётида ўчмас, эса қолувчи дамлар бошланади, деб саволномалар тарқатилади ва ёзма равишда жавоб берилишини илтимос қилинади.

1. Сизнинг болангизда мактабда ўқишга мойиллик борми?

2. Сизнингча бола мактабга тайёргарликни оилада оладими?
3. Мактабда муваффақиятли ўқиш кетиши учун нима зарур?
4. Жисмоний соғлом бўлиши учун нималарга эътибор қаратилиши лозим?

5. Шахсан сизнинг болангиз мактабгача таълим муассасасидан сўнг мактаб шароитига мослашиши учун нималарга эътибор қаратар эдингиз?

6. Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб таълими ўртасидаги фарқларни болангиз онгига сингдира оласизми?

7. Мактаб ҳаётидаги қонун-қоидаларни билиши ва унга амал қилишига ёрдам бера оласизми?

8. Мактабгача таълим муассасаларидан қандай талаб ва истакларингиз бор?

каби саволларга жавоблар олингандан сўнг мунозарани олиб бориш учун ота-оналарга топшириқлар берилади:

- ота-оналарнинг мактаб бўсағасидаги ташвишлари қай даражада эканлигини аниқлаш,

- мактабга болаларни ҳар томонлама тайёрлаш учун ота-оналарни қизиқтирган китобларнинг мавжудлиги,

- болани соғлом муҳитда тенгдошлари билан ўртоқлашишга кўмаклашиши.

- ўқиш ва санашни билиш даражаларини аниқлашга ёрдам бериш.

- болаларни интизомли, тартибли, чидамли ва мустақил фикирлашга ундаш.

Ота-оналар топшириқлар юзасидан ўзаро мунозара қилганларидан сўнг уларнинг фикр ва мулоҳазаларини тинглаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва бошланғич таълим ўқитувчиларига болаларни мактаб таълимига тайёрлашда уларни соғломлигига катта эътибор қаратиш, жисмонан ва ақлан ривожлантириш масъулиятини юклаш, муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб бориш вазифаларини бажаришдан иборатлиги

тушунтирилади ҳамда таълимнинг кейинги тури - бошланғич синфларда муваффақиятли таълим олишга йўналтирилади.

7-амалий машғулот: Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларини жорий этиш. (2-соат)

Режа:

1. Мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикасини қўллашда “ИНСЕРТ” усулидан фойдаланиш.
2. Мультимедиа технологияларини татбиқ этишда «Нима учун?» техникасиндан фойдаланиш .

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: Мультимедиа технологияларидан фойдаланиш методикасини қўллашда “ИНСЕРТ” усулидан фойдаланиш. Самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб ўрганишга ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари китоб ва бошқа материаллар олдиндан тингловчига вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб “В”; “+”; “-“; “?” белгилар орқали ўз фикрини ифодалайди.

(В)- Мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+)- Янги маълумот

(-)-Мен билган нарсага зид.


(?)-Мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

“Инсерт” жадвали

Тушунчалар	В	+	-	?
Болаларни тарбиялашда Мультимедиа технологияларининг аҳамияти				
Мактабгача таълим муассасаларида болаларни Мультимедиа техно логиялари билан таништириш				
Мактабгача таълим муассасаларида Мультимедиа технологияларидан фойдаланиш				

2-топшириқ: Мультимедиа технологияларини татбиқ этишда «Нима учун?» техникасиндан фойдаланиш.

«Нима учун?» техникасининг схемадаги кўриниши



«Нима учун?» техникаси схемасини тузиш қоидалари

1. Қандай Мультимедиадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.
2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.
3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” технологияси (инглиз тилида “case” – тўплам, чемодан (чамадон), “study” – муаммоли вазият) – вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш демакдир. Ушбу технология талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

У талабаларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади

1. Кейс баёни.

1-Кейс топшириғи: Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш Кейс баёни

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳоси	Муомолар ечими
					Тарбиячининг иш фаолиятини белгилаш
					Тарбиячининг иш режасини тузиш
					Тарбиячининг илғор иш тажрибаларини мақсадини белгилаш
					Иш мазмунини танлаш
					Тарбиячининг иш жойни жихозлаш ҳамда керакли техникани тайёрлаш
					Иш мавзусини танлаш ва унинг ишланмасини ёзиш
					Бажариладиган ишни тақсимлаш
					Тарбиячининг илғор иш тажрибаларини энг қизиқарли, таъсирли нуқталарини танлаш
					тажрибаларини таҳлили ва кейинги иш режасини тузишга тайёргарлик

2. Кейс баёни. Мавзуга оид кейс топшириқларини бажариш.

2. Кейс баёни. Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари муҳим кўриниши бўлиб, у муайян босқичларда амалга оширилади.

Кейс топшириғи: Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари амалга ошириладиган вазифаларни босқичлар бўйича белгиланг:

Босқичлар	Вазифалар
1-босқич	- таълим-тарбия жараёнини кузатиш;
2-босқич	- таълим-тарбия жараёнини ташхислаш;
3-босқич	- лойиҳани яратиш;
4-босқич	- педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш;
5-босқич	- педагогик жараённи ташкил этиш

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:



3. Кейс баёни. Ҳар қандай педагогик фаолиятнинг самарадорлиги унинг натижаси ёки натижалари билан ўлчанади. Шахс фаолияти, билими, кўникма ва малакаларини баҳолашда муайян мезонларга таяниб иш кўрилади. Мезонларнинг ишлаб чиқилиши фаолият, билим, кўникма ва малакаларнинг объектив, холис баҳоланишини таъминлайди.

Кейс топшириғи. Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

Ўқитувчининг ечими:

Ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлишини
баҳолаш мезонлари

Ҳолат	Мезонлар
Ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлиги	1. Ўз фани бўйича янгиликларни яратиш хоҳишига эгалик. 2. Ўзлаштирган ёки ўзи асосланган янгиликларни амалиётга тадбиқ этишда қатъиятлилиқ кўрсатиш. 3. Ўз фаолиятида инновацияларни фаол қўллаш 4. педагогик фаолиятнинг самарадорлигини ташкил этиш 5. Ўқитувчи педагогик маҳоратини намоён эта олиши 6. Ўқитувчи ўқув жараёнини фаоллаштириши

4. Кейс баёни. Замонавий шароитда таълим тизимида вебинар технологиялар тобора кенг қўлланилмоқда. “Вебинар технологиялар” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“webinar” – web-based seminar) web-технологиялари ва анъанавий таълимнинг ўзаро бирлиги асосида ташкил этиладиган семинарни англатади. Бироқ, кенг маънода web-технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган нафақат семинарни, балки турли онлайн тадбирлар (семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, айрим ҳолатларда тренинг, турли ходисалар бўйича тармоқ трансляциялари (компьютер ёки Интернет тармоғида намоёиш этиладиган лавҳалар)ни ёритишга ҳам хизмат қилади.

Ушбу технологияларни ўзлаштириш орқали педагоглар интерфаол ўқув машғулотларини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Талабалар учун эса бу технологиялар вақтни ва бошқа ресурсларни тежаш имкониятини яратади. Чунки ушбу интерфаол таълим жараёни билан қулай вақт ва қулай жойда танишиш имконияти мавжуд. Бу эса педагоглардан вебинар технологиялар асосидаги машғулотларни самарали ташкил этиш учун муайян кўникмаларга эга бўлиш, бир қатор шарт ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.

Кейс саволи: кўпчиликнинг фикрича вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминотига боғлиқ. Бу фикр қанчалик тўғри.

Ўқитувчининг жавоби: вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бошқа турдаги дарслар каби вебинар дарсларнинг сифат ҳамда самарадорлиги уларнинг

методик жиҳатан ташкил этилишига боғлиқ. Ташкилий-технологик масалалар, яъни вебинар дарсининг Интернет тармоғи орқали талаба, тингловчиларга узатиб берилишининг ҳал қилинишигина вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти билан боғлиқ. Борди-ю, вебинар дарсларининг трансляцияси жуда сифатли бўлгани ҳолда кутилган таълимий натижа қўлга киритилмаса, у ҳолда ўқув машғулоти педагог томонидан самарали, сифатли ташкил этилмаган бўлади.

5-Кейс топшириғи: Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:

Асосий фарқлар	
<i>Афзалликлари:</i>	<i>Камчиликлари:</i>
<ol style="list-style-type: none"> 1. Аниқ, маълум тушунчаларни билиш, маълум кўникмаларга эга бўлиш 2. Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиш 3. Вақтдан унумли фойдаланиш 4. Барча муаммоларни ҳал этиши 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Аниқ илмий билимларга таяниш бўлиши мумкин 2. Мустақил фикрлай оладиган ўқувчиларнинг шаклланиши сусаяди 3. Тассавурларни ўзгармасдан қолиши тингловчиларнинг машғулотлардаги пассивлиги ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасининг пастлиги 4. Дарснинг бир хил ташкл этилиши 5. Ўқитувчининг тўла назорати барча тингловчилар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмайди 6. Тингловчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириша олмайди 7. Эслаб қолиш даражаси ҳаммада тенг бўлмаганлиги сабабли гуруҳда ўзлаштириш пастлиги. 8. Касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

1. Олий таълим тизимида мактабгача таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш йўналишлари.
2. Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш.
3. Педагогик креативлик ва унга хос сифатлар.
4. Шахс креативлигини аниқловчи психологик тестлар.
5. Педагогик маҳорат ва унинг таркибий қисмлари.
6. Педагогда креативлик потенциалини ривожлантириш методлари.
7. Педагогик мулоқот услублари ва уларни тўғри танлаш.
8. Мактабгача таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг концептуал асослари.
10. Педагогик мулоқот маданияти.
11. Таълим жараёнида педагогик мулоқот услубларини ўринли қўллаш.
12. Педагогик низолар ва уларни самарали ҳал этиш йўллари.
13. Педагогик низоларни келтириб чиқарувчи омиллар.
14. Педагогик низоларни ҳал этишда қўлланиладиган усуллар.
15. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари.
16. Бўлажак мактабгача таълим ўқитувчиларининг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари.
17. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион воситалар.
18. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш.
19. Мактабгача таълимда педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш.
20. Педагогик компетентлик ва уни самарали шакллантириш.
21. Педагогик компетентлик сифатлари.
22. Педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши.
23. Компетентли ёндашув асосида бўлажак мутахассисларни касбий шакллантириш технологиялари.
24. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги.
25. Педагогик низолар ва уларни самарали ҳал этиш йўллари.
26. Педагогик низоларни келтириб чиқарувчи омиллар.
27. Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифи, мазмуни ва моҳияти.
28. Педагог креатив потенциалининг таркибий асослари.
29. Педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари.
30. Мактабгача таълим муассасаларида мультимедиа технологияларини жорий этиш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Лойиҳалаш Projecting	Бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат	An action aimed at developing the essence of an activity or process, activity model by assuming, predicting, planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means
“Ассесмент” технологияси “Assessment technology”	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами	A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students
Ахборотли лойиҳалар Information projects	Ўқув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишга йўналтирилган лойиҳалар	Projects intended for collecting theoretical information aiming at realization of scientific projects or organization of educational process
Вебинар технология Webinar technology	Web технологиялар асоси (онлайн тадбирлар ва таълим воситалари ёрдами)да ташкил этиладиган семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, тренинг, турли воқеа ёк ходисалар бўйича Интернет тармоғи орқали ташкил этиладиган тўғридан тўғри узатиладиган лавҳа (трансляция)лар	Broadcasting organized via Internet transmitting live seminars, conferences, debates, presentations, negotiations, meetings, trainings, various events with the help of Web technologies
Дарс ишланмаси Lesson planning	Таълимий мазмунга эга лойиҳа ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат	An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence
Драматик ўйинлар Dramatic games	Психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар	Games intended for solving psychologic and social issues
Дидактик ўйинлар	Ўрганилаётган объект, ходиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга	A type of a study activity that increases activeness, interest of students in

Didactic games	бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури	getting knowledge based on the modeling of processes, events, objects that are being studied
Ижодий лойиҳалар Creative projects	Индивидуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар	The projects intended to creat new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on cooperation and individual activity
Индивидуал таълим Individual education	Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) билан ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperatuion with a single student or educational means (literature, computer, television, redio, etc.) during educational process
Инновацион таълим Innovative education	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	Education that allows to develop skills and qualities f a student
Инновацион фаолият Innovative activity	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards
Инновация	Муайян тизимнинг ички	An activity aimed at

Innovation	тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият	changing the internal structure of a certain system
Интерфаол таълим Interactive aducation	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knodlegde
Ишбилармонлик ўйинлари Business games	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	Activities organized in order to master skills in running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization
“Кейс-стади” технологияси “Case study” technology	Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология	A technology that forms skills in earching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
Консорциум Consortium	Масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма	A union of two universities that organize a distance learning
Лойиҳа Project	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
Лойиҳа таълими A study of project	Таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing the essence of pedagogical activity by guaranteeing the effectiveness of a pla and aim that have educational characteristics
Маҳорат дарслари Master classes	Очиқ ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилган самарали ўқитиш шакли	An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences
Модератор	Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар,	A gedagog leading seminars, trainings, debates

Moderator	тренинг, давра суҳбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог	and forums organized in the frames of distance learning
Моделлаштириш Modeling	Ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш	Developing a model that discloses principal essence of an event, process and system
Модел Model	Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг содаллаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	A simplified or lessened copy of a real and authentic object
Модернизация Modernization	Объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши	Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations
Модул Module	1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалнинг мантиқан тугалланган бирлиги	1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials
Модул таълими A study of module	Ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади	A certain form of organization of educational process, according to which the logically completed units of study materials are mastered based on the certain stages and steps
Муаммоли вазият Dilemma	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ рухий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment
Муаммоли маъруза	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли	A lecture aimed at increasing students' study

A problem lecture	масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза	activity in solving an issue or dilemma
Муаммоли таълим Problem education	Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммоли таълим технологиялари Problem education technologies	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммо Problem	Ҳал қилиниши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала	an issue that has practical and theoretical significance and needs to be dealt with or solved
Мустақил таълим Independent learning	ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим	education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogs
Новация Novation	Тизимдаги айрим элементларнигина ўзгартиришга хизмат қилувчи фаолият	An activity that serves to change certain elements in the system
Педагогик муаммо	Ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала	A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution

Pedagogical problem		
Ривожланиш Development	Шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён	A complicated process of qualitative and quantitative changes in individual's physiological and intellectual development
Ривожлантирувчи таълим Developing education	Талабаларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим	Education aimed at revealing and developing students' inner capacities
Ролли ўйинлар Role-playing games	Маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги рухий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиқ беришга йўналтирилган ўйинлар	Activities that allow to explore the psychological state and actions of an individual when accomplishing the assignments and obligations
Сюжетли ўйинлар Plot games	Педагогик воқелик, ҳодисалар баённинг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар	Activities that are organized based on the interrelation of activities of individuals who participate in pedagogical situations
Тадқиқот лойиҳалари Projects of research works	Илмий изланиш характериға эга лойиҳалар	Projects that have scientific study characteristics
Таълим жараёнини лойиҳалаштириш Projecting the educational process	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activities and its assessment
Таълим инновациялари Educational innovations	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and that guarantee effective results
Таълим тизимини модернизациялаш	Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий	Improving or developing an existing mechanism in order

Modernization of educational system	эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs
Узоқлаштирилган аудиториялар Distant auditoriums	Бир олий ўқув юртида ташкил этилаётган ўқув курслари, маъруза ва семинарларнинг ундан узоқ масофада жойлашган таълим муассасаларининг ўқув аудиторияларига телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радио эшиттириш кўринишида узатилиши	A transmission of courses, lectures and seminars to classrooms or lecture halls in remote places organized in universities (colleges) via telecommunication means in the form of synchronous TV or radio programs, video forums
Фасилитатор Facilitator	Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог	A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication occurring in groups, effectively and objectively assesses activity of groups
Шахсга йўналтирилган таълим Student-centered education	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
Шахсни ривожлантириш Developing an individual	Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individual
Эдвайзер Advisor	Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил	An advisor who assists in an independent accomplishment of a thesis,

	бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи	course projects by students
Ўйин Game	Кишилиқ фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли	An important type of individual's activity and a form or method of mastering by imitating the relationships by children
Ўйин технологиялари (ўйин таълими) Game technologies (game learning)	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳолавчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
Ўқув лойиҳаси Learning project	1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули; 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси; 3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита	1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product; 2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge; 3) a didactic mean that develops, educates, increases knowledge and develops skills, competence
Ҳамкорлик таълими Cooperation education	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим	Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process

VIII. Фойдаланилган адабиётлар

I. Раҳбарий адабиётлар.

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
5. Ўзб. Рес. Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “2017-2021-йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Т.:-2016й. 29-декабр.
6. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
7. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.–Т.:“Ўзбекистон”,2017.- 48б.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ, 2010. 662с.
4. ДУЕТ-Девелопмент оф Узбекистан Енглиш Теачерс*- 2-том. СД ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
5. Мичаел МсСартхй “Енглиш Восабуларй ин усе”. Самбридге Университй Пресс, 1999, Пресентед бй Бритиш Соунсил.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услугий мажмуа. Басис Усер/Бреактхроугх Левел А1/-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000.–17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иктисод”, 2008. – 208 б.
17. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
18. Ижтимоий педагогика. / Эгамбердиева Н. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.

19. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2012.
20. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
21. Самостоятельная работа студентов: метод указания / сост.: А.С.Зенкин, В.М.Кирдяев, Ф.П.Пильгаев, А.П.Лаш – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2009.
22. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010. – 432с.
23. Слостенин В.А. Исаев И Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2-х ч. – М.:ВЛАДОС, 2003. Ч.1
24. Столяренко А.М. Психология и педагогика. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.
25. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006.
26. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. – М.: 2003.
27. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2009.
28. Шихова О. Ф., Шихов Ю. А. Квалиметрический подход в образовании. //Ж. Образование и наука. 2013. № 4 (103) – С . 40-57.
29. Жукова Г.С., Комарова Е.В., Никитина Н.И. Квалиметрический подход в системе дополнительного профессионального образования специалистов социальной сферы: монография. – М.: Издательство РГСУ, 2012. – 186 с.
30. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури Т.: -2016 йил.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.edu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги портали
2. <http://www.uzedu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги веб сайти
3. <http://www.eduportal.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборот таълим портали
4. <http://www.multimedia.uz> - Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази сайти
5. <http://www.bimm.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик маркази сайти
6. <http://www.pedagog.uz> - Тошкент давлат педагогика университети веб сайти

7. <http://www.giu.uz> - Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази сайти
8. <http://www.ziyonet.uz>. - ахборот таълим портали
9. <http://www.natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона веб сайти.